



GULISTON

70
1
1999



Самарқанддаги буюк муҳаддис имом Муҳаммад ибн Исмоил ал Бухорий ёдгорлик мажмуаси қурилишида республикамизнинг турли бурчакларидан келган моҳир усталар меҳнат қилдилар.



**Уста
Абдугани Абдуллаев ўз
шогирдлари даврасида.**

КУЧ – БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

Бугунги кунда ғояни, фикрни тақиқ билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди. Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин.

Ислом КАРИМОВ.

Ҳар бир халқ миллат тарзида ташкил толиб, тарих ва замон воқеаларининг фаол иштирокчисига айланар экан, унинг жаҳон цивилизацияси олдидаги ёки ўз мамлакати ва қитъадаги мавқеи ҳамда обрў-эътибори доимо шу миллатнинг салоҳияти – ақлий, маънавий потенциалига боғлиқ бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Чунки миллатни миллат қиладиган, унинг номини тарих саҳифаларига муҳрлайдиган асосий куч халқ ва унинг маънавий салоҳият потенциалидир.

Маънавий салоҳият потенциали миллатнинг сони, мамлакатнинг катта-кичиклигига боғлиқ эмас. Ҳар бир миллатнинг маънавий кадрятлари унинг интеллектуал потенциали билан белгиланади. Фақат бу салоҳиятни рўёбга чиқариш ва ривожлантириш ҳар бир қадимий ёки янги жамиятлар олдидаги муҳим масала ҳисобланади.

Президентимиз 1994 йил 7 июнда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси умумий йиғилишида сўзлаган нутқида айтган эди: “Ўз тарихи, ўз меросига юксак ҳурмат, шу билан бирга, жаҳондаги энг катта хазина ҳисобланмиш интеллектуал салоҳиятни ўз ҳаётида, ўз иқтисодида мужассамлаштириш – ана шу давлатларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий бойлиги асосини ташкил этади, деб айтсак, янглишмаган бўламыз”.

Одамларнинг интеллектуал салоҳиятларини камол топтириш учун, биринчи навбатда, мамлакатнинг бошқарув тизимини ислоҳ қилиш ва

мустаҳкамлаш зарурияти туғилади. Мамлакат миқёсида шундай бошқарув тизимини ташкил этиш лозимки, у миллий ва умуминсоний манфаатларни ифода этган ҳолда шу бугунги, шу дамдаги одамларнинг ижодий фаолияти ва эркин яшаш тарзини таъминлайдиган бўлсин.

Муҳим ижтимоий масалалардан бири шундан иборатки, муайян жамият қандай давлат турига, қандай давлат тизимига эга бўлганда жамиятни мустаҳкамлайди, унинг интеллектуал потенциалини рўёбга чиқаради?

Президентимиз “Тафаккур” журнали саҳифаларида кучли давлат ва кучли жамият масаласини ўртага ташлар экан, бу масаланинг мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги катта аҳамиятини таъкидлаб ўтади: “Ишончим комилки, вақти-соати келиб, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади. Мана шу йўл, мана шу назарий масаланинг моҳиятини атрофлича ёритиш, уни ҳаётимизда, амалиётимизда ҳал қилувчи сиёсатга айлантириш нафақат бугунги, балки эртанги кунимизнинг ҳам энг муҳим ва долзарб вазифасидир”.

Ўзбекистон ўз мустақиллиги йўлида фуқаролик жамияти, яъни оддий инсон манфаатлари барча нарсдан азиз ва афзал саналадиган ижтимоий тузум қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, бунда билимдон, онгли, тафаккури чуқур,

маънавияти юксак, ҳар қандай олимона тўқилган “измлар”дан мустасно, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний кадрятларнинг вориси бўлган кишиларга таянади ва ана шундай инсонларгина бундай жамиятни барпо этишга, уни такомиллаштиришга қодир бўлади.

Кучли давлат ва кучли жамият қуриш ҳар бир миллат ва мамлакат олдида турган тарихий вазифа. Миллат ва мамлакат ҳаёти, тақдири, келажаги бу вазифани бажариш билан боғлиқ. “Бугун, – дейди Ислом Каримов, – халқаро ҳаёт, кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идроқ, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Амир Темур бобомизнинг “Куч – адолатда” деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўлаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб “Куч – билим ва тафаккурда” деган бўлардим”.

Ислом Каримов кучли давлат билан кучли жамият ўртасидаги мураккаб диалектик жараёнга тўхталар экан, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функцияларини аниқ ва изчил амалга оширишни уқтиради.

Кучли давлат кимга ва нимага керак?

Авваламбор шуни таъкидлаш жоизки, бировларнинг ерини, мамлакатини, халқини босиб олиш учун қуриладиган кучли давлат ҳеч кимга керак эмас. Бундай давлат, ҳатто шу давлат одамлари учун ҳам бахт-

саодат олиб келмайди. Куч одатда урушда, жангда ва босқинчиликда намоён бўлади. Ақл эса мулоқотда, разолатга қарши курашда керак. Уруш ва босқинчилик ҳали ҳеч бир мамлакат ва давлатнинг обрусини, бойлигини ва мавқеини оширмаган. Бироқ кучли давлат барпо этиш мамлакат ва миллатларнинг тарихий вазифаси бўлиб келган ва маълум давргача ана шундай бўлиб қолади. Нега? Биринчидан, кучли давлат муайян жамиятни барпо этиш ва мустақамлаш учун керак. Агар муайян жамият ўз тараққиёт йўлида кучли давлатга эга бўлмаса, мамлакат чок-чокидан сўкилиб кетади; иккинчидан, кучли давлат муайян жамиятнинг, мамлакатни ташқи ҳужум ва тажовуздан сақлаш учун зарур.

Бу масалада шунини таъкидлаш жоизки, XX аср охирида жаҳон харитасида шундай мамлакатлар борки, ери, аҳоли сони ва ишлаб чиқариш захиралари нуқтаи-назаридан ҳеч қанақа кучли давлат барпо эта олмаслиги мумкин ва бунинг ҳожати ҳам йўқ. Чунки инсоният “куч” тушунчасига XX аср охирида бошқача қарайдиган бўлди. Босувчи эмас, босилувчи кучли саналиши ҳеч гап эмас. Умуминсоний ахлоқий, демократик тамойиллар куч-адолат, билим ва тафаккур томонида эканлигидан дарак бермоқда. Бундан ташқари, нисбатан кичик мамлакат (масалан, Швейцария, Голландия, Бельгия ва ҳоказо)лар давлатининг кучи ички бошқарув тизимининг изчил демократик руҳда амал қилаётганида, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг устувор йўналиш тарзида қабул қилинишидадир.

Демак, кучли давлатга эга бўлиш фақат ўтиш даврида эмас, муайян жамиятни қуриш ва мустақамлаш учун ҳам зарур. “Кучли давлат” деганимизда нималарни кўз олдимизга келтирамиз? “Кучли давлат” “кучли мамлакат” маъносини ҳам бериши мумкин. Бироқ “кучли давлат”, асосан, мамлакат миқёсидаги иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг аҳволини ва самарали натижаларини кўзда тутати. Агар “кучли давлат” тушунчаси моҳиятини идрок этадиган бўлсак, у қуйидагилардан таркиб топган: биринчи навбатда мазкур мамлакатда демократик бошқарув тизими таркиб топган, миллий ва умуминсоний манфаатлар нуқтаи-назаридан яратилган Конституция ва қонулар асосида мамлакатда тартиб ўрнатилган бўлади; бошқарув тизимида тарихда бўлиб ўтган барча бюрократик, тоталитар

ва яккахокимлик асоратларига қанчалик тез барҳам берилса, шунчалик мамлакатни халқ бошқаришига эришилади; иқтисодий қашшоқ мамлакатда ҳеч қачон кучли давлат қуриб бўлмайди. Шунинг учун иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатнинг табиий ва интеллектуал захираларини ҳисобга олиш, маҳаллий муҳит ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни замонавий технология билан таъминланишига эришиш керак.

Иқтисодий мустақиллик ҳар бир мамлакатнинг келажагини белгилайди; мамлакатнинг муҳофаа қуввати, ўз навбатида, иқтисодий жиҳатдан ўтказиладиган ислоҳотлар ва уларнинг самараларига боғлиқ; бу натижалар эса халқнинг турмуш тарзи ва фаровонлигида ўз аксини топади; “кучли давлат”ни белгилувчи кучли бошқарув тизими, иқтисодий юксалиш, муҳофаа қудратининг юксалиши, халқ фаровонлигига эришиш ва ҳоказо омиллар пировард натижада халқнинг интеллектуал потенциалига бўлган ижобий ва ижодий муносабатни тақозо этади. Халқнинг интеллектуал потенциали ҳам ҳар бир давлат, ҳар бир жамият томонидан ўз иқтисодий-маънавий эҳтиёжларига мувофиқ равишда ривожлантирилади. Бу ўринда ақлий меҳнатнинг қадрланиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Ана шу юқорида зикр этилган жиҳатлар ҳар бир кучли давлат тизими ташкил топишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Шу билан бирга кучли давлат тизимида эга бўлиш кучли жамият қурилди, деган маънони берадими? Масалан, ҳозирги Россияни кучли давлатлар қаторига қўшиш мумкин. Россия нафақат ўз ери ва халқини ҳимоя қилиш, балки бошқа мамлакатларга қурол-яроғ сотиши, ёрдам кўрсатиши ҳам мумкин. Бироқ Россиядаги ҳозирги “демократия ўйинлари” Советлар инқирозидан сўнг кучли жамият қура олмаётганидан дарак беради.

Бинобарин, Президентимиз айтганларидай, ўтиш даврида Ўзбекистонда кучли давлат тизими ташкил топмоқда, мамлакатимиз хавфсизлиги йўлида, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб борилаётган барча ислоҳотлар кучли жамият барпо этиш ва уни мустақамлашга қаратилган.

Жамият мамлакат ва миллатнинг барча жамоавий ва индивидуал ҳаётини, турмуш тарзи ва дунёқараши-ни ифодаловчи ижтимоий-сиёсий

ва маданий-маънавий муайян тузилмадир. Унинг кучли ва демократик тамойиллар асосида қурилиши учун миллат ва мамлакатнинг тарихий ва замонавий, миллий ва умумбашарий анъана ва қадриятлари, орзу ва идеаллари рўёбга чиқиши ҳамда такомиллашуви керак.

Кучли жамиятни барпо этмоқ учун миллат ва мамлакатнинг барча ижтимоий-маънавий потенциали асосий миллий манфаат ва умумбашарий тараққиёт тамойилларига ҳамоҳанг ҳолда ҳаракатта келиши зарур.

Кучли жамият қачон ва қандай ташкил топади? Аввало мамлакатнинг барча фуқаролари манфаатларини ифодаловчи ўз Конституциясига эга бўлмоқ зарур. Конституцияни яратмоқ осон, аммо амалга ошириш қийин. Унинг барча бандлари ҳар бир фуқаро онгига етиб бориши ва ўз навбатида, фуқаро яшаган муҳитида Конституция қоидалари амал қилаётганини ҳис қилиши керак. Конституция тил ва дил бирлигини, шиорлар билан амалий фаолият муштараклигини ифодаловчи дастур бўлсагина жамиятни бошқара олади. Қаерда, қачон Конституция қоидалари бузилса, у умумжамият манфаати эмас, айрим гуруҳ ва партиялар нуқтаи назарини ифодаласа унинг ҳам назарий, ҳам амалий мавқеи ва аҳамиятига путур этади. Шунинг учун Ўзбекистон мустақиллигини мустақамлашда 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз улуг ишлардан бири бўлди. Президентимиз Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессиясида сўзлаган нутқида “Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуги — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда “фуқаро — жамият — давлат” ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интидик”, деган эди.

Ҳуқуқий тамойилларнинг устуворлиги демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришга, мулкчиликка бўлган муносабатни ўзгартиришга, инсон манфаатларини ҳамма нарсадан юқори қўйишга олиб келади. Бундай ижтимоий ислоҳотлар одамлар онгини ўзгартирмай қолмайди, одамларда миллий гуруҳ, ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйғуларини кучайиб боради.

Кучли жамият қуриш йўлида миллатнинг ўзлигини англаши, тарихий ўрнини белгилаши ва жаҳон халқлари орасида обрў-эътиборга сазовор бўлиши ва барча миллий анъана ҳамда расм-русумлари, удум ва бадий-эстетик қадрият

ларини ривожлантириш имкониятига эга бўлиши катта аҳамият касб этади. Мустақиллик туфайли ёқавайрон миллатнинг кўнглидаги мушкуллари ечилиб, эркин нафас олади ва унинг ижодкор меҳнати нафаси туфайли мамлакат боғида янгидан-янги кўкатлар, гуллар унади.

Унутилган, топталган ва тарих қаърига кўмилган миллий қадриятларга жон ато этилди, диний ва миллий меросимиз ўзанига ташланган оғир тошлар олиб ташланди.

Буларнинг барчаси кучли жамият яратиш учун қилинаётган тарихий ишлардир.

Миллат муаллақ шароит ва муҳитда эмас, муайян мамлакатда, ўз ўт-ўлани, тоғу тоши, боғу дарёлари мавжуд масканда яшайди. Мустақил инсон наинки унга шахсан тегишли кафтдек жойни, балки унинг киндик қони тўкилган заминни, она-Ватанни, мамлакатини асраб-авайлашни ихтиёр этади. Бутун дунёда экологик вазият хавфли бир чизиққа етиб борган замонда мамлакат об-ҳавоси ва табиатига ғам-хўрлик, уни келажак авлодларга соф ва гўзал ҳолатда қолдиришга интилиш ҳам муайян жамиятда яшовчиларнинг дунёқарашини, онги ва маслагидан дарак беради. Шунинг учун Президентимиз миллий мустақиллик мафкураси хусусида такрор-такрор уқтириб ўтадики, “Олдимизда турган энг муҳим масала, бу миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этишдир.

Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим”. “Эндиги асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришидир. Чунки, тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан қутилмаса, инсон тўла озод бўлолмайди.

Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қанотидир”.

Мустақиллик тафаккури, миллий истиқлол мафкураси ана шундай кенг ва катта ижтимоий омилларни ўз ичига олади. Билимдон ва

тафаккури теран, маънавияти пок ва маърифатли инсонгина мустақиллик қадрини, аҳамиятини чуқур англаб этади ва уни мустақамлаш устида қайғуради; юқоридаги фазилатларга эга инсонгина ўзининг ва ўз халқининг, Ватанининг қадру қиммати, ор-номусини чуқур ҳис қилиб, уни ҳимоя қила олади; юксак идеаллар оғушидаги инсонгина ўзидаги бор имконият ва истеъдонни, керак бўлса азиз жонини элу юрт — Ватан учун сафарбар этишга қодир бўлади.

Куч — билим ва тафаккурда экан, мамлакат, жамият ва давлат кучи ҳам шу мамлакат, миллат ва жамиятда етилган ақлий, маънавий потенциалга боғлиқ. Қайси мамлакат ва жамиятда инсон эркин ва озод экан, ўз истеъдоди ҳамда бор имкониятини рўёбга чиқара олишга қодир экан, бу жамият ва миллат кучли, истиқболи порлоқдир.

Бундай ижтимоий-тарихий ислохотларнинг негизи қандай изоҳланиши мумкин? “Тафаккур” журнали Бош муҳаррирининг “Сизнинг фаолиятингизда энг устувор йўналиш, энг олий мақсад нимадан иборат?” деган саволига Ислом Абдуганиевич қуйидагича жавоб беради: “Агар бу саволга бир оғиз сўз билан жавоб бериш лозим бўлса, мен “Халқимнинг омонлиги”, деб айтган бўлардим. Содда қилиб айтганда, элу юртимизнинг осойишталиги, осмонимизнинг мусаффолиги, сарҳадларимизнинг бехатарлиги, бугунги кунимиздан розилик, эртанги ҳаётга ишонч, оналаримиз ва фарзандларимиз юзидаги табассум, бу мен ўз фаолиятимда интиладиган энг олий мақсаддир. Халқимнинг осойишталиги ва фаровонлиги мен учун ҳамма нарсадан афзал”.

Бинобарин, мамлакат ва миллат истиқлоли ҳамда истиқболи тинчлик-хотиржамликка, одамлар орасидаги тотувлик ва барқарорликка боғлиқ. Тинчлик бор жойда тараққиёт бўлади, тараққиёт эса инсон салоҳиятларининг эркин намоён бўлиши учун сув ва ҳаводай зарурдир. Тинчлик-омонлик, барқарорлик ва хотиржамликнинг баҳоси йўқдир.

Юртимизнинг, халқимизнинг бугуни ва келажиги бўйича сидқидилдан қайғурувчи ва бу йўлларга барча ижтимоий-тарихий ва иқтисодий-маънавий жараёнларнинг фалсафий-назарий асосларини кўрсатиб бераётган Президентимиз ўз мулоҳазаларини шундай хулосалайди: “Яратганга минг қатла шукрлар

бўлсинки, биз ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳаларда, ҳам хавфсизликни сақлаб қолиш борасида энг оғир ва мураккаб даврни бошимиздан эсон-омонлик билан кечирдик. Халқимизнинг донолиги, бағрикенглиги, сабр-бардоши бизни ҳар қандай бало-қазолардан асраб, идрокимизни, ақл-заковатимизни чархлаб, юртимизда осойишталик ва миллатлараро, фуқаролараро тинчликни сақлаб қолишга хизмат қилди. Бугун энди ёруғ кунларга етганимиздан гурурланиб, янги-янги марралар сари қадам қўяётганимиз учун фахрланиб ишлаш ва яшашга асосимиз бор”.

И.А.Каримов асослаб берган мустақилликнинг Ўзбекистон модели шундан далолат берадики, бир пайтнинг ўзида ҳам кучли давлат, ҳам кучли демократик жамият куриш мумкин экан. Бунинг учун тараққиётнинг тамойиллари тўғри танланиши, халқ манфаати, инсон манфаати биринчи ўринга чиққан қонун устуворлиги, виждон амри, тафаккур озодлиги ва миллий ифтихор туйғуси ҳаётда ўз аксини топиши зарур.

Мустақиллик барчамизники. Келажак авлодларга эркин, озод ва обод Ватанни топшириш учун ҳалол, пок меҳнат қилишимиз, маънавият ва маърифат масалаларига эътиборни тобора кучайтиришимиз керак.

Маърифатга чорлаш, маърифатни эгаллаш ва шу туфайли инсон маънавиятини юксалтириш отабобларимиздан қолиб келаятган ажойиб меросдир. Маърифатпарварлик бизнинг қонимизда бор.

Ислом Абдуганиевич тарихчи олимлар билан учрашувда буни алоҳида таъкидлаб ўтди: “Маърифатпарварлик биз учун бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони ечолмасак, барча тоат-ибодатларимиз бир пул: тараққиёт ҳам, келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди!”

Маънавияти юксак, маърифатли мамлакатдагина инсон шаъни, ақл-фаросати, тафаккур тарзи эъзозланади. Давлат учун, муайян жамият учун бундан юксак, бундан афзал вазифа ҳамда орзу бўлиши мумкин эмас. Фуқароси тинч-тотув яшаган ва эркин нафас олган жамиятгина кучли ва мукаммалдир.

Ислохотларнинг тақдири ва самараси биринчи навбатда кадрларнинг савиясига, уларнинг замон ва тараккиёт талабларига нечоғлик жавоб беришига тақалиб колар эди. Юртимизнинг эртанги хаёти ва тақдири авваламбор, шу муаммоларни узил-кесил ечиш билан чамбарчас боғланганини хар қандай фикрловчи одам англаши кийин эмас. Шу сабабли биз ниҳоятда мураккаб, кўп вақт ва кўп маблағ талаб этадиган ана шу вазифани адо этишга киришдик.

И.А.Каримов.

МИЛЛАТНИНГ АҚЛИЙ САЛОҲИЯТИ



Алишер МҶМИНОВ

Жамият хаётидаги хар қандай ўзгаришлар, жумладан, сиёсат, қишлоқ хўжалиги, саноат ишлаб чиқариши, маориф ва маданият соҳасидаги ислохотлар ва янгила- нишларни амалга оширувчи куч, бу халқнинг, миллатнинг ақлий ва маънавий салоҳиятидир.

Миллатнинг ақлий салоҳияти- дан оқилона фойдаланиш, бу салоҳиятни эзгу, олижаноб, инсонпарварлик мақсадларида ёки гаразли ниятларда фойда- ланиш жамиятнинг, миллатнинг маъ- навий маданияти паст ёки юқо- ри савияда эканлиги билан боғ- лиқдир. Ватан, жамият тарихи- нинг турли босқичларида ҳукмрон мафкура миллий, халқчил ёки миллат манфаатларига қарши руҳда эканлигига қараб, миллат- нинг ақлий салоҳиятидан турли мақсадларда фойдаланиш мум- кин.

Хусусан, коммунистик мафкура ҳукм сурган даврларда ўзбек мил- латининг ақлий салоҳияти Ўзбе- кистон халқининг миллий манфа- атлари учун эмас, балки, собиқ Иттифоқнинг саноат, ҳарбий, сиё- сий кудратини ошириш мақсад- ларига хизмат қилар эди. У замон- да ўзбек зиёлиси истеъдодини, ақлий салоҳиятини ўз миллатини гуллаб-яшнатиш учун сарфласа -

сиёсий хато, мафкураси носоғ- лом, давлат учун ишончсиз одам, деб айбланар, унга жазо берилар эди.

Миллий истиқлолга, мустақил- ликка эришганимиздан кейин, кўп асрлардан сўнг биринчи марта халқимизнинг, санъаткорлар ва фан-техника зиёлиларининг ақ- лий ва маънавий салоҳиятлари миллат манфаатлари, Ўзбекистон халқ манфаатлари учун хиз- матга қўйилдики, бу жуда катта тарихий ғалабамиздир. Эндилик- да, Ўзбекистон зиёлилари - адиллари, бастакорлари, шоир- лари, рассомлари, педагоглари, олимлари ўз ақлий салоҳиятлари билан Ўзбекистон миллий манфа- атлари учун хизмат қилаётганли- ги билан фахрланишлари мум- кин.

Президентимиз И.А.Каримов шундай одамларимиз ҳақида фахрланиб гапиради: "Республи- камизда жаҳон фани ва техни- каси, фалсафа ва ҳуқуқ ютуқ- ларини эгаллаб олган ва шу би- лан бирга ўз халқига яқинликни сақлаб қолган кишилар жуда кўп- дир. Бундай кишилар Ўзбекистон- нинг XXI аср сари ташлаган қада- мида бизларнинг кашшофлари- миздир. Айнан ўшалар жамият- нинг энг ташаббускор негизини ташкил этади, бутун халққа иж- обий таъсир кўрсатади, унга ўз кучига ишонч бахш этади".

Дарҳақиқат, жаҳоннинг барча мамлакатларида ҳам фан, мада- ният ва техника соҳаларидаги мутахассисларнинг ақлий сало- ҳияти ўша мамлакатларнинг мил- лий бойлиги саналиб, давлат ва жамиятнинг етуқлик даражасини белгилайди.

Ақлий салоҳият эгалари, би- лим, тажриба, гуманистик ғоялар- нинг соҳиблари барча даврларда ҳам маънавий янгилашни ва мил- лий уйғонишнинг ташаббускор- лари бўлиб майдонга чиққанлар.

Бугунги Ватанимизда ҳам олимлар ва муҳандислар, бадий ижодкорлар, педагог ва шифо- корлар халқимизнинг ижодий руҳини юзага чиқарувчи миллий бойлигимиздир. Буларнинг ақлий салоҳияти ўз меҳнат фаолиятида, шунингдек, содиқ сафдошларида, издошлари ва шогирдлари фао- лиятида юзага чиқади. Булар ўз ақлий, ижодий фаолияти билан жамиятнинг жуда кенг қатлам- ларига, айниқса, ёш авлоднинг

бунёдкорлик фаолиятига ҳаёт-бахш таъсир кўрсатади.

Миллатнинг ақлий салоҳияти ижтимоий қиммати аниқлашнинг қуйидаги мезонларини кўрсатиш мумкин: аввало, ақлий салоҳият эгалари фан-техника тараққиёти ютуқларини, халқнинг маданий, тарихий, миллий мероси хазиналарини ўзида жамладир;

ақлий салоҳият эгаларининг ўзи ҳам миллатнинг илмий, иқтисодий, техникавий, маданий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларда тараққий этиши учун янги ғояларни, билимларни, ижодий маҳсулотларни бунёд этиш билан шуғулланадилар;

улар бевосита ёки билвосита халқнинг миллий анъаналари ва маънавий қадриятларини асраб-авайлаб келгуси авлодларга етказувчи олтин кўприк вазифасини ҳам бажарадилар. Бундай салоҳият эгаларининг ақл-заковати туфайли халқнинг тарихий хотираси йўқолмайди. ўз тарихий хотирасидан аждоқлар меросидан воз кечиш ҳавфи камайди;

ақлий салоҳият эгалари жамиятимиздаги турли ижтимоий тоифаларнинг, шунингдек, Ватанимиздаги турли миллат вакилларининг ўзаро аҳилликда ва ҳамкорликда, тинч-тотувликда яшашлари учун ахлоқий, маънавий заминларни тайёрлашда фаол қатнашмоқдалар.

Ақлий салоҳият эгаларининг бурчлари, вазифалари мана шулар билан чекланмайди, албатта.

Жамиятимиз ҳозирги мустақиллик замонида, истиқлол берган имкониятлардан фойдаланиб, маънавий покланиш, янгиланиш, ижтимоий адолатли муносабатларни қарор топтириш даврига қадам кўяр экан, халқимизнинг илғор ижтимоий табақаларини бирлаштирган ақлий салоҳият эгаларининг маданият, маърифат ва маънавиятни юксалтиришдаги мавқеи, нуфузини кўзда тутиб, уларнинг ҳаёти ва фаолиятига катта эътибор билан қараш, ёш авлод вакиллари орасидан ақлий салоҳият эгалари кўпроқ етишиб чиқиши учун ғамхўрлик қилиш, бу соҳаларда таълим-тарбия тизimini жиддий ислоҳ қилиш ҳаёт талаби, давлатимиз ва жамиятимиз олдига муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди.

Аммо, афсуски, ҳозирги вақтда олий таълим тизимида ишлаётган тажрибали олимларимиз ва мураббий-устозлар, адабиётчи, тилшунос, тарихчи, социология,

фалсафа, сиёсатшунослик олимлари миллатимиз, халқимизнинг ақлий салоҳиятини ўзида мужассам этувчи иқтидорли, қоби-лиятли, истеъдодли ёшларга зарур илмий-техникавий билимларни ўргатиш жараёнида, уларнинг маънавий мусаффолигига, ватанпарвар, инсонпарвар, халқпарвар, меҳнатсевар ва энг муҳими адолатли, виждонли, ҳалол инсонлар бўлишига етарли эътибор бермаяптилар.

Бундан ташқари истиқлол шарофати билан рўй бераётган ҳозирги ижобий ўзгаришлар шароитида ишбилармонлик, ташкилотчилик қобилиятим бор деб, турли идоралар ва муассасаларга мутасаддиқ қилиб, истеъдодли, қобилиятли, имон-этиқодли, соф виждонли, ҳалол инсонларга билим ва малакаларини оширишга йўл бермаётган демагоглар, сохта "доно"лар, фақат ўзим бўлай, дейдиган таъмагирлар топилади. Бундай одамлар барча замонларда ҳам учраб туриши сир эмас. Алишер Навоий "Насойимул-муҳаббат" асарида Абу Бакр Варроқ - Ҳаким Термизийнинг шундай одамларнинг зарари ҳақидаги фикрини келтиради: "Умаро (амирлар)нинг фасоди (айниши) зулм биландир, уламнинг фасоди тамаъ билан ва фуқаронинг фасоди риё (мунофиқлик, мутеълик) билан".

Бойлиги, камбағаллигидан, мансабдор ёки оддий меҳнаткаш фарзанди эканлигидан қатъи назар, аҳолининг барча ижтимоий табақаларига билим олиш, ақлий салоҳиятларини юзага чиқариш учун тенг, баравар шароитлар, имкониятлар яратиб бериш зарур. Аммо бун қандай амалга ошириш мумкин? Бунинг учун жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтиришга катта эътибор бериш - миллатимизнинг ақлий салоҳиятини асраш ва кўпайтиришга хизмат қилувчи малакали зиёлилар, мутахассислар тайёрлаш билан шуғулланувчи олий ва ўрта махсус таълим тизимида соф виждонли, имон-инсофли, ўзига мол-дунё тўплашни эмас, Ватан манфаатини ўйлайдиган фидойи зиёлиларни кўпайтириш зарур.

Ўзбекистон мустақилликка эришмасидан аввалги даврда миллатнинг ақлий салоҳиятини ўстиришга етарли эътибор берилмаганлигини шундан ҳам билса бўладики, республикада юқори малакали ақлий меҳнат билан шуғулланаётган мутахассисларнинг фақат 24,6 фоизигина ўзбек

миллатига мансуб эди. 1989 йилда эълон қилинган собиқ Иттифок аҳолисини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, ўзбеклар республикада маданият, маориф ва ҳуқуқшунослик соҳасидаги ишлаётган мутахассисларнинг чорайдан ҳам камроғини ташкил этар эди.

Миллий истиқлол йилларида бу аҳвол бир оз яхшиланди. Аммо, Ўзбекистон Президенти 1996 йилда Урганчда сўзлаган нутқида республикада ҳуқуқшунослик, социал руҳшунослик (психология) соҳаларида миллий кадрлар жуда камлигини айтган. Абдулҳафиз Жалолов "Инсон омили: фалсафа, мафкура, сиёсат" китобида таъкидлаганидек, 1990 йил маълумотларига кўра, АҚШда 150 минг социал психолог борлиги, Ўзбекистонда эса бундай мутахассислардан фақат 5 киши борлиги, ҳали бу соҳада аҳвол яхши эмаслигини кўрсатади.

Ўзбекистон аҳолининг саводлиги жиҳатидан дунёда олдинги ўринларни эгаллашига қарамай, бизда ҳали ақлий меҳнатни рағбатлантириш ҳам етарли эмас. Бозор иқтисоди шароитида илм-фан ва маданият, маориф соҳаларидан жуда кўп мутахассислар тижорат ва бошқа соҳаларга ўтиб кетишга мажбур бўлмоқдалар. Аммо, яхшики, ёш авлод орасидан илм-фанга, маданият ва санъатга чанқоқ, маънавият соҳаларида ишлашга иштиёқманд ақлий салоҳият эгалари етишиб чиқмоқда. Ижтимоий психология, ҳуқуқшунослик соҳасида касб ўрганишга интилиш ҳам жуда кучли эканини бу соҳаларга кириб келаётган ёш олимларнинг кўпайганидан аққол кўриш мумкин.

Шуниси равшанки, Ўзбекистонда тинчлик, осойишталик, ижодий, илмий рақобат шароитида барча миллат вакилларининг илм олишларига тенг имкониятлар вужудга келаётган шароитда ўзбек халқи вакиллари ҳам катта куч-ғайрат сарфламоқдалар. Бу эса, миллатимизнинг ақлий салоҳияти келгусида янада бой ва ранг-баранг бўлишидан далолат беради.



Тарихда шундай зотлар ўтганки, уларнинг баъзилари билан бир қавм, айримлари билан бутун миллат фахрланган. Лекин имом ал-Бухорий каби алломалар билан жамики инсоният фахрланади. Зеро, Имом ал-Бухорий хазратлари бутун бани-башар бахту тинчлиги, покизалиги, келажаги учун беминнат хизмат қилган, шу йўлда бор куч-қуввати, умрини сарфлаган.

Мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг республикамиз қиска вақт ичида ўз миллий кадриятларини тиклади, ажлодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганди. Шундай савобли ишлардан бири Челақ тумани Хартанг қишлоғидаги буюқ муҳаддис Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий бобомиз таваллудининг 1225 йиллик юбилейи муносабати билан Имом Бухорийнинг ёдгорлик мажмуасида кенг кўламда олиб борилган қурилиш ва ободончилик ишларидир. Бундай катта мажмуа Ўзбекистонда Алишер Навоий номидаги академик катта опера ва балет театри биносидан (1947) кейин шу яқин орада амалга ошмаган эди. Бу мажмуада Ўзбекистоннинг ҳар бир бурчагидан халқ усталари келиб ишлашди. Халқ амалий беказ санъат ишлари “Усто” республика махсус ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Самарқанд, Андижон, Қўқон, Наманган, Тошкент, Бухоро, Хива халқ усталари зиммасига юкланди. Мажмуанинг гўзал бўлишига ўз хиссасини қўшган, республикада ўзининг бетакрор ўйма эшиклари, панжаралари, ўйма дарвозалари билан халққа танилган халқ устаси, қўқонлик Абдуғани Абдуллаев бошчилигидаги гуруҳ усталари ҳақида ўз фикримизни билдириб, мажмуада қилинган ишлар билан танишдик.

— *Абдуғани ака, ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасининг бадиий ечимида, уни беказ ишларида Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан келган усталар гуруҳи ишлашди. Шулар қаторида ўзингиз бошчилик қилаётган усталар гуруҳи фаолияти ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз.*

— Бу ёдгорлик мажмуасида 30 кишидан иборат кўзга кўринган уста ишлади. Авваламбор, шуни айтишим керакки, айнан шу эзгу ишда қатнашиш бизнинг авлодга ҳам насиб этганидан, давлатимиз раҳбариятининг буюқ алломаларимизнинг бебаҳо меросини қайтадан тиклашда кўрсатаётган раҳм-ўрлигидан биз жуда ҳам мамнунмиз. Бу бизнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди. Мажмуа ичидаги айлана шаклдаги айвон қуриш ишлари, шунингдек ота-боболаримизнинг миллий услубда ишланадиган бутун ёғоч ўймакорлик ишларини (ўйма устун, эшиклардан ташқари) бизнинг гуруҳимиз бажарди. Бу ишни ҳисоб-китоб қилгудек бўлсак, 10003 дан ошиқ жуда ҳам сифатли ёғоч тахта хом ашёлари сарфланди. Буларни бир-бирига қалаштириш, тепасини васса жуфт билан ёпиш,

Амалий санъат

ЭЗГУЛИККА

ИЎҚИЛГАН

ХУШБАД



шарафалар тайёрлаш, айвоннинг алоҳида-алоҳида жойларига ховузақлар тайёрлаш (ховузақ бу факат бизнинг миллий санъатимизга хос бўлган ноёб санъат турларидан биридир, бутун ўйма устунларни ўрнатиш, муқарнаслар қилиш, айвоннинг пастки қисмига налинлар яшаш, қўйингки барча мураккаб айвон ишлари бизнинг зиммамизда бўлди. Бу ишларни Тошкентдаги устахонада тайёрлаб, Самарқандга олиб бориб, у ерда жой-жойга ўрнатдик. Уста шогирдлардан Д.Одидов, Э.Қўқоров, Р.Маматкулов, Д.Жалилов, Ж.Абдуллаев, Ж.Исомиддинов, А.Худойназаров, А.Парпиев бу эзгу ишда ўзларининг алоҳида хиссаларини қўшдилар.

— *Мажмуада ёғоч ўймакорлиги ишлари бўйича бош уста бўлибсиз. Мана шу ўймакорлик борасида яна қандай ишлар қилинди?*

— Мажмуа учун 75 та бир-биридан гўзал ўйма устунлар ва 35 дан ортик ўйма эшиклар тайёрланди. Бу ишларни тайёрлашда Самарқанд, Тошкент, Қўқон, Наманган, Хоразм, Андижоннинг кўзга кўринган усталари қатнашди. Умуман олганда, ал-Бухорий мажмуаси ёдгорлигида халқ усталари томонидан бир-бирига ўхшамайдиган ишлар қилиндики, ҳатто Президентимиз ҳам буларга жуда юқори баҳо бердилар. Ёғоч ўймакорлиги ишларидан ташқари бу қурилишда ганчкорлик, наққошлик, сиркорлик ва кулолчилик, кошинкорлик ишлари ҳам бажарилди. Буларни кўрган кўз қувонади. Ишонамизки, бизнинг бу ноёб ишларимиз асрлар давомида сақланиб, келажак авлодимиз учун мерос бўлиб қолади.

— *Биз биламизки, сиз кўндан буён ёғоч ўймакорлиги соҳасида меҳнат қилиб келаяпсиз, ҳозирги янги ишларингиз билан аввалги ишларингиз ўртасида қандай фарқ бор?*

— Илгари раҳматли устамиз Қодиржон Хайдаров билан республикадаги қурилишларда беказ ишларида қатнаш-

гандик. Қорақамишдаги “Фарғона” чойхонаси, Халқлар дўстлиги саройи, Бухоро шаҳрида “Дам олиш комплекси”даги, Тошкентнинг “Зарафшон” ресторанидаги ўйма эшик-дарвозалар, ланно, панжараларни ишлашда ўз хиссамизни қўшдик. 1983 йилдан бошлаб мустақил уста бўлиб ишлаш бошладим. Биринчи мустақил ишларимдан бири Гулистон шаҳрида Олим Хўжаев номидаги театрда 20 дан ортик ўйма эшиклар, дарвоза, панжара, ундаи ташқари Фарғона шаҳридаги чойхона, Қарши шаҳридаги театр биносига, Тошкент шаҳридаги “Муборак” ресторанидаги устун, дарвоза, ўйма эшикларни ясаганман. Ҳозирги иш услубимнинг аввалгиларидан фарқи шуки, бундан 150 йил бурун қилинган ёғоч ўймакорлик ишлари сирларини ўрганиб, уни замонавий услубда ишлаяпман. Илгари усталар томонидан ховузақлар қилинган. Кейинчалик бу анъана аста-секин йўқола бошлади. Шунини ривожлантириб, унга янгиликлар киритаяпмиз. Масалан, илгари ховузақлар 1 метр атрофида кенликда бўлган, биз эса унинг кенлигини 1,5-2 метргача кенгайтирдик.

— *Абдуғани ака, суҳбатимиз давомида ховузақ иборасини кўп ишлатдингиз, ховузақ ўзи нима? Шу ҳақда гапириб берсангиз.*

— Қўқонлик Худоёрхон саройининг меҳмон қабул қилиш хоналарининг шифтига 8 донаси ўрнатилган. Ховузақнинг афзаллик томони шундаки, биринчидан, хона чиройига чирой қўшиб туради. Ундан ташқари хонадаги иссиқ ҳаво шу ховузақлар ичига йиғилади ва шу ерда маъруза қилаётганларнинг овозини баландаштириб беради. Ховузақ факат бизнинг миллий санъатимизга хос бўлиб, ер юзининг бошқа бурчакларида учрамайди. Бу ховузақлар фақатгина энг ноёб жойларга саноқликкина қилиб ўрнатилган. Масалан, Бухородаги Болаховуз масжиди айвонида 3 дона, Тошкентдаги Амалий санъат музейида ҳам 3 дона ўрнатилган.

“Бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсанг, бизнинг қурилишларимизга бок” деган гап бежиз айтилмаган. Дарҳақиқат, келган меҳмон халқнинг куч-қудратини, осойишталигини унинг қурилишига, санъатига, инсонларнинг кийинишига, ҳаттоки кундалик турмушда ишлатадиган буюмларига қараб ҳам сезади. Шу боисдан давлатимиз раҳбарияти қурилишга, халқ хунармандчилигига, санъатига катта эътибор бермоқда.

Наргиза АБДУЛЛАЕВА
суҳбатлашди.



Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов аҳолининг сиёсий маданиятининг заифлигига эътиборни қаратди. Уни юксалтириш жамиятнинг барча социал институтлари олдида турган долзарб муаммолардан бири эканлигини уқтириб ўтди. Ушбу муаммони бартараф этишда ижтимоий адолат принципларига амал қилиниши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Ижтимоий адолат – ижтимоий онгнинг энг муҳим белгиси бўлиб, шахс, синф ёки ижтимоий гуруҳнинг имкониятлари ва эҳтиёжлари, ҳуқуқлари ва фаровонлигининг даражаси, жамиятнинг шахсга бўлган муносабатининг меъёрини, одамларнинг мамлакатда содир бўлаётган иқтисодий, сиёсий, маданий воқеаларга муносабатини, кишилар кундалик фаоли-ятига давлат ёки жамият томони-дан берилган баҳонинг ҳаққоний-лигини кўрсатади.

“Адолат” ёки “ижтимоий тенглик” тушунчалари бири иккинчиси билан чамбарчас боғлиқ, лекин айнан ўхшаш тушунчалар эмас. Лекин, афсуски, “ижтимоий адолат” ва “ижтимоий тенглик” тушунчалари орасидаги ўзаро алоқадорлик ҳақида фикр юритган баъзи муаллифларнинг илмий асарларида бу икки тушунча бир хил талқин қилинади.

Ижтимоий адолат ижтимоий тенгликка эришилганлигининг даражасини, ҳолатини ифодаловчи тушунча бўлиб, уни амалга оширувчи ижтимоий-ҳуқуқий механизм, универсал воситадир. Ижти-

СИЁСИЙ МАДАНИЯТ ВА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ

мой адолат принциплари қарор топган жамиятнинг вазифаси кишилар орасидаги тафовутларни йўқотиб, уларни бир-бирига мутлақ ўхшатиб қўйишдан иборат эмас, барчанинг яшаши, ишлаши, ўқиши учун, бошқача айтганда, ҳаммага ўз шахсини ҳар томонлама ривожлантириш учун теппа-тенг шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Ижтимоий адолат жамиятда қабул қилинган ҳуқуқий меъёрлар ва ахлоқий йўриқларга барча фуқа-роларнинг амал қилишини тақозо этади. Адолатсизлик эса энг катта ижтимоий бахтсизликдир. Шунинг учун ҳам машҳур олмон файласуфи Иммануил Кант: “Ҳеч нарса адолатсизлик каби бизни изти-робга солмайди, бошимизга туш-ган бошқа кулфатлар унинг олдида ҳеч гап эмас”, -деб ёзган эди.

Ижтимоий адолатни ўрнатиш учун амалга ошириладиган ҳар қандай фаолиятнинг асосини турли принциплар ташкил этади. Мазкур тушунча иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий соҳаларга оид принципларни ўзида мужассам-лаштиради. Хусусан, иқтисодиёт-даги ижтимоий адолат принцип-лари куйидагилардан иборат:

- инсоннинг инсон томонидан эксплуатация қилинишининг олдини олиш; тақсимотни меҳнатга муносиб амалга ошириш; муносиб турмуш шароитини яратиш; меҳнат фаолиятининг мақсадга мувофиқлигини таъминлаш ва ҳоказо.

Ижтимоий соҳада:

- меҳнатда манфаатдорликни вужудга келтириш; даромадлар декларациясини жорий этиш; асоссиз имтиёзларнинг олдини олиш.

Сиёсий соҳада:

- бюрократизм ва коррупцияга қарши кураш; ошкоралик; сиёсий воқеалардан аҳолини хабардор қилишни кенгайтириш ва шу асосда уларга холисона баҳо бериш малакасини шакллантириш.

Маънавий соҳада:

- ижтимоий онг лоқайдлашувининг олдини олиш; шахсни ёлғон мақсадлар томон ундовчи ижтимоий иллатлар билан курашиш ва ҳоказо.

Мавжуд ижтимоий тузум негизда янги тузум куртаклари намоён бўла бошлаганида, биз юқорида тилга олган ижтимоий тақсимот принциплари ҳам ўзгара бошлайди. Бундай ўзгаришларга биринчи навбатда жамиятда мавжуд бўлган

МАЪНАВИЯТНИНГ НОЗИК ҚИРРАСИ

Агар эътибор берган бўлсангиз кейинги вақтларда телевидениеда намоён этиладиган аксарият бадиий фильмларнинг асосий боғлаб турувчи “арғамчи”си қахрамонларнинг тасодифий ишқий муносабатлари-ю, мохирлик ила муштлашувлардан иборат бўлиб қола-япти. Куни кеча танишган икки қахрамон бемалол тўшакда ётишиб, астойдил “севишиб”, алаҳхусус, “Мен сенга бахт тилайман” тарзида хайрлашадилар.

Ахир болалар ана шу томошалардан курашни, севишни, яшашни ўрганишмоқда. Бундайин “сабоқ”лар бизнинг соф ўзбекона тарздаги миллий тарбия-мизга акс таъсир этаётганини ҳозирги ёшларимизнинг нозик муносабатларига кўз ташласангиз кифоя, мухаббат мавзусининг ўзгача талқинларига дуч келишингиз аниқ.

Кейинги даврларда Фарб мамлакатларида “эркин севги” касаллигига эрк берилди ва бу эса ўз ўрнида соф мухаббат тушунчаларини емириб ташлади. Нати-

жада маънавият томон эмас, балки хирсият томон каттагина кадам ташланди. Фарб олимлари аллақачонлар ўз хатоларини, яъни маънавий жихатдан оксаётганликларини тан олиб, бу соҳада жиддий ўзгаришлар қилиш мақсадида матбуот кучи билан фильмлар яратувчи корхоналар корчалонларини инсофга чорламоқдалар.

Оврупа ҳамон “эркин севги” билан оғримокда. Натижада оила тушунчаси емирилиб, туғилиш кескин даражада камайиб кетмоқда. Ёшлар ўртасида эса фақат ўзини севиш, яъни “Ҳаётга бир бор келдикми, фақат ўзим учун яшайман” қабилидаги худбинона ғоялар ҳукмронлик қила бошлади.

Фарб мамлакатларининг айрим социологлари туғилишнинг кескин камайиб кетиш сабабларини иқтисодий бўҳронлардан излаб юрдилар, афеуски, бу ҳолатнинг асосий сабаблари маънавиятсизликдан, соф севги, оила тушунчаларининг ўлиб бораётганлигидандир.

моддий ва маънавий бойликларни тақсимлашга қаратилган принциплар дуч келади, чунки бундай принциплар барча кишилар манфаатига бевосита тааллуқлидир. Бироқ "ижтимоий адолат" тамойиллари янги жамият пайдо бўла бошлаши билан ўзгаравермайди, ижтимоий адолат қарор топиши учун янги жамият ижтимоий-иқтисодий асослари ҳар томонлама мустақамланиши лозим.

Инсон фаолиятини тартибга солишга қаратилган адолат тамойиллари, адолат тўғрисидаги идеалга мос тушиши ёки тушмаслиги мумкин. Тарихда турли шаклларда намоён бўлган "олтин давр" ҳақидаги орзулар, хусусан, барчани тенглаштиришни ўзига мақсад деб билган утопик ғоялар шулар жумласидандир. Агар яқин келажак ҳақидаги ижтимоий башорат натижалари кишилар онгидан жой олган адолат идеалига мос тушмаса, жамиятда тушкунлик кайфияти илдиз ота бошлайди.

Бундай пайтда ислохотлар қўтилган натижаларни бермайди, имкониятлар беҳуда бой бериллади, сўз ва иш ўртасида узилиш вужудга келади, адолат ҳақида кўп гапириладию, амалда адолатсизлик ҳукм суради.

Ижтимоий адолатнинг биринчи амалий вазифаси ижтимоий муносабатларнинг инсонпарварлигини таъминлашдир. Ижтимоий адолатнинг бу вазифаси унинг қонун ва қондаларининг бажарилишида намоён бўлади, уларнинг бузилиши одамлар норозилигига ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида турли ўзгаришларга олиб

келади.

Ижтимоий адолатнинг иккинчи вазифаси жамиятда мавжуд бўлган турли гуруҳлар ва табақалар манфаатларини ҳимоя этилишини таъминлайди, улар орасидаги мувозанатни сақлаб туриш давомида зухур бўлади.

Ижтимоий адолатнинг кафолатловчи вазифаси шундаки, у фарқларнинг ҳуқуқларини ҳимояловчи куч сифатида ҳам хизмат қилади.

Ижтимоий ҳимоя турли имтиёзлар орқали амалга оширилади.

"Ижтимоий адолат тамойиллари қарор топмоқда, – дейди Президентимиз Ислон Каримов. – Аҳолининг энг муҳтож қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг бутунлай янги тизими барпо этилди.

Қанчалик қийин бўлмасин, давлат ва жамият пенсионерлар, серфарзанд оилалар, талабалар ҳамда аҳолининг кучли ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган бошқа табақалари хусусида ғамхўрлик қилишни бир дақиқа бўлса ҳам унутгани йўқ".

Адолатсизлик деб ҳисобланган муносабатларни аниқлаш учун жамият фикрини мунтазам ўрганиб бормоқ зарур, бу эса ижтимоий тенгсизликнинг яширин шаклларини ўз вақтида аниқлаш ва ижтимоий адолат принципларини реал турмушга татбиқ этишнинг самарали йўлларини излаб топиш имкониятини яратади.

Шунингдек, адолат инсоният босиб ўтган тарихий тараққиёт ва инсоният келажаги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни ҳам ўз ичига олади. Худди шунинг учун ижти-

моий адолат ҳақидаги тасаввурларда унинг прогнозлаш, олдиндан кўриш функцияси ҳам ўз ифодасини топади. Ушбу функция ёрдамида кишилар манфаатининг бугуни ва келажаги орасидаги муносабат ҳам аниқланади.

Юқоридаги мулоҳазаларга таяниб, ижтимоий адолат мезонларини ҳам аниқласа бўлади. Шахснинг жамиятдаги ўрни, меҳнатининг мазмуни, халқнинг давлатни бошқаришдаги иштироки, таълим олиш учун яратилган шарт-шароитлар, кишилардаги мавжуд қобилиятлар, малакаларни ривожлантириш ва уни яққол намоён қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар, шунингдек, соғлиқни сақлаш имкониятлари бошқа кишилар билан бўлган муносабатлар ва ҳоказолар ижтимоий адолат мезонларидир.

Хуллас, ижтимоий адолат жамиятда қўлга киритилган жамики ижтимоий ютуқлар даражасини, ўша жамиятда яшовчи кишилар жисмоний ва маънавий етуқлигининг ҳолатини кўрсатувчи категориядир. Худди шунинг учун ҳам ижтимоий адолат шахс сиёсий маданиятини шакллантиришда объектив шарт-шароит вазифасини бажаради. Ўз навбатида, инсонпарвар, демократик жамият қуриш шароитида ижтимоий адолат принципларининг қарор топиши шахс сиёсий маданиятининг юксалиши учун замин яратади.

Санжар ЧОРИЕВ,
фалсафа фанлари номзоди.

Бизнинг мустақил республикамиз ўзининг илк қадамлариданоқ асосий эътиборни бекорга маънавиятга қаратгани йўқ, чунки биз Шарқ мамлакатимиз, биз шарқона муҳаббат руҳида тарбияланганмиз. Болажон халқимиз, Президентимиз Ислон Каримов шунинг учун ҳам оилага асосий эътиборни қаратди. Оилада соғлом авлодни тарбиялаш, вояга етказиш ҳозирги куннинг долзарб масаласи қилиб қўйилгани ҳам бежиз эмас. Зеро, зурёди соғлом халқнинг келажаги буюқдир.

Буюқ шоиримиз Мир Алишер Навоий ижодига бир назар ташласак бас, муҳаббат бобида бизнинг аجدодларимиз нақадар юксак даражада бўлганликларининг гувоҳи бўламиз. "Фарҳод ва Ширин" достонида асирга тушиб қолган Фарҳод билан шох Хусравнинг мулоқоти бор. Хусравнинг саволларига Фарҳоднинг жавоблариданоқ сизу биз ажойиб маънавий хазинага дуч келамиз:

Деди: "Қайдинсен, эй
мажнунни гумроҳ?"

Деди: "Мажнун ватандин қайда огоҳ?"

Деди: "Недур сенга оламда пеша?"

Деди: "Ишқ ичра мажнунлик ҳамиша".

Деди: "Бу шидан ўлмас касб рўзи!"

Деди: "Касб ўлса басдур ишқ сўзи".

Дедиким: "Ишқ ўтидин де афсона!"

Деди: "Куймай киши топмас нишона".

Дедиким: "Куймагингни айла маълум!"

Деди: "Андин эрур жоҳ аҳли маҳрум".

Деди: "Қай чоғдин ўлдинг ишқ

аро маст?"

Деди: "Рух эрмас эрди танга пайваст".

Ўзбек маънавиятининг султонларидан бўлган Навоий муҳаббатдан турилганларгина комилликка даъвогар бўлиши мумкин, дея ҳукм чиқаради. Хусрав эса

Фарҳод каби маънавий камолотга эришолмагани боис ишқ кудратини ҳис қилолмайди. Бу билан Навоий Хусравнинг муҳаббатдан эмас, аксинча хирсдан, зиндан пайдо бўлганига зимдан ишора қилади. Шунинг учун ҳеч қачон комиллик даражасига етолмайди, дейди. Эътибор берсангиз, Фарҳод – яратувчи, Хусрав – бузувчи, Фарҳод муҳаббат йўлида қурбон бўляпти, Хусрав хирс йўлида голиб келяпти.

Демак, аксари хорижий фильмларда кўз-кўз қилинаётган "эркин севги" фалсафаси бизнинг бобомерос маънавиятимизнинг энг нозик кирраси – муҳаббат тушунчасини топтаб ташламаслиги лозим. Ёш авлодимизни асрашимиз, уларга намойиш этадиган тасвирларимизда ўз миллий маънавиятимиз даражасидан қараб, ўлчаб, заргарона дид билан келажакимизга ҳаётишимиз зарур, токи жамиятимиз муҳаббатдан туғилганлар билан тўлсин.

Музаффар ТОЖИБОЕВ,
Андижон давлат университети
аспиранти.

Маънавий инсонда, энг аввало, она сути, она аввало, она сути, она алласи, она меҳри ва таълим-тарбияси, ота-боболарининг оқилу доно сўзлари, ажлодлар ўғити ва йўл-йўриқлари, ҳаётнинг бой сабоқлари таъсирида шаклланиб, ривожланиб, такомиллашиб боради. Она тилининг, халқ анъаналари ва расм-русумларининг, мақоллар, маталлар, қўшиқ ва ривоятлар, газал, рубоийларнинг шахс камолотига таъсири беқиёс. Ўз халқининг тарихини, маданиятини, миллий қадриятларини, одоб-ахлоқини чуқур билмасдан туриб, бирон-бир инсоннинг маънавий камолотга етиши мумкин эмас.

Ҳар бир шахснинг турмуш тарзи, тарбия муҳити унинг маънавий дунёсига таъсир қилади. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, жугрофий муҳит, тарихий ўтмиш халқ миллий маънавиятининг шаклланишига асос бўлади.

Маънавият, энг аввало, мамлакатда инсон қадр-қиммати қандай қўйилганлиги, ҳуқуқ ва эркинликлардан уларнинг қай даражада фойдаланаётганлиги билан ўлчанади.

Халқнинг ноёб иқтидори, ижодий тафаккури, миллий қадрияти, меҳнат малакаси ҳам маънавият ҳисобланиб, миллатнинг интеллектуал салоҳиятини дунёга намойиш этади.

Маънавиятнинг яна бир қирраси - Ватанга чексиз ҳурмат ва миллий муносабатлар маданияти билан боғлиқлигидир.

Вақтнинг қадрига етиш маданияти ҳам маънавиятдир. Вақт тутқич бермас ва қайтиб келмас имконият.

Инсондаги гўзаллик - бу табиат ато қилган ҳусн-жамолдан ташқари, яна энг яхши ҳулқ-атвори, энг яхши фазилатларни ўзида мужассамлаштирган одамийликдан иборатдир.

“Сен ҳар қанча ясаниб-тусанмагин, ҳар қанча бўянмагин, турли-туман тақинчоқлар тақмагин, бари бир инсоний фазилатинг бўлмаса, сен хунуксан, жирканчсан, маънавий ногиронсан! Билиб қўй, сенга инсон ҳуснини берадиган, номингни бедоғ сақлайдиган нарса юзингга суртилган бўёқлар, бачкана кийимлар, турли зебу зийнатлар эмас, йўқ, асло булар эмас. Сенга бу ҳуснни чиройли одоб-ахлоқ, маданият, яхши фазилат беради”, - деган эди Мирзакалон Исмоилий ёшларга қарата.

Маънавий гўзаллик инсон маънавий дунёсининг бойлигида, унинг самимийлигида, одамийлигида, ижтимоий фаоллигидадир.

Маънавий гўзаллик кенг маъноли тушунча бўлиб, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, эркпарварлик, фидойилик, ҳалоллик, ростгўйлик, олийҳимматлик, саховат, софдиллик, камтарлик, вафодорлик, содиқлик, кишиларга ғамхўрлик ҳамда ноҳақлик, адолатсизликка, пасткашликка нисбатан шафқатсиз бўлиш кабиларни қамраб олади.

Маънавий баркамол инсон ўзини ва ўзгаларни қадрлайди, қаддини тик тутатади, мағрур яшайди, рўй берадиган

Насиба ЮНУСОВА

Гўзалликнинг беш ҳислоси

(Миллий маънавий бойликлар ҳақида)



ҳар бир воқеа ва ҳодисага Ватан манфаати нуқтаи-назаридан қарайди, илм-фан ва тафаккурга асосланиб, қийинчиликлар олдида довдираб қолмайди, олий мақсад сари интилишдан асло тўхтамайди, халқи, миллати, давлатининг келажагига қатъиян ишонади.

Маънавияти юксак инсон мустақилликка ҳавф соладиған маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, тарафқашлик каби иллатлар ёйилишига йўл қўймайди, мен фалон уругданман, фалон вилоятданман деб бошқалардан ўзини ажратмайди. Балки ўзини ўзбек миллатининг вакили, деб ҳисоблайди, бу билан гурурланади. Миллий бирлик, аҳиллик, тоғувлик, ҳамжиҳатликни бутун вужуди, тан-жони билан қўллаб-қувватлайди.

Маънавияти устувор бўлган инсон ўзини ҳаром-ҳаришдан тияди, манманлик, такаббурлик қилмайди, бошқалар устидан кулмайди, бировларнинг бахтсизлиги, кўз ёши ҳисобидан бахтли бўлишни ўзи учун номуносиб иш деб билади. Ундай одамнинг қалби, вужуди илм-маърифат нури билан чарогон, раҳм-шафқат, меҳр-мурувват билан лиммо-лим бўлади.

Маънавиятнинг зарур томонларидан бири бу меҳнатсеварлик тарбиясидир. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда ёшлар билим олиш билан бирга меҳнатсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини билиши зарур. Маънавиятга эга бўлишнинг асосий шarti бунёдкор меҳнатдир. Кимдаким тинмай меҳнат қилишдан қочмаса, қийинчиликдан қўрқмаса, сабр-тоқатли, ғайрат-шижоатли бўлса, доимий равишда маънавий-руҳий оламини бойитиб боради.

Халқимиз маданий мероси, анъаналари, урф-одатлари бизлар учун фақат ўтмишдан қолиб келётган ёдгорликкина эмас, барча маънавий бойликларнинг таркибий қисми, инсон ақлидроки ва тафаккурининг буюк ютуғи ҳамдир. Дарахт ўз илдиэлари билан заминдан сув, озик-овқат олиб, вояга етганидек, инсон ҳам авлод-ажлодлардан етиб келётган бебаҳо бойликлардан руҳий озик, куч-қувват олади, уларга таянади. Ҳар бир миллат ва элат аждодлари билим бойликларидан, тажриба ва сабоқларидан, одоб-ахлоқ, таълим-тарбияга оид ўғитлари ва йўл-йўриқларидан фойдаланади, буларсиз маънавий баркамол бўлолмайди.

Ҳақиқий баркамол инсон Ватани камолотини ва истиқболини, эл-юртнинг озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолиш учун ҳамма нарсани, ҳатто ширин жонини ҳам аямайди.

Бу ҳақда мавлоно Ғузалийнинг, менинг битта ҳаётим бор, борди-ю мингта ҳаётга эга бўлган тақдиримда ҳам, ҳаммасини Ватан учун сарфлаган бўлур эдим, деб айтган сўзлари ҳар бир ақлирасо фуқаро учун бебаҳо ўғитдир.

Ватанга муҳаббат оғизда эмас, амалий ишларда, халқ бахт-иқболи учун муносиб шахсий ҳисса қўшишда кўришни.

АСРИМИЗ БИЛАН ВИДОЛАШАРКАНМИЗ...

Ҳа, асримиз билан видолашиш вақти-соати ҳам яқинлашиб қолди. У оламшумул воқеа, ҳодиса ва жараёнларга бой бўлди. Менинг бу жараён ва ўзгаришлар ҳақида фикр юритишимга ҳаққим бор деб биламан. Чунки мен эсимни таниб, атроф ҳаётни ўзимча, ўз билганимча таҳлил қила бошлаганимда, ҳали халқимиз колхоз нима, ўзига тўқ деҳқонларни “муштумзўр” (қулоқ) деб эълон қилиш нима билмас эдим. Бинобарин, мен умрим давомида асримизнинг деярли 3/4 қисмининг шоҳиди, шу узун даврдаги кескин бурилишларнинг иштирокчиси ва ижрочиси бўлдим.

Бу нотинч, хавотирли, бесаранжом ва безовта асрни эслар эканман, кўз олдимга ўнлаб ва юзлаб даҳшатли воқеалар, хавфли ўзгаришлар, алғов-далғовли жараёнлар келади. Ҳақиқатан ҳам XX аср, имоним комилки, асрлар тизимида ўзининг тарихий аҳамияти билан алоҳида ўрин тутади. Асримиз қанчаки адолатсизликлар ва шафқатсизликлар билан тўла бўлмасин, аммо яратганга минг шукурки, бу асрни биз, ўзбек халқи, галаба билан яқунламоқдамиз: XXI асрни эса мустақил Ўзбекистон давлатининг асосий етакчи миллати сифатида кутиб олмоқдамиз.

Шодиёнамиз ҳадсиз. Аммо, бу галабага эришишни орзу қилиб,

шўролар ҳокимияти қаърида мустақилликни у ёки бу қўламда намоён қилишга интилганлар, уринганлар оз бўлмаган. Шўро тузуми шундай эдики, жамиятдаги энг қобилиятли, салоҳиятли, ўткир, ҳаракатчан кишиларни саралаб олиб, партия ва совет ишига тортарди, уларни мавжуд тузумни мустаҳкамлашга сафарбар қиларди. Аммо, улар истибдод муҳитида ҳам Ўзбекистонга, ўзбек халқига, юртимизга хизмат қилишни ўзларининг энг аъло вазифалари ва муқаддас бурчлари деб билганлар. Ана шу боисдан халқимиз Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Усмон Юсупов, Шароф Рашидов кабиларни хурмат билан тилга олади.

Бахтимиз шундаки, бундай ўғлонлар ўнта-йигирмата эмас, минглаб эди.

Шулардан бири Ёқуб Юсупович Алиев эди. Афсуски, бу инсон ҳақида жуда кам гапирилади. У фақат кимёгар олимларнинг тор доирасидагина маълум. Ҳолбуки, Ё.Алиев йирик давлат арбоби ҳам эди. Уни фақат “Фаробий” қабристонидagi оддийгина гўр, “Ўзбек совет энциклопедияси”нинг I жилдида келтирилган қисқача биографик маълумот ва Тошкентнинг чеккасида жойлашган унинг номидаги кўчагина эслатади, холос...

Ё.Ю.Алиев 1911 йилда Тошкент

шаҳрида таваллуд топган. 1937 йилда ўзбеклардан биринчи бўлиб, Москвада Кимёвий муҳофаза ҳарбий академиясини тамомлаган. 1941 йилда ЎзССР Халқ комиссарлари Совети раисининг ўринбосари лавозимида иш бошлаб, сўнгра 1944-1948 йилларда ЎзССР Ташқи ишлар халқ комиссари бўлиб ишлаган. Худди шу даврда мен у киши билан танишиш ва уларнинг инсоний фазилатларини кўришга, сезишга ва билишга муяссар бўлдим.

Тарих шахслар, инсонлар орқали муайян қиёфага эга бўлади, ойдинлашади. Инсонларсиз, шахсларсиз тарих ва жамият йўқ. Тарихнинг мазмунини, унинг бой ва қашшоқлигини жамиятда яшаб, ижод этган, фаолият кўрсатган шахслар белгилайдилар. Ўзбек халқининг 1917-1991 йиллардаги тарихи давомида яшаган жуда кўп саводли фарзандлари истибдод тузуми давридаги мукамал назорат ва жазо тизимининг тўсиқлари ичида Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг чинакам мустақиллигини орзу қилган бўлишлари табиий.

Ё.Алиев ўз даврининг фарзанди эди. Коммунистик партия эълон қилган ва СССР Конституциясида ёзиб қўйилган кўп нарсаларга чиппа-чин ишонар эди, шулар асосида Ўзбекистоннинг ҳақ-ҳуқуқларини амалга оширишга интиларди.

1943 йилда Москвада СССР, Англия, АҚШ ва Хитой Ташқи ишлар вазирлиги Кенгашида Бирлашган Миллатлар Ташкилотини барпо этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг, СССРнинг иттифоқдош республикаларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам Ташқи ишлар халқ комиссарлиги тузилади ва Ё.Ю.Алиев Ўзбекистон ССРнинг биринчи Ташқи ишлар халқ комиссари этиб тайинланади.

Биринчи навбатда Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар халқ комиссарлиги учун мутахассис кадрлар тайёрлаш мақсадида 1944 йилдаёқ Москвага, Олий дипломатия мактабига 6 киши ўқишга жўнатилди (Убайдулла Иброҳимов, Абдурахмон Зияев, Воҳид Мақсудов, Тўхтахонов ва бошқалар). Орадан бир йил ўтар-ўтмас Ё.Ю. Алиев яна беш ёшни СССР Ташқи ишлар комиссарлиги Халқаро муносабатлар институтига ўқишга юборди. Булар Баҳодир Абдураззоқов, Рифат Каримов, Латиф Мақсудов, Раис Тузмухамедов ва мен эдим.

Ёқуб Юсупович Москвага бориб ўқийдиган ҳар бир ёш билан шахсан ва қайта-қайта суҳбат қилдилар, чунки улар келажакда Ўзбекистоннинг биринчи дипломатик ходимлари бўлишлари керак

эди.

Москва халқаро муносабатлар институтига жўнатилаётганлар асосан ўспирин ёшлар эди.


Битта мен эндигина қонли жанглار майдонидан оғир жароҳат олиб қайтган ва шу боисдан уруш ногирони сифатида қўшин қаторидан бўшатилган 23 ёшли йигит эдим. 1945 йилнинг қоқ ўртасида кўп ҳаракатлар натижасида барча бюрократик тўсиқларни енгандан сўнг, мени Ё.Ю.Алиев ихтиёрига қабулга таклиф этишди. Мен фронтча ҳарбий кийимда қабулга келдим. Ҳаяжонланардим, чунки бундай катта идорага умримда биринчи мартаба қадам қўйишим ва бундай юксак мартабали раҳбар томонидан биринчи бор қабул этилишим эди.

Қабулхона ниҳоятда озода, шинам эди, тирик гуллар унинг чиройига чирой қўшар, гилам-йўлқалар умум муҳитга мароқли тус берарди. Мен бундай ҳашаматли шароитдан бир оз каловланиб, атрофга қарай бошладим. Шу пайт бирданга атрофимдаги барча нарсалар йўқ бўлиб қолди, чунки... Чунки қабулхона бекаси, Ёқуб Юсуповичнинг котибаси Холидахонга кўзим тушди. Кўзим тингандек, бошим айлангандек туюлди, томоғим қуриб қолди. Ҳар бир

миллатда ҳам гўзал хотин-қизлар бор, лекин ўзбек қизи бу даражада гўзал бўлишини фараз қилолмасдим. Холида гўзал эди. Уни ўзгаларга ўхшатиш қийин эди. Аммо, на қилай: бизнинг орамизда ўтиб бўлмас катта масофа бор эди ва бу вазиятдан мен фақат томоша билан чекланишим лозим эди. Шу хаёл денгизиде чўмиб турганимда, “Ёқуб Юсупович Сизни таклиф қилаяптилар, марҳамат, кириш” деди менга Холидахон. Бу сўзларни эшитиб, мен хаёлот олампидан фоний оламга қайтдим ва ўзимни қўлга олиб, дадил қадам билан Ёқуб Юсупович хузурига кирдим. Менинг дадил қадамим ва дадил сўзимдан бошқа ишонган боғим ва суян ган тоғим йўқ эди. Мен оддий аравакашнинг ўғли эдим холос...

Мен Ёқуб Юсуповичга салом бердим. У киши саломга алик олиб, мени ўтиришга таклиф қилдилар.

Ёқуб Юсуповични кўриб яна ҳангу манг бўлдим. У кишининг ҳар бир сўзи, имоси, ҳаракати бу инсон нақадар олижаноб, маданиятли ва ўқимишли эканидан дарак берарди. Жабҳанинг шафқатсиз қондалари, чексиз таҳқирлари денгизиде тўрт йил яшаб, “ҳаёт шундай экан-де”, деган ишончга



Москва давлат халқаро муносабатлар институти 1-курс талабалари (чапдан ўнгга): Рифат Каримов, Раис Тузмухамедов, Баҳодир Абдураззоқов, Латиф Мақсудов ва Кўчқор Хоназаров (1946 йил, февраль).

келган менга Ёқуб Юсупович орқали янги дунё очила бошлади. “Ҳа, дедим мен ўзимга, мана дипломат қандай бўлиши керак: озода, ўқимишли, пишиқ-пухта фикр юритувчи, хушмуомала...”. Айни вақтда Ёқуб Юсупович ҳам менга юмшоқ, лекин чуқур диққат билан кўз ташлар, таржимаи ҳолим, ички ва ташқи сиёсат, илм-билимларга тегишли саволлар бериб, мени илк синовдан ўтказмоқда эдилар. Мен у кишини тушунар эдим: у кишининг кўзларида мен, бир томондан жабҳачилигимга иззат-ҳурматни ўқир эдим. Иккинчи томондан эса, у киши “тўрт йил тупроқ чайнаб, ҳандақ қазиб, юмронқозикдек замин қаърида нажот қидирган, ўқдори, дағал шинель ва кирза этикда юриб, сўкоши ва лавлаги шўрва билан кифояланиб, осмондаги булутларни кўрпа, ерни қоплаган қорни тўшак деб билган пиёда аскарчи сиёсатда, дипломатияда нимани тушунаркин? Москвада ўқишни удда қилолмай, бизни, республикани уялтириб қўймасмикан?” деб ўйлаганларини кўриб турардим.

Сухбат давомида тушундимки бу сухбат — хамир учидан патир. Ҳақиқатан ҳам яна бир неча сухбатлар бўлди ва мен рус тилини,

халқаро муносабатларни, ички ва ташқи сиёсатни, иқтисодий ва табиий жугрофияни, тарихни, жаҳон адабиётини ва бошқа соҳаларни талаб даражасида билишимни намойиш қилолдим. Менинг жабҳадан қайтиб, тинч ҳаёт қидирмаслигим, янги жабҳа — ўқиш жабҳасига интилишим ва отланишим, саволларга жавоб беришга бўш келмаслигим Ёқуб Юсуповичга таъсир қилди шекилли, мен Москва давлат халқаро муносабатлар институтига жўнатилаётганлар рўйхатида киритилдим.

Биз, беш студент — Баҳодир Абдураззоқов, Рифат Каримов, Латиф Мақсудов, Раис Тузмухамедов ва мен беш йил ўқув давомида ҳар қадамда Ёқуб Юсуповичнинг оталарча ғамхўрлигини сезиб турдик. Ҳар гал Москвага келганда, биринчи навбатда бизни чақириб, соғлигимиз, ўқишимиз, моддий ҳолатларимиз билан қизиқардилар ва ёрдам кўрсатардилар. Бу ғамхўрлик айниқса, Ё.Ю.Алиев ЎзССРнинг Москвадаги доимий вакили бўлиб ишлаган йилларида яққол кўринди. У киши бизга ишонар ва катта умид билан қарар эдилар.

Йиллар ўтди. Биз, беш йигит, Москва давлат халқаро муносабатлар институтини муваффақиятли

тамомладик. Аммо, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинмади. Чунки, у фақат қоғоздагина “мустақил, суверен давлат” эди. Аслида эса СССР деб аталмиш улкан истибдод давлатининг мустамлакаларидан бири эди. ЎзССР Ташқи ишлар вазирлиги 7-8 кишидан иборат кичкинагина идора бўлиб, республикага марказ юборадиган чет эллик меҳмонларни кутиб олиш, меҳмонхоналарга жойлаштириш, уларни кузатиб қўйиш билан шугулланарди, холос. Шўро даврида Ўзбекистонда том маънода дипломатик иш ва фаолият йўқ эди.

Бундай шароитда учтамыз — Рифат Каримов, мен ва Раис Тузмухамедов — фан ва илмий фаолият соҳасини танладик... Рифат тарих фанлари доктори, Раис юридик фанлари доктори ва мен фалсафа фанлари доктори бўлиб этишдик. Баҳодир Абдураззоқов ва Латиф Мақсудов дипломатик ишга ўзларини бағишладилар ҳамда фавқуллодда ва мухтор элчи бўлиб, ўз мутахассисликлари бўйича ишладилар.

Ёқуб Юсупович Алиевнинг қилган хизмати зое кетмади. Биз бешчаламиз Ватанимиз — Ўзбекистон учун кучимиз ва имкониятимизни аямасдан хизмат қилдик. Лекин, бу меҳнат истибдод шароитида асосан ҳукмрон тузумга қилинган хизмат бўлди. Шундай бўлсада, истибдод тузуми қобиғи ичида бизнинг миллий фикримиз, истиқлолга интилишимиз, озодликка иштиёқимиз йиғилиб, етилиб борди, келажак учун мустақилликнинг маънавий ва руҳий негизи ҳамда таянчини яратди. Ёқуб Юсупович Алиев хотираси дилимизда мангу яшажак.



Орадан 38 йил ўтгач... (1984 йил).

Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир. Афсуски ҳали кўплар ушбу муаммога бепарволик ва масъулиятсизлик билан муносабатда бўлмоқдалар.

Ислом Каримов.
("Ўзбекистон XXI аср бўсағасида",
112-бет)

ТАБИАТ, ЖАМИЯТ ВА ҚОНУН

Турсунбой МИРЗАЕВ



Йигирманчи асрнинг иккинчи ярми, айниқса сўнгги чораги инсоният учун мураккаб, оғир, ечими қийин бўлган муаммолар даври бўлди. Сабаби, со- биқ Иттифоқ даврида Марказий Осиё- даги республикаларнинг хом ашё ман- баига айлантирилиши, маҳаллий аҳо- лининг манфаатлари, соғлиқ-саломат- лиги, келажак авлодларнинг тақдирини, минтақанинг экологик ҳолатига кўр-кўр- она тажовуз қилиниши, табиий ва сув ҳавзаларидан нотўғри фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида ута захарли кимё- вий моддаларнинг ўлчовсиз қўлла- нилиши кўнгилсиз оқибатларнинг келиб чиқишига олиб келди.

Республикаимиз мустақилликка эриш- гач, бундай нотўғри қарашларга, инсон- нинг табиат устидан ҳукмрон бўлишга интилишига чек қўйилди, она зами- нимиз, табиатимиз фожиалар искан- жасидан кутулди. Хусусан, юртбоши- мизнинг саъй-ҳаракатлари билан республикаимизда экология, атроф- муҳит ва атмосфера мусаффолигини таъминлаш масалаларига эътибор кучайди.

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Таби- атни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни бу борада энг муҳим босқич бўлди. Бойси, мазкур қонуннинг 3-мод- дасида таъкидланганидек, "Табиатни муҳофаза қилишдан мақсад:

инсон саломатлиги учун, экологик мувозанатни сақлаш учун, респуб-лика- ни самарали ва барқарор ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш манфа- атлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фой- даланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

жонли табиатнинг турлари ва гене- тик фонди бойлигини сақлаб қолиш; экология тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектилари хилма-хил

Буюк асарлар

"АЛ-ЖОМЕЪ АС-САҲИЙҲ" НИНГ ЭНГ ҚАДИМИЙ НУСХАСИ

Ал-Жомеъ ас-Саҳийҳ — Муҳаммад (с.а.в.) пайгамбаримизнинг суннатлари — Қуръондан сўнг иккинчи мавқеда турувчи исломий таълим манбаидир. Қуръоннинг моҳияти шак-шубҳа остига олинмайди, бироқ суннатлар ислом ула- молари орасида XIII асрдан буён, XIX асрдан эса Ғарб шарқшунослари орасида ҳам ихтилофга сабаб бўлди.

Ҳадислар пайгамбаримизнинг амал- лари, кўрсатмалари, таҳрирлари бўлиб, гарчи VIII асрдаёқ анъанавий шаклланган бўлсада, уларни тўплам сифатида IX аср охири, X аср бошларида жамланган.

XII аср охири XIII аср бошларига келиб, узлуксиз баҳслар натижасида олтинта ҳадис тўпламлари саҳийҳ деб топилиб, ҳадис уламолари томонидан суннатнинг манбай бўла олади, деб тан олинган.

Бухорий ва Муслим тўпламлари сўзсиз тўғри ҳисобланди. Олти ҳадис тўпламлар- дан ташқари саққиздан ортиқ муҳаддис- ларнинг тўпламлари ҳам тан олинди, маълум даражада танқид остига олинган.

Бу хилма-хил, кўламдор манбаъларга комплекс ёндашув, контекстларнинг тарихий ва мафкуравий маъноларини

ўрганишлик зарурати борлигини айтмас- дан илож йўқ. Аммо ҳадисшунослик шун- дай бир даврни босиб ўтдики, биз унинг асосида мавжуд бўлган ва дунё юзини қаршилаётган услуб ва услубийлар истиқболлари ҳақида сўз юрита оламиз.

1923 йилда "Журнал Азиатик" Мусул- мон оламининг Ғарбий қисми Мағриб ва Мисрда кўчириш учун эталон (наму- на) сифатида хизмат қилган Бухорий- нинг "ас-Саҳийҳ" асари Мароқашда топилганини илмий оламга маълум қила- ди. Матн устидаги пухта изланишлар, қўлёзма ал-Йўниний ва Ибн Моликнинг асаридан 150 йил муқаддам пайдо бўлган ва таҳрир қилишда асосий таянч манбаи бўлганлиги маълум қилинди. Леви Про- вансальнинг бу мақоласи шов-шувга сабаб бўлмади, ҳатто у сезилмай қолган- дек ўтиб кетди. Аслида худди шу асар "ас- Саҳийҳ"нинг асл матнлари ал-Йўниний- нинг таҳриридан анча илгари мавжуд бўлганлиги масаласи биринчи бор кўта- риб чиқилган эди.

Бухорийнинг "ас-Саҳийҳ" асари энг қадимий нусхасидан иқтибослар (фраг-

мент) берилган А.Миньянанинг моно- графиясини 1936 йилда чоп этилиши бу борадаги кейинги қадам бўлди. А.Минья- яна қўлёзма ёзилиш санасини пухта ўрга- ниб, палеографик белгилари ва қоғозин- нинг кимёвий тарихи уни X аср бош- ларига оид эканлигини аниқлади.

1939-1941-йилларда француз папиро- логи (қоғозшунос) Ж. Давид-Вейль Абдуллоҳ бин Ваҳбанинг "ал-Жомеъ"ини чоп этди. Бу тўплам - папирусда ёзилган ягона сақланиб қолган ҳадисларнинг тўп- лами бўлиб, унинг ёзилиш даври VIII асрнинг ўрталарига бориб тақалади. Ҳажм жиҳатидан катта бўлмаган ушбу асар Асад бин Мусонинг чоп қилинган "Китоб аз- Зуҳд" асари (1909й.) билан биргаликда ҳадисларни ёзиб олиш билан боғлиқ бўл- ган тарихий силсиласини бирлаштирди.

Ҳадисларни тўплаш жараёни Қуръон- ни ёзиб олиниши каби муҳим аҳамиятга эга эди.

XX асрнинг 30-йилларида юқориди зикр этилган асарлардан ташқари Бухо- рийнинг "ас-Саҳийҳ"ига бағишланган бир қанча асарлар ҳам нашр қилинди.

лигини сақлаб қолиш;
экология хавфсизлигини таъминлаш;

табиат объектлари билан боғлиқ маданий меросни асраб қолишдир".

Шунингдек, "Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам ана шундай муҳим ҳужжатлардан ҳисобланади. Мазкур қонун экологик, иқтисодий, илмий, маданий, санитария-саломатлик ҳамда эстетик нуқтаи назардан алоҳида аҳамият касб этади.

"Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида", "Дори воситалари ва фармацевтика sanoati тўғрисида", "Ер тўғрисида", "Санитария назорати тўғрисида", "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида", "Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисида", "Табиий монополиялар тўғрисида", "Геодезия ва картография тўғрисида" каби қабул қилинган қатор қонунлар мустақил мамлакатимизнинг ёш тарихида катта воқеа бўлди.

Хуллас, табиат ўз тарихида ҳеч қачон ҳозиргидек илмий-техник тараққиётнинг қудрати, маҳв этувчи таъсирини сезмаган. Зеро, курраи заманимизнинг ажралмас таркибий қисмлари ҳисобланган ер, сув ва ҳавонинг, sanoat, транспорт, қишлоқ хўжалиги ҳамда рўзгор қиқиндилари билан ифлосланиши табиат ва инсоният ҳаётига таҳдид солмоқда-да! Шунинг учун биз юқорида қайд қилиб ўтилган қатор қонунларимизнинг бундай ҳолатларга чек қўйишга хизмат қилишига шакшубҳа йўқ. Чунки уларда табиий манбалар муҳофазаси ва улардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари чуқур ўрин олган.

Орол денгизи ва Орол бўйи ҳудудларидаги таъғ экологик ҳолатни барқарор этиш масаласи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ассамблеяларида Президентимиз томонидан кўтарилиши, Марказий Осиё давлатлари Президентларининг доимий учрашувлари натижасида 1995 йил сентябрида "Орол денгизи ҳавзаси давлатларининг барқарор ривожланиши тўғрисида"ги Нукус декларациясининг қабул қилиниши мазкур муаммо юзасидан ҳозир амалга оширилаётган ишларга катта туртки бўлди. Жумладан, 1992 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 29 июнь 303-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси томонидан "Табиий муҳитни ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик, оқизганлик ва чиқитларни жойлаштирганликнинг вақтинчалик тўлов нормативлари ва уларни қўллаш тартиби" ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Қабул қилинган барча қонун ва ҳужжатларда атроф-муҳит тозаланиши бошқаришга экологик тизим асосида ёндошиш зарурлигига алоҳида урғу берилган.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси Низомининг Олий Мажлис томонидан тасдиқланганлиги ҳукуматимизнинг табиатни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш масалаларига жиддий эътибор бераётганлигига яна бир ёрқин мисолдир.

Шу ўринда бир мулоҳаза: наздимизда, давлатнинг табиатдан фойдаланиш борасидаги сиёсати қуйидаги устуворликларни ҳисобга олган ҳолда қурилмоғи лозим:

табиий ресурслар салоҳиятининг аҳволини акс эттирувчи иқтисодий кўрсаткичларни давлат тараққиёти дастурларига киритиш;

табиатдан фойдаланишнинг асосий ҳудудий йўналишларига ўтиш;

табиатни муҳофаза қилиш ва ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳам давлатлараро, ҳам республика аҳамиятига молик бўлган, шу жумладан, Амударё ва Сирдарё ҳавзаларига оид ҳудудий тўлиқ қизмаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

қувват ресурсларини тежайдиган ва чиқитсиз технологияларни ишлаб чиқариш цикллари, шунингдек, атроф-муҳит ҳолатини назорат қилишнинг автоматлаштирилган воситаларини жорий этиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ресурсларни тежаш ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини иқтисодий рағбатлантирадиган ва тартибга соладиган яхлит тизимларини яратиш бўйича чоралар кўриш;

табиий ресурсларнинг муҳим ҳамда стратегик турларидан оқилона ва тўлиқ фойдаланишни қўллаб-қувватлаш ва маблағ билан таъминлаш тизимини барпо этиш ва ҳоказо. Булар эҳтимол, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини иқтисодий жиҳатдан фойдаланишнинг пулли усулларини қўллаш орқали ҳал этилар... Нима бўлганда ҳам, бунинг учун республиканинг табиатдан фойдаланишнинг пулли усулига ўтиш тамойиллари, шунингдек, бу соҳада чет эл инвестицияларини қўллаб жорий этиш дастурлари яратилиши лозим.

Бир сўз билан айтганда, табиат ҳақидаги қонунлар ҳақиқий амал қила бошлаганидагина қонунлар устуворлиги намоён бўлади.

Ж.Буске "ас-Саҳийҳ" ровийларига бағишланган Мағриб матнини нашр қилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллардаги ҳадислар тарихини ўрганиш бўйича қўлга киритилган ютуқлар деб, биз Дж. Робсоннинг "Саҳийҳ Мус-лим"нинг ривоят қилиниши (1949 й.) Абу Довуднинг "ас-Сунан" (1952 й.), ат-Термизийнинг "ат-Жомеъ" (1954 й.), ан-Насойининг "ас-Сунан" (1956 й.) ва ибн Можжаҳнинг "ас-Сунан" (1959 й.) асарларига бағишлаган қатор мақолаларни санаб ўтишимиз мумкин. Мазкур асар ўзини ҳадисшунослик илмига бағишланган мутухассиснинг амалга оширган ягона нашридир. Бухорий замондошлари томонидан яратилган мазкур беш тўпламнинг тарихини диққат билан ўрганиш шуни кўрсатадики, бу жараён аввал маълум бўлмаган давомий жараён бўлиб, унинг нашр этилишида муаллифлар ва уларнинг оила аъзолари иштирок қилганини ва уларнинг бир қанча вариантлари мавжудлигини кўрсатади.

Ҳадис адабиёти турли жанрлардан иборат бўлиб, катта тўпламлардан ташқари бир неча турдаги кичик ва қулай тўпламлар ҳам мавжуд. Улар орасида "Арбайин" қирқ ҳадис, айниқса, кенг тарқалган.

Ҳадис матнларини ўзлаштиришнинг муҳим кўрсаткичи унинг сифатли таржимасига боғлиқ. Бухорий "ас-Саҳийҳ"нинг тўла таржимаси "Тирик шарқ тиллари Париж мактаби"нинг ўқитувчиси О.Уда томонидан В.Марсэ ҳамкорлигида амалга оширилган.

"Ас-Саҳийҳ"ни С.Нойя 70-йиллар

ўртасида италян тилига таржима қилган. 1923 йили А.Х.Харли Умар ибн Абдулазиз қаламига мансуб деб тахмин қилинувчи кичик "муснад"ни инглиз тилига таржима қилди.

Кейин А.Гийюм томонидан амалга оширилган Бухорийнинг "ас-Саҳийҳ"идан парчалар (китоб ул-қадар)нинг таржимаси пайдо бўлди. Бинобарин, ҳали бундай тадқиқотлар яна давом этади, деган умиддамиз.

**Нажмиддин
МИРМАҲМУДОВ.**





Рашидхон СОДИҚОВ

“МЕҲНАТ ШУҲРАТИ”



СОҲИБИ

Ўзбекистон халқ артисти Рашидхон Содиковни жумҳуриятимизда танимаган одам йўқ, десак сира муболаға бўлмайди. У ижро этган ранг-баранг роллар аллақачон эл оғзига тушиб, томошабину мутахассислар олқишига сазовор бўлган. Ватанимиз мустақиллиги тантанаси кунларида жонажон театрида байрам бўлиб кетди. Эрта тонгдан Рашидхоннинг уйига кўнғироқлар қилинди, ишга келганида ҳамкасабалари уни Ватаннинг олий мукофоти – “Меҳнат шуҳрати” ордени олгани билан муборакбод этдилар. Бу – ажойиб инсон ва санъаткорнинг кўп йиллик меҳнатига берилган муносиб баҳо эди...

Рашидхон уйга қайтаркан негандир бир орқасига қайрилиб қараб қўйди. ...

У бир куни ҳамқишлоқлари билан шаҳардаги Ҳамза номидаги мусиқали драма театрига келиб “Лайли ва Мажнун” спектаклини томоша қилди. Спектакль воқеаларини узоқ муддат унутолмади. Воқеалар уни анчагача маҳлиё этиб, хаёлини олиб қўйди. Айниқса, Муроджон Аҳмедов ижросидаги Қайс унинг кўз олдидан сира кетмади. Кўзини очса ҳам, юмса ҳам Қайснинг мунгли овози-ю, дардли боқиши гавдаланаверди... “Мен ҳам артист бўламан”, деган бир орзу юрагини қаттиқ тепдирди, ширин-ширин энтиқдирди, хаёлини сахна сеҳри чулғаб олди...

Ана шу баҳона бўлди. Рашидхон театрнинг район марказидаги клубида кўрсатиладиган спектаклларнинг биронтасини ҳам қолдирмай томоша қиладиган бўлди. Унга айниқса, Валижон Ҳамроевнинг “Алпомиш” спектаклидаги Алпомиш, “Азиз ва Санам”даги Азиз, Муроджон Аҳмедовнинг “Равшан ва Зулхумор”даги Равшан, “Фарҳод ва Ширин”даги Фарҳод роллари жуда ёқар эди. У ҳар гал спектаклдан сўнг уйига боргач артист бўлишни орзу қиларди. Ана шу орзу уни Тошкентдаги Санъат институтига етаклаб келди. Халқ артистлари Наби Раҳимов, Шуҳрат Аббосов, Назира Алиева ва режиссёр Иосиф Радунлар устaxonасида таҳсил олди.

У талабалик йилларини эслаб “Мен жуда бахтли инсонман, чун-

ки Аброр Ҳидоятлов ўйнаган Отелло, Шукур Бурҳонов ижросидаги Гамлет, Брут, Фофир, Олим Хўжаев яратган Алишер Навоий, Гамлет образларини қайта-қайта кўрганман,” – дейди.

Рашидхон ўша кезларда устозларининг маҳорат сирларини ўрганишга интилни. Айниқса Ш.Бурҳонов билан танишгани унинг ҳаётида катта воқеа эди. Улар ўртасидаги устоз-шогирдлик Рашидхоннинг ижодий ўсишида, камолотга эришувида муҳим омил бўлди.

Рашидхон 1960 йилда институтни битириб Ҳамза номли мусиқали драма театрига келди. Ёш мутахассисни театрнинг бош режиссёри В.Молчанов, тажрибали актёр ва режиссёрлардан Ҳожи Қурбон Назаров, Занжирали Мирзатов, Муроджон Аҳмедов, Содиржон Очилдиев, Саодатхон Очилдиева, Пўлатой Раҳмонова, Шарофатхон Тожибоева, Ҳаётхон Маҳмудов, Маҳбубахон Мансурова ва бошқалар самимий кутиб олдилар.

Унинг театрдаги ҳаёти С.Абдулланинг “Севганидан айрилмасин” номли мусиқали комедиясида тўгарак раҳбари – Толиб ролини ўйнашдан бошланди. Рашидхон синовдан муваффақиятли ўтди. Шундан сўнг биринкетин “Алпомиш” спектаклидаги Қоражон, “Биринчи муҳаббат”даги Тальят, “Сенсиз”даги Тарлон, “Юрак сирлари”даги Саттор, “Уфқ”даги Турсун, “Нурхон”даги Мамат, “Уйғониш”даги Қудрат каби салмоқдор ролларни ижро этиб ҳамкасблари-ю, томошабинларнинг ҳам ишончи, ҳам муҳаббатини қозонди.

1970-80-йилларда В.Молчанов, Қ.Назаров, А.Ёқубхўжаев, Ж.Қўлдошев, Ю.Спивак сингари тажрибали, Э.Муродов, М.Жўраев, О.Салимов ва Б.Байрамян каби режиссёрлар сахналаштирган “Аяжонларим”даги Каримжон, “Нодира”даги Амир Насрулло, “Холисхон”даги Норбойвачча, “Занжирбанд она” (Анбар Отин)даги Худоёрхон, “Қорақум фожиаси”даги Содиков бой, “Дўст нидоси”даги Шерхон, “Ҳақиқий эркак”даги Соколов, “Муқанна”даги Муқанна, “Муқимий”даги Додхо, “Йўлчи юлдуз”даги Тўраҳон бой образларини яратди.

(Давоми 23-бетда.)

ТАЪЛИМ ИСПОҲОТИ МУАММОЛАРИ

Раҳимжон Исмаилов - Қашқадарё вилояти Яққабоб тумани Амир Темур жамоа ширкат хўжалигига қарашли Янгиқўрғон қишлоғида (1939 йилда) туғилган.

Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетини 1966 йили имтиёзли диплом билан битирган. Ўқишни битиргач институтнинг ўқув-тажриба хўжалигида бош агроном бўлиб ишлаган. Пахтачилик илмий текшириш институтининг Қашқадарё филиалида аспирант, кичик илмий ходим, катта илмий ходим, бўлим бошлиғи вазифаларини бажарган.

1977 йилдан бошлаб ўз ҳаётини олий таълим билан боғлаган. Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида доцент, 1982-1989 йилларда "Агроиқтисодиёт" кафедрасининг мудири сифатида фаолият кўрсатди. 1995-1997 йилларда институтнинг Иқтисодиёт ўқув маркази бошлиғи - проректор вазифасида ишлади. 1998 йилдан бошлаб институт қошидаги Бизнес-мактаби бошлиғи, 20 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи.

Мустақил Ўзбекистон давлатини ҳар томонлама ривожлантириш, иқтисодий мустақилликни таъминлаш кўп жиҳатдан замон талабларига жавоб берадиган раҳбар ва мутахассис кадрларни сифатли тайёрлашга боғлиқдир. Бозор иқтисоди шароитида уларни тайёрлашда республикамизда 1995 йилдан бошлаб бир неча олий ўқув юртлири қошида фаолият бошлаган Бизнес-мактаблари алоҳида ўрин эгаллайди. Дастлабки пайтда бундай Бизнес-мактаблари республикамизнинг ҳамма вилоятларида биттадан очилган бўлса, ҳозир булар сони 19 тага етди. Бизнес-мактаблари асосан кичик бизнесни бошқариш бўйича мутахассислар тайёрлайди. Ривожланган бозор иқтисодиётида кичик бизнес ҳам аҳамиятга моликдир. Сон жиҳатидан улар жами фирмаларнинг 95 фоизини ташкил этади, аҳамияти бўйича эса бу истеъмолчиларни ҳар кунги эҳтиёжларига энг кўп яқинлашиш ва шу билан бирга техника тараққиёти ва бошқа янгиликлар синаладиган майдондир. Кичик бизнесни моҳирона бошқариш бу яшаб қолиш, ўсиш, тараққиёт демакдир. Бунга қандай эришиш мумкинлигини Бизнес-мактаблари ўргатади. Назаримизда республикамизда кичик бизнесни бошқаришга, жумладан Бизнес-мактаблари муаммоларига ҳозирги кунда етарли эътибор берилмаётир.

Ҳозирги пайтда 11-синфни битираётганларнинг тахминан 10 фоизи, академик лицейларни битирганларнинг тахминан 50 фоизи келгусида олий ўқув юртлирига киришлари мумкин. Президентимиз И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқларида таъкидлаганларидек, ўрта мактабни битирганларнинг "Қолган 90 фоизи эса на бир аниқ ихтисос, на бир эртанги ҳаётга керак бўладиган малака ва касб-хунарни эгаллай олмаяпти ва шунинг оқибатида 16-18 яшар йигит-қизларимиз ҳаётда ўз қобилияти, ҳаваси, интилишига мос, ўзига муносиб ўрин топа олмаяпти".

Келгусида кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурига кўра ҳозирда ташкил этилаётган, касб-хунар коллежларини битириб чиқувчиларнинг маълум қисми олган ихтисослиги бўйича жойларда иш топа олмаслиги ёки бу ихтисослик бўйича ишлашни хоҳламасликлари мумкин. Ана шундай ёшларнинг кўпчилиги институтлар қошидаги Бизнес-мактабларига кириб ўқишга истак билдиришларига аминмиз. 1997 йилдан бошлаб Бизнес-мактаблари ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, яъни сиртқи ўқиш-ни хоҳловчилар ҳам қабул қилиниб, уларга таълим берилмоқда. Улар орасида илгари техник ёки биологик йўналишда олий маълумот олган, лекин банк, молия ёки солиқ идораларида ишлаётган талайгина ёшлар ҳам бор ва бундан кейин ҳам кўплаб топилишига ишончимиз комил. Демак талаб бор экан, уни қондирадиган тақлим ҳам бўлмоғи лозим, яъни Бизнес-мактаблари келажакда ҳам ўз ўрнига эга бўладилар.

Лекин Бизнес-мактаблари республикамиз бўйича 280 мингга яқин ўғил-қизларга таълим бераётган экан, вилоятлар ва туманлар марказларида жойлашган мавжуд 600 дан ортиқ хунар-техника билим юртлири ўрнида эмас, балки олий ўқув юртлири

қошида фаолият кўрсатишлари керак. Шундагина улар олий ўқув юртлирида мавжуд бўлган ўқув-илмий базадан фойдалансалар ва юксак салоҳиятга эга бўлган профессор-ўқитувчилардан таълим олсаларгина кичик ва ўрта бизнесни бошқариш бўйича замонавий билимга эга бўлишлари мумкин. Бизнес-мактабнинг тингловчиларига назарий билимлардан ташқари ишлаб чиқаришда қўллаш учун амалий кўникмалар ҳам зарур. Бунга Бизнес-мактаблари тингловчиларини ўқитишга вилоятлардаги иқтисодий идораларнинг раҳбарлари ва мутахассисларини, ҳокимиятлар аппаратидаги етакчи мутахассисларни жалб қилиш билан эришиш мумкин.

Бизнес-мактабларида ўқитувчиларга ҳақ тўлаш ҳозирги пайтда асосан соатбай шаклида олиб борилмоқда. Ҳақ тўлаш ставкалари худди институтдагидай. Лекин юксак малакали, катта тажрибага эга бўлган илмий даражали профессор-ўқитувчиларни ёки катта иш тажрибасига эга бўлган етакчи мутахассисларни жалб қилишни рағбатлантириш учун уларни соатбай ставкаларига ҳақ тўлашни камида 1,5-2 маротаба ошириш керак.

Тингловчилар ўртасида мураббийлик, таълим-тарбиявий ишларни олиб бориш учун Бизнес-мактаблари штатида доимий ўқитувчилар бўлиши ҳисобга олиниши керак ва институт профессор-ўқитувчиларига Бизнес-мактабларида ҳам 0,25-0,5 ставкада ишлашга руҳсат этилиши лозим. Бизнес-мактаблари олдидан турган муаммолардан бири тингловчиларни ижтимоий ҳимоялашдир. Бизнес-мактаблари тингловчиларига стипендия тўлаш кўзда тутилмаган. Узоқ қишлоқлардан келиб, шаҳарда институт ётоқхонаси ёки ижарада яшовчи тингловчи кимнинг ҳисобидан яшайди? Шунинг учун ҳам Бизнес-мактаби тингловчиларининг айримлари маълум муддатдан кейин уни ташлаб кетишга мажбур бўлмоқдалар. Шунинг учун ҳам Бизнес-мактаблари тингловчиларига бюджет ҳисобидан худди олий ўқув юртлири ёки ўрта махсус билим юртлири талабалари каби стипендия белгилаш мақсадга мувофиқдир. Стипендияни тингловчиларнинг машғуллотларга қатнашиши ва дарсларни ўзлаштиришига қараб табақалашган ҳолда белгиламоқ керак. Шундагина тингловчиларда дарсларни ўзлаштиришда моддий манфаатдорлик ортади.

Бизнес-мактаблари фаолиятидаги навбатдаги муаммо ўқитилаётган фанлар бўйича адабиётлар, ўқув дастурлари ва ишчи ўқув дастурлари билан таъминлашдир. Ўқитилаётган фанлар бўйича кейинги йилларда чоп этилган, айниқса, ўзбек тилида чоп этилган адабиётлар етарли даражада эмас. Бизнес-мактаблари тингловчиларига мўлжалланган адабиётлар, фанлар бўйича ўқув дастурлари ва ишчи ўқув дастурлари, тест саволлари тўплами, ўқув-услубий қўлланмалар, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ўтказиш бўйича қўлланмаларни ТДИУ қошидаги Иқтисодлашган Олий Бизнес-мактаби раҳбарлигида марказлаштирилган ҳолда тайёрлаб, сўнгра барча вилоятлардаги Бизнес-мактабларига уларнинг маблағлари ҳисобидан тарқатиш мақсадга мувофиқдир.

Раҳимжон ИСМАИЛОВ.

БОЗ БИР ЧАҚМОҚ ЮБОРДИ...

Шеърят майдонига юракнинг ичидан, қувончу қайғузорларидан ўтиб бордилар. Шу боис ҳам калби шоир бўлганларнинг мисраларида катта дардлар, қайғулар, қувончлар сурати яшайди.

Бугун шеърятимиз дарёларини чайқалтириб бир тоза оқим, бир гуруҳ ёшлар кириб келди. Бу сўзи-миз шу оқимнинг жуда ярашган бир вакили Гулжамол Аскарлова хақида.

Рухнинг кенгликларини қалки-тиб, шиддат билан айтилган ушбу мисраларда мен қуюқ изтироблар ранги, теран, ёруғ дардга дуч келаман:

**“Халк гарчи кудратдир,
бирок кодирмас
Хакка айтаримни
халкка айтмасман”.**

Гулжамол ўзи ушоккина кизалок бўлса-да унинг хаёл камрови, қувваи-хофизаси кенг. Юраги катта, даъволари асосли:

**Мен тупрокка кетгайман сингиб
Рухимни халк билан қормасам.
Халк демайман ўз халкимни ҳам
Мени хакка олиб бормаса!**

Дарвоқе, шу йўл, факат шу – хакка олиб борадиган йўлгина чин, дунёдаги қолган барча йўллар ёлғон эмасми?!

Бундан ташқари, унинг шеърларини суломли қиладиган яна бир муҳим хусусият бор. Бу унинг муносабатларда ўта самимияти, хокисорлигида дейиш мумкин:

**Ўзни севдирмокка
урингим келмас
Оёқлар остида сурингим келмас.
Ишқингизда факат
руҳим қолмишдур
Кўргим келади-ю
кўрингим келмас.**

Ёки унинг “Эшикка кистирилган хат” шеърисидаги мана бу тўртликка эътибор беринг:

**Мана кетдим, хазондай бежон
Ортик суйдим, ортик куйгайман.**

**Излаб яна оввора бўлманг
Туфлингизни артиб қўйганман.**

Ушбу ҳамда Гулжамолнинг ёзган ва ёзаётган бошқа шеърларида менга СЎЗ майдонини ишғол этмок кудрати етилиб келаётганлиги сезилади. Мен унинг ижодини кузатар эканман, ичда юксалиб келаётган мардона бир азоб, улғаяётган, қаддини ростлаётган СЎЗни кўраман.

Ички бир хуррияти бўлган рух халкка яқин, ғамкаш бўлади. Мен шоирнинг ўша ички хурлигини СЎЗга айланиб, оққушлар каби шеърятимиз осмонида парвоз этажагига ишонгим келади.

Гулжамолнинг руҳиятидаги ваъдаларига ишонгим келади.

Гарчанд хали олдинда сўз изтиробини тортмок, ўкимок, изланмок, севмок, яшамокнинг бахту изтиробларига тўлик муборак узун йўл бор.

Мен Гулжамолга ана шу йўлда синмас ирода тилайман. Мана бу сатрларни эса мен Гулжамолнинг яқинда чоп этилган биринчи китоби “Дил фасли”ни ўқиб чиққанимдан кейин ёздим:

**Билолмам, худойим ерга
Қувончми, ох юборди.
Жисму жонн капалакдек
Рухини тоғ юборди.
Ким биладн, шу кизчада
Кодир Оллох эхтимол.
Халқин йўлин ёритсин деб
Боз бир чакмок юборди.**

Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА.

ПОКЛАНИШ

Хурлигу хўрлик надур?!
- Эрксиз ҳар онингни юв!
Эрк аталмиш чашмада,
Чашми гирёнингни юв!
Бошдин оёқ тоза бўл!
Гадою хонингни юв!
Ўн саккиз минг оламинг,
Қиблаг тўрт ёнингни юв!



Гулжамол АСҚАРОВА

ИСМИМ

УЙҒОНЛАДУР

БИР

ШОНЪ

БАРЧАНИ

Азал абад ободмас!
Шабнамда тонгингни юв!
Кўзингни очмай уйғон!
Оппоқ иймонингни юв!
Сувларни юв сув билан!
Жисмимни жонимда юв!
Шунда ҳам уйғонмасам...
Рухимни қонимда юв!

БАРИБИР...

Кўнглингизни тополмадим мен.
Кўнглингизни топади қизлар.
Йўлбарслардай ёмон яшайсиз,
Пойингизда янчилар гуллар.

Исмларин айтасиз такрор,
НИЛУФАРГУЛ...

ДИЛБАР... БАРНОГУЛ...
Пойингизга тўкилаверар,
Хар исмдан қон бўлган кўнгил.

Юрагингиз гулдон бўлади,
Алвон-алвон гулларга тўлиб.
Сарғаяман илдизларимдан,
Мен ГУЛларнинг ЖАМОЛи бўлиб.

...Ва шундай жим яшашим керак!
Севилюкнинг келгунча гали...
Сиз бемалол сархуш яшайсиз,
Бу дунёда гуллар кўп хали...

Фақат билинг июнатиман
Оламларни берган оламнинг.
Хазончехра бекаси бўлдим,
Гуллар ҳидлаб ўлган одамнинг!

Қизил гуллар маст қилган гарчи,
Улар севмас юрагингизни!
Мен оқ гулман! Энг сўнги дамда,
Битта оқ гул кўмадир сизни!

ЮРАК ЙЎЛИ

Биз юрак йўлидан кетаётимиз,
Биз фалак йўлидан кетаётимиз,
Агар совинсалар дўсти гумроҳлар,
Чашми гирёнимдан излаб топсинлар.

Жами оламларга битта афсуним,
Жонимдан жон сўрар маним
жунуним.
Сохир жунунимда яшаётганлар,
Гулим хазонимдан излаб топсинлар.

Битта фироқинда манам девона,
Нега қароғинда манам девона.
Исмим уйғотадур бир тонг барчани,
Муждам азонимдан излаб топсинлар.

Ман жаҳон истовдим! Жаҳон
бермаслар,
Азал маконсизлар макон бермаслар!
Худоё, зулматда исташса васлим,
Ёруғ жаҳонимдан излаб топсинлар!

Мани фиронимдан излаб топсинлар!

ҲАҚҚА АЙТАРИМНИ ХАЛҚҚА АЙТМАСМАН!

*1-етти бирлик
(Катта меҳр ва муҳаббат билан
Ҳалима опага бағишлайман)*

“Мени асрагувчи дил топиларми?”₁

Кўзимдан кўнглимга ўтиб борасиз,

Кўнгил берган сарим... кетиб
борасиз,
Биз дил сафарига бирга чиққандик,
Энди менсиз қандок етиб борасиз?!

“Паноҳ керак, қошу кўздай бир
паноҳ?”₂

Ўзни севдирмоққа урингим келмас,
Оёқлар остида суригим келмас,
Ишқингизда фақат руҳим
қолмишдур,
Кўргим келадию, кўригим келмас.

“Ёрдин олдин жон чиқарин ёрга
айтингиз?”₃

Ишқини кўзингизда сифот этдингиз,
Мени ўзингизда исбот этдингиз,
Англолмай қарахтман, қайга бош
урай:
Обод этдингизму, барбод этдингиз?!

“Маҳшар куни бир-бирини топар
ошиқлар?”₄

Азобингиз озурда дил яросидур,
Васл умри қошу киприк оросидур,
Кўзингизга қаро тупроқ тўлса
билинг,
Ўша менинг кўзларимнинг
каросидур.



“Ерда мендек гуррос солиб йиғлар
дарё йўқ”₅

Оллоҳ берса ўларда ҳам бу ишқнинг
ҳеч малолли йўқ,
Ким айтади: ибтидонинг
интиҳодек заволи йўқ,
Дунёсинда тўлиб тошиб асов сувлар
оқиб ётир,
Бу дарёлар оросинда кўз
ёшимдай ҳалоли йўқ.

“Бизни ёри азиз унутгандайлар”

Бир васлсиз ишққа ҳамон
қурбонман,
Азал қурбон эдим, мудом қурбонман,
Икки дунёсида дийдор бермагай,
Тоабод қурбонман, тамом қурбон-
ман!!!

*1.2.3.4.5.6. Ҳалима
Худойбердиева сатрлари.*

2-етти бирлик

БИР МАНЗИЛЛАР ИСТАЙДИР
КЎНГИЛ

“Ҳеч ким бир-бирининг кўнглига
бормас”₁

Чорласангиз... тўлқинлардек
қоним борур,
Дилим маним, ҳам қулим,
ҳам хоним борур,
Кўнглингизга чорласангиз тожисар
деб,
Оёнингиз остига бу жоним борур.

“Ўнглаб бўлмас муҳаббатга фидо
бўлиб ўтяпман”₂

Билмам, қай бир дил қушига ўк
отдим ман,
Қай бир юрак хазонига чўғ отдим
ман,
Кўнглингизни топай
дедим, излайвердим...
Излаганим сари баттар йўқотдим
ман.

“Оллоҳ бир қув маним ҳолим
сўрайди”₃

Тангрим! Тўкилюкдин ўзга чорам
йўқ,
Англадим, ўзингдан ўзга ёр ҳам йўқ,
Қара, сувратимдан чиқиб боряпман,
Ўлмоқ илинжидан ўзга ором йўқ!

“Лоладай кетарман
қайғузорлардан”₄

Қайғудай кетмайсиз кўзимдан,
Баҳорим беҳабар қузимдан,
Бир манзиллар истайдир кўнгил,
Мени олиб кетинг... ўзимдан

*1.2.3.4.
Ҳалима Худойбердиева
сатрлари.*



СОҒИНЧ ТАБАССУМИ

(Ёш томошабинлар театри актёри
Абдусамад ЖҰРАБОВЕВ билан суҳбат)



Суратларда: Абдусамад Жўрабоев актриса Манзура
Ҳамидова билан репетиция пайтида (юқорида) ҳамда
“Мунажжим” спектаклидан сахна.

— Абдусамад ака, билишимча чорак асрдан бери болалар театри сахнасидасиз. Бу доимо болалар орасида дегани, зерикмадингизми?

— Дангал айта қолай, йўқ. Болалар дунёси шундай гаштли, беғубор оламки, тоабад шу сахнада ижод қилишни истайман. Томоша залидаги болаларнинг беғубор кўзларига боқиб, улардаги ўзгача мўъжизавий оламни кўриб, менга шундай ажойиб лаҳзаларни инъом этгани ва этаётгани учун тақдиримга шукроналар айтаман. Саволингизга бироз ҳазил билан жавоб берадиган бўлсам, болалар сахнасида болаларбоп роллар ижро этавериб, ўзим ҳали ҳам болалардекман...

— Сизнинг сахна ҳаётига кириб келишингиз барчани қизиқтиради. Бу оддий қизиқишми ёки тасодифми, нима деб ўйлайсиз?

— Ўқувчилик йилларим адабиётга жуда қизиқар эдим. Тўғрироғи, бирор шеър ёки насрий асарни ифодали ўқишни яхши кўрардим. Айниқса, эртақлар жони дилим эди. Асардаги турфа образлар — шаҳзода, малика, айиқ, тулки, бўриларнинг ички дунёсига кириб бориб, овозимни ўшаларга ўхшатишга, хатти-ҳаракатим билан уларнинг хусусиятларини очиб беришга интилардим.

Ўзимча кичик-кичик шеър, ҳикоялар ёзиб, синфдошларимга ўқиб берардим. Улар матбуотда ҳам босилган. Шуларнинг биттасини ўқиб берайми?

— Ёдингизда бўлса...

— Варракка бағишланган шеър.

*Шамол билан олишиб,
Варрак учар шох ташлаб.
Шамолданми энгилиб
Қаранг, кетди ёнбошлаб.*

*Дедим варракка қараб:
Ҳеч қачон ёнбошлама.
Учгин қаддингни ростлаб
Ялқовларга ўхшама.*

Шу ўринда нокамтарлик бўлса ҳам айтай. “Зангори экран” орқали “Оқшом эртақлари” да қатнашиб тураман. Шунда баъзан ўзим ёзган эртақлардан ҳам фойдаланаман. Айтмоқчиманки, шеърни ифодали ўқиш ҳам санъат. Шу сабабли

Санъат олийгоҳига кириб ўқидим. Уни тугатиш арафасида бир нечта курсдошим билан Ёш томошабинлар театрида иш бошладик.

— *Одатда санъаткор - у хоҳ актёр, хоҳ хонанда бўлсин, ўзининг бир образи ёки қўшиғи билан ялт этиб кўзга ташланади. Сизнинг ўша “Қовоқвой ва Чаноқвой” спектаклидаги Қовоқвой образингиз фикрим исботи. Шу образни яратиш сирини очсангиз...*

— Томошабин хотирасида узоқ вақт эслаб юрадиган образ яратиш жуда ҳам қийин иш. Қовоқвой образи сахна ҳаётимнинг дастлабки йиллари яратган образим. Ўтган давр мобайнида юздан ортиқ роль ижро этган бўлсам, назаримда, Қовоқвой шуларнинг гултожиси.

Спектакль мен ҳали талабалик йилларимдаёқ сахналаштирилган эди. Унда бош ролни устозим, раҳматли Воҳид Қодиров жуда ҳам чиройли, қойиллатиб ижро этган эдилар. Кейин ўзлари бу асарни қайта сахналаштириб, Қовоқвой ролини менга топширдилар.

Дастлаб уни ижро этишдан чўчидим. Сабаби Қовоқвой асосий роль, жонсиз нарса, уни болаларга жонли қилиб кўрсатиш, уларни ишонтириш қийин. Шунда устозимнинг ҳозирги кунда шиоримга айланган “Халқ ичида юринглар, кам бўлмайсизлар” деган пурҳикмат сўзлари мени тинимсиз ўрганиш ва ижодга руҳлантирди. Ишонасизми, бу ролни яратиш учун бозорларга бориб, қовоқларни ҳар томонлама томоша қилганман. Катта-катта қовоқларга кичкинтой болаларнинг ҳайратла боқишларини кўриб, улардан кўп нарса ўрганганман.

— *Бир мухлисингиз “Абдусамад ака бу ролни Воҳид акадан ҳам ўтказиб ижро этади,” деб айтганди.*

— Аввало раҳмат. Устозимга тақлид қилиб, яхши роль ярата олмасдим, буни тушунаман. Шу сабаб улар ижодидан, маҳоратидан ижодий фойдаланган ҳолда бу образни яратдим. Ҳар бир ак-

тёр ўзи ижро этаётган образ руҳини, унинг кўз илғамас нозик хижатларини ҳам теран англамоғи, унинг ички дунёсига қадар кириб бормоғи шарт. Шу билан бирга актёр ўзига жуда талабчан бўлмоғи, томошабини юксак даражада ҳурматламоғи лозим.

Шу кунларда устознинг руҳини шод этиб, ўзим шу спектаклни қайта сахналаштираман, унда театримизнинг ёш ижодкорлари қатнашса деган бир яхши ният билан юрибман.

— *Роль ижро этаётганингизда болалар сизга қандай таъсир этади? Бир сўз билан айтганда, катталар театрида роль ижро этиш осонми ёки болалар театрида?*

— Аввало, шуни очиқ айтийки, сахнага қадам қўяр эканмиз, зиммамизда юксак масъулият борлигини ҳар лаҳзада сезиб тураман. Ижодий иш сира осонлик билан амалга ошмайди. Агар иккала сахнани солиштираман, назаримда болалар театрида ишлаш қийинроқ. Катталар театрида томошабинлар ҳам катта-да. Улар ҳаётни кўрган, кўп нарсанинг маъносини тушунадиган, маълум тажрибага эга томошабинлар. Улар сахнадаги ҳаёт барибир сахнаники эканлигини сезиб турдилар. Бирига ишониб, бирига ишонмай дегандай...

Болалар эса бошқа олам. Жуда бошқа олам. Ишонувчан, қизиқувчан... Бир спектаклда шундай йиғлаб роль ижро этганманки, болалар бараварига менга қўшилиб йиғлай бошлашган. Йиғласангиз йиғлашади, кулсангиз кулшади. Мана шунақа олам болалар дунёси...

— *Энг сўнгги ижро этган янги ролингиз?*

— Оила йили муносабати билан сахналаштирилган “Мунажжим” спектаклидаги Масрур образи...

— *Сўнгги йилларда маънавиятга кўп эътибор берилмоқда. Бу борада кўпгина ишлар амалга оширилди. Болалар маънавияти қай даражада? Қилинган ва қилинаётган ишлар самарасини болалар ҳаёти орқали кўряпсизми?*

— Маънавият - бир дарахт, деб фараз қиламан. Унинг шохлари санъат: театр, кино, куй-қўшиқ, тасвирий санъат. Болаларни санъатга янада кўпроқ яқинлаштириш керак. Турли кўнгилочар, дам олиш томошаларига болаларни кенгроқ жалб қилиш керак. Ахир ўйлаб кўринг, республикамизда қанчадан-қанча санъаткорлар фақат болалар учун ижод қилмоқдалар. Биз фақатгина сахнада роль ижро этмай, уларда санъатга муҳаббат уйғотишимиз ҳам керак.

Сўнгги йилларда болалар дунёқараши, маънавияти ўзгарди. Улар мустақил фикрлайдиган, ҳар соҳага қизиқувчан, замонавий техникаларни бир зумда пухта ўзлаштириб олаётган билимдон болалардир. Болалар келажимиз экан, биз комил инсонларни тарбиялаш йўлида доимий изланишда бўлмоғимиз зарур.

— *Абдусамад ака, дарахт бир жойда кўкаради деган ҳикматли нақлнинг тўғрилигига сизнинг ҳаётингиз билан танишиб, яна бир бора ишондим. “Бошқа театрга ўтиб кетаман”, деган фикр ҳеч ҳаётингиздан ўтганми?*

— Йўқ. Бу сахна, бу театр менга доимо болалигимни эслатиб туради. Ўйнаган ҳар бир ролимда болалигимнинг қалби бор. Ҳаётимнинг энг беғубор дамларини ўзгалардан кўра бошқачароқ соғинаман. Ҳаёл оғушида болалигим ўтган Чинознинг чанг кўчаларида югураман, тўлиб-тошиб оққан сувларида сузаман, олтин куз фаслида болга тўлган боғларида кезаман. Ва уларнинг давомчиси бўлиб, ўзим ҳам бола бўлиб сахнага чиқаман. Залдаги томошабинларнинг ҳар бири болалигимнинг бир куни. Уларга бир соғинч билан, табассум билан қарайман. Бу соғинч табассуми бир умр ҳамроҳим бўлишини жуда-жуда орзу қиламан.

— *Шундай пок ниятларингиз ҳамиша йўлдош бўлсин.*

Маҳмуда АБДУЛЛАЁРОВА
сўхбатлашди.

У САНЪАТ УЧУН ТУФИЛГАН ЭДИ...



Обид Толипов ва Муҳаббат Йўлдошева.

1918 йилда Тошкентнинг “Оқ масжид” маҳалласида ишчи оиласида таваллуд топган Обид Толипов таълимни Олмазор кўчасидаги 62-сонли “Ҳаёт” мактабида олди. Ана шу ерда у тўгарак раҳбари Суннатилла Рустамов орқали саҳна санъатига меҳр қўйди. У аввал қўшиқ, декламация, инсценировка, пирамидаларда қатнашиб, кейин Ф.Зафарийнинг “Етим ва етима” асарида етим бола ролида чиқди. У “Пионер театри”да етим бола ролида чиққанда ўзини жўшқин, ҳаётий ва самимий ўйини билан атоқли санъаткорлар Аброр Ҳидоятов ва Жавод Обидовларнинг эътиборини ўзига тортганди. Улар тавсияси билан 1933 йилда Абулқосим Лоҳутий номидаги театр техникумга ўқиш-



Парда Турсун. “Ўқитувчи”. Ўқитувчи — Обид Толипов.

га кириб, санъат соҳасининг кўп мутахассисларидан таълим ола бошлади. Театр техникумида Обид Толипов атоқли санъаткорлар Маннон Уйғур ва Етим Бобожоновлардан актёрлик маҳоратини, Қудрат Хўжаев ва Саъди Табибуллаевлардан саҳна нутқини, Бобо Хўжаев ва Маъсума Қориевалардан биомеханика ва саҳна ҳаракатларини, Али Ардобус ва Мир Хўжаевлардан ўйинни, Гринбергдан мусиқани, Фуломовдан гарб адабиётини ўрганди. 1937 йилда у техникумни аъло баҳолар билан битириб, Иброҳим Аҳмедов, Сора Боязитова, Каромат Аъзамова, Туроб Тўла, Умар Исмоилов, Учқун Раҳмонов, Собир Юнусовлар билан биргаликда Ёш томошабинлар театрига йўлланма олди. Обид Толипов саҳнада болакайларни, ўспиринларни, кексаларнинг ранг-баранг ролларини ижро эта бошлади. Ёш томошабинлар театрида болаларга атаб қўйилган спектаклларда тарбия иши фақат мактаб ва ўқитувчиларнинг вазифаси эмас, балки оиланинг зиммасида эканлигини кўрсатиш асосий вазифа қилиб қўйиларди. Бу ишга А.Исмоилов, Ж.Обидов, И.Аҳмедов, Н.Дўстхўжаев, В.Ванченко, Л.Мейсел, О.Шарипов, М.Бобоев ва бошқа режиссёрлар қўл урган эдилар.

Обид Толипов ижро этган

қахрамонона роллар ўзининг тўлақонлиги, ҳаётийлиги, жазб хусусияти билан томошабинун мутахассисларнинг эътиборини тортди. Масалан, С.Шербаковнинг “Бешлар”даги жасоратли Пуля, Мольернинг “Зўраки табиб” комедиясидаги ошиқ Леандр, В.Катаевнинг “Оқариб кўринар ёлғиз елкан”идаги мард Чета, С.Михалковнинг “Коньки”сидаги қув бола Вася, “Ёш гвардия” инсценировкасидаги шўх Сергей Тюленин, Е.Шварцнинг “Қор маликаси” эртагидаги шафқатсиз Кай, С.Михалковнинг “Ғайратли бола” пьесасидаги гердайдан Қуён, О.Форшнинг “Алёша Пешков” драмасидаги эзилган Алёша ана шундай роллар сирасига киради. Актёр ижодида мактаб болалари мавзуи алоҳида ўрин тутишини таъкидлаш жоиз. Толипов ўқувчи-болаларнинг феълени ўзига хос тарзда бўрттириб кўрсатган эди.

Катталарга бағишланган М.Ғанининг “Ўжар” драмасида 7-синф ўқувчиси Набини тарбиялашда оиланинг вазифаси муҳимлиги кўрсатилган. Бу ерда асосий диққат она ва бола муносабатларида, онанинг кенжаси Набини ортиқча талтайтириб юборгани натижасида боланинг ўжарлиги ортгани яққол кўрсатилган.

Санъаткор 1940 йилда ҳарбий хизматга сафарбар этилди. Қонли иккинчи жаҳон урушининг барча жангу жадалларини кўриб қайтди. Шу боис унинг ижодида ҳарбийларни, тарихий шахсларни ифодалаш одат тусига кириб қолди. У яратган барча образларнинг ҳаётийлиги, томошабинни ишонтириш қувватининг замани ана шунда эди. Бу хусусиятлар И.Всеволжскийнинг “Маршалнинг ёшлиги” асаридаги Сема, А.Раҳматнинг “Абдулла Набиев”идаги Абдулла образларида ёрқин намоён этилган.

Ёш томошабинлар театри тарихий-биографик мавзудаги драматургияни кўп марта саҳналаштирган. Бу мавзудаги спектаклларнинг талқинида саҳнавий ҳақиқат эвазига ҳаётий ҳақиқат бузилиб кўрсатилди, сабаби ўша даврда раҳбар

ларни фақат ижобий томондан кўрсатиш, саҳнада юксак ифодалаш одат тусига кириб қолганди. Аммо шу билан бирга, идеаллаштирилган персонажлар томошабинни яхшиликка чорлашини таъкидлаш лозим.

Саҳнада талайгина катта ва кичик ролларни ўйнаган актёр узоқ изланиш, кузатиш, ўрганиш эвазига ёрқин ва ифодали деталлар топарди. Характерли образлар М.Шевердиннинг “Эгри ва тўғри” асаридаги Эгри, М.Аҳмедов ва О.Толиповларнинг “Ким айбдор?” пьесасидаги Абдусамад, Д.Зак ва И.Кузнецовларнинг “Ўн бешинчи баҳор” асаридаги Найман, П.Тлегеновнинг “Аму қахрамонлари” драмасидаги Озод, А.Неверов қиссаси асосидаги И.Головиннинг “Тошкент - нон шаҳри” инсценировкасидаги Дунаев, А.Жамолнинг “Меҳрибонлар”идаги Икром, П.Панчевнинг “Тўрт эгизак” асаридаги Пётр, Я.Райниснинг “Олтин тулпор” асаридаги Қирол ва бошқалар фикримизга далил бўла олади.

Ўзбекистон халқ артисти Обид Толиповнинг ижоди яратган образларининг талқинида замонавий руҳ сезилиши, томошабинни қизиқтирган саволларга жавоб бера олиши билан характерланади. Шунинг учун катталар ҳам, ёшлар ҳам Обид Толипов ижодидан завқ олар эдилар. Бинобарин, олмосдек серқирра ижоди, ёшларга гамхўрлиги, театр ишига фидойилиги туфайли болалар театрининг ҳаётий рамзи бўлиб қолди, десак муболаға бўлмайди.

Дилором МУСАЕВА,
санъатунослик фаилари
номзоди.



Рашидхон Содиқов ижодининг энг характерли қирраси шундаки, у хоҳ замонавий, хоҳ тарихий асарларда ўйнамасин, яратган образларининг асосий лейтмотивини Ватан озодлиги, элу юрт тинчлиги, инсон эрки, ҳуқуқи ва бахту саодати учун кураш мавзуи ташкил этади. Жумладан, Ҳамид Олимжоннинг “Муқанна” драмасида Рашидхон – Муқанна ёвузлар куршовини ёриб, ўзини мардларча гуриллаб ёниб турган оловга ташлар экан, шундай дейди:

*“Халққа айтинг мен асло
ўлганим йўқ,
ёв қўлига таслим ҳам бўлганим
йўқ!
Мен халқимнинг юрагида яшарман,
Эрк деганининг тилагида яшарман!”*

Рашидхон серқирра ва сермаҳсул ижодкордир. У театрда ишлаш билан бир қатор кинофильмларда суратга тушган. У “Урушсиз йигирма кун”, “Ленинградликлар – жигарбандларим”, “Улкан қисқа умр”, “Олишув” каби фильмларда кўламдор образлар яратди.

Рашидхон ўзбек миллий театрини ривожлантиришдаги хизматлари учун 1979 йилда “Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист”, 1994 йилда “Ўзбекистон халқ артисти” унвонларига сазовор бўлди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг етти йиллиги муносабати билан “Меҳнат шўхрати” ордени билан тақдирланди.

1996-97-йилларда театр жамоаси Нурулло хожи Абдуллажон ўғлининг “Муҳаббат қасри” ва “Кўкнинг ўн иккинчи дарвозаси” асарларини саҳналаштирди. Ушбу асарлардаги Шох Жаҳон ва Чингизхон образларини Рашидхон ижро этди. Театр жамоаси Тошкентда ўтказилган “Наврўз-97” фестивалида қатнашиб, “Муҳаббат қасри” спектакли билан иккинчи ўринни олди. Рашидхон эса Шох Жаҳон образи учун фестиваль совриндори бўлиб, қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Кўкн Хомаза номидаги мусиқали театри Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси томонидан ташкил қилинган Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон республикалари театр фестивалида “Кўкнинг ўн иккинчи дарвозаси” спектакли билан қатнашди. Р.Содиқов ушбу спектаклда Чингизхон роли учун - фестиваль лауреати деган шарафли унвонга сазовор бўлди ҳамда 15 минг сўм пул ва 1-даражали диплом билан мукофотланди.

Ҳозир Рашидхоннинг айни камолотга эришган даври. У шу кунларда ўзи орзу қилиб юрган образ – Шекспирнинг “Отелло” трагедиясидаги Отелло роли устида мустақил иш олиб бормоқда.

Алижон УМАРОВ,
театршунос.

Хумсонлик Исмат ака билан Тошпўлат бува ораларидан қил ўтмаган қўшни. Тўйда турсин, азада бўлсин бир-бирларининг ҳурматини қилиб “Сиз ўтинг, сиз ўтинг”дан нарига боришмаган. Иккаласи Харам маҳаллада истиқомат қилишади. Исмат аканинг ҳовлиси маҳалла кўпригидан ўтгач, пастликка қараб дарёга туташиб кетган, улардан бир-икки хонадон нарироқда Тошпўлат буванинг уйи. Томга чиқиб чақирса эшитадиган қўш-

Нима дейсан, Тошпўлат бува новвосини қирдан топиб келганмиш. Буни эшитган Исмат аканинг ичи қизиди. Ўғилларини чақириб, “қир-адирларни, унгур-пунгурларни яхшилаб қарамагансанлар, ялқовлар” деб сўқди, ўзи эшакка миниб ёшлигида асалари боққан жойларигача бориб келди. Учратган молларининг орасида унинг новвосига ўхшайдигани кўринмади. Қирдан бутунлай ҳафсаласи пир бўлиб қайтди-да “Майли, келган бало-қазо шунга урсин,

дан туриб, ичкарига кириб кетаётган эди, Исмат ака унга гап отди:
– Тошпўлат бува, қалай, кўнгил жойига тушдимми, новвос топилганмиш, шу ростми?

– Ҳа, энди, бу қорасон теккур, тентираб қирдан ошиб, Қайнарсойга тушиб кетган экан, топиб келдик.

– Бизники бедарак кетди, Тошпўлат бува, битта-яримтанинг қозонига кириб кетдиёв, ё бўри еб қўйдими, изиям топилмади, дарак йўқ.

НАСР



Тилаб МАҲМУДОВ

(Ҳикоя)

нилар битта новвос деб бир-бирини кўришга кўзи, отишга ўқи йўқ бўлиб қолди.

Баҳорда Исмат аканинг ўғли, Тошпўлат буванинг невараси иккита новвосни қишлоқ молларига қўшиб Олчинбардаги яйловга ташлаб келишган эди. Аини тут пишигида Исмат аканинг ҳам, Тошпўлат буванинг-да новвоси йўқолиб қолди. Новвослар Олчинбардаям йўқ, Угам тепасидаги қозоқларнинг яйловидан ҳам топилмади. Қўшнилари биргалашиб Минг-чуқургаям бориб келишди. Новвослар ердаям, кўкдаям йўқ. Иккала қўшни новвослардан умидини узса-да, бир-бирига билдирмай қидириб юраверди.

Орадан бирор ой ўтди чамаси, қишлоқда узун қулоқ гап тарқалди.

мол топилади, жон топилмайди”, деб ўзини юпатди.

Исмат ака идора томонларга, чойхонага ўтадими, ишқилиб, бирор юмуш билан кўчага чиқадими беихтиёр Тошпўлат ота дарвозасига қарайдиган, ҳатто ичкарига мўралаб унинг топилган новвосини кўргиси келаверди. Яна қариянинг кўнглига бир нима келмасин деган андишада шаштини қайтариб юрди.

Новвослар йўқолганда ҳар куни унинг олдига келиб, яккам-дуккам соқолини силаб, эртага қаёқларни ахтариш кераклигини маслаҳат қиладиган Тошпўлат бува ҳам кўринмай қолди.

Бир куни дарвозасининг олдида ўтирган Тошпўлат бува Исмат акани кўрган заҳоти зўр-базўр ўрни-

– Ҳа, энди, мол-да, мол одам-миди, адашса уйини топиб келадиган.

– Ҳеч кўнглим тўлмапти-да Тошпўлат бува, бир кўрай новвосингизни, ҳовуридан тушардим, – деди Исмат ака.

– Ҳа, энди, одам одамга ўхшамайди, аммо лекин мол-молга ўхшаб кетади, жигарим.

Исмат ака ҳеч кутилмаганда ўзида аллақандай беандиша бир журъат сезиб Тошпўлат бува молхонасига қараб юрди. Орқасидан бува эргашиди.

Исмат ака молхонага яқинлашдию бирдан ҳайратгами, қувончгами, ҳар қалай, ғалати бир оҳангда бақириб юборди:

– Ие, Тошпўлат бува, бу бизни новвос-ку!

МУҲИМ ДАРСЛИК

— Ҳа, энди, мол молга ўхшайди, жигарим. Думини кесиб қўймаган экансан-да, фарқи ажралиб турарди.

— Қизиқ гапларни айтасиз Тошпўлат бува, молниям ҳеч замонда думини кесади, худо ҳақи, мана, қаранг, қўнғир рангли, калласи котта, шохи йўқ эди. Худди ўзи!

— Мени новвосимниям билардинг, уям калласи котта, тўрт оёқли, шохи йўғ — мана рўпарангга турипти, — деди Тошпўлат бува. — Иннакейин, оғзингга қараб гапир, сал қолмаса мани муттаҳамга чиқариб қўйма яна. Қариганимда имонимни битта новвосга алишайми? А, алишайми?! Бунақа бемаъни гапни бир гапирдинг иккинчи оғзингга олма. Хунук гап тезакка ўхшайди, уни ёқсанг кўзингни ачиштиради.

Кўшни қарияларнинг бақир-чақирлиги ёқмади новвос бўнидан боғланган йўғон арқонни таранг тортиб гоҳ пишқириб, гоҳ депсиниб, гоҳ бўйинини чўзиб тумшугини ерга тираганча кўзларини ола-кула қила бошлади.

— Бас қил, — деди Тошпўлат бува ниҳоят, — молниям безовта қилма, уни семиртириб неварам тўйига сўймоқчиман.

— Жуда галати одамсиз-а, Тошпўлат бува, — яна туюқиб кетди Исмат ака, — ман гумонсираб айтаяпман, жонивор новвосимга жуда ўхшайпти-да. Кейин новвос ўзингизники бўлса нега уни ташқарига чиқармай, боғлаб боқасиз? Новвос — маники!

Шу пайт Тошпўлат бува қўлидаги ҳассаси билан Исмат аканинг бошига “Мана саники” деб тушириб қолса бўладими. Бўлди жанжал, бўлди жанжал. Пайғамбар ёшидаги Исмат ака тўқсонга яқинлашиб қолган Тошпўлат аканинг ёшини ҳурмат қилиб қўл кўтармади. Кўчага чиқдию овозини борича бақириб “Ҳой, мусулмонлар, қариганда имонини еб қўйган Тошпўлат тажанг новвосимни уйига боғлаб қўйипти” деб жар солди.

Ўтган-кетган Тошпўлат бува дарвозаси олдида тўпланиб, гапни бири олиб, бири қўярди. Қўшнилари тинчитишнинг ўзи бўлмади. Фаёз бригадир келиб қолди. У бақириб гапиргучи, чўрткесар

одам эди. Бироз новвос жанжалини эшитиб турди-да:

— Шошманглар, мусулмонлар, шошманглар, сизларга нима бало урди, уят бўладику, — деди қарияларга қараб. — Бунақа ишни отабуваларимиз жуда осон ечишган. Унинг йўли бор. Борларинг, ағрайиб турмасдан, олиб чиқиб нарига маҳалладан қўйиб юборинглар. Кимнинг ҳовлисига ўзи кириб келса новвос шуники, вассалом.

Бир ой ем бериб новвосни боққан Тошпўлат бувага бу маъқул тушди.

— Олиб чиқ, бу ҳаром ўлгурни, — деди у неварасига қараб.

— Ҳаром ўлгур деманг, — деди Исмат ака, — ман уни пешона терим билан боққанман.

— Сиз, тек тулинг, — деди Фаёз бригадир, — агар пешона терингиз билан суғорган бўлсангиз ҳам.

Новвосни иккита йигит етаклаб Боғ маҳаллага олиб кетишди. Орадан унча вақт ўтмасдан, Тошпўлат бува билан Исмат ака йўлнинг икки чеккасида бир-бирларига қўлни бигиз қилиб, гапини маъқуллаб турганда узоқдан новвоснинг қораси кўринди. Ҳамма чеккачеккага ўтди. Новвос келиб тўппатўғри Исмат аканинг уйига қараб бурилди. Тошпўлат буванинг ўтакаси ёрилгудай бақирди:

— Одамлардан ҳайиқди, одамлардан, йўлни тўсиб қўйдиларинг, новвос маники!

Қариянинг аҳволини кўрган кўни-қўшни тортишув янада одил ҳал бўлсин деган ниятда новвосни тутиб, Пусалага ўтадиган жарнинг ичидан иккинчи марта қўйиб юборишди. Новвос ёшлигида онасига эргашиб келиб сув ичадиган булоқдан обдон чанқоғини қондирди-да диконг-диконглаб етаклаб борган йигитлардан олдин қишлоққа қайтиб, одамлар турган жойдан бурилиб, яна Исмат аканинг ҳовлиси томон тушиб кетди.

— Омин, ҳалоли бўлсин, — деди Фаёз бригадир атрофдагиларга қараб, — Тошпўлат бува, хафа бўлманг, мол-мол-да, унга гап уқтириб бўлмайди, худо денг, сизники ҳам топилиб қолар.

Тошпўлат бува ҳассасига зўр-базўр таяниб, букчайиб қолди.

У ориятданми, аламданми қоврайдай гавдасини силкитиб-силкитиб новвос кириб кетган ҳовлига қараб йиглаб турарди.

Ўзбекистонимиз ҳаётида содир бўлаётган улкан ўзгаришлар маданият ва санъат соҳаларида ҳам ўз ифодасини топди. Жумҳуриятимиз Президенти ва ҳукуратимизнинг санъат ривожига бағишланган фармон (қарор)лари маданий ҳаётдан мустаҳкам ўрин олди. Бу ҳужжатлар ўз навбатида олий ўқув юрларида тарбиявий-илмий ишларни давр талаби руҳида йўлга қўйишни, янги йўналишларни ўзлаштиришни, фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси таъсирчан йўлларини ишлаб чиқиб, уни амалиётга жорий этишни долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйди. Ана шу йўналишдаги муаммо ечимини топишга бўлган иштиёқ Тошкент давлат маданият институтининг доценти А.Рўзметовда “Маданиятда менежмент ва иқтисодиёт асослари” номли дарслик ёзишга рағбат уйғотди. Дарслик уч бобдан иборат. Биринчи боб “Маданиятда менежмент тизими асослари” деб номланиб, унда бозор муносабатларида маданият ва санъат таълими концепцияси, менежмент асослари, маданият масканларида фуқароларнинг ташкилотчилик фаоллиги ҳақида фикр юритилади. Маълумки, ижтимоий тараққиётимиз, шу жумладан маданият масканларини бошқариш санъати, ундаги иқтисодий тараққиёт бевосита мазкур муассасаларда меҳнат қилувчи ижодкорларнинг савияси, катта ҳуқуқий маданиятга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу жиҳатдан олганда дарсликда “Маданият ходимларининг меҳнат муносабатларини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари” мавзуси эътиборга лойиқдир.

Дарсликнинг иккинчи боби “Бозор иқтисодиёти шароитида маданият соҳаларининг молиявий таъминоти” деб номланган. Унда маданият иқтисодиёти фанининг устувор йўналишлари, иқтисодий ислохотлар туфайли вужудга келган — маданиятда мулкдорлик шакллари, маданият масканларини солиққа тортиш, энг муҳими кичик бизнесни ташкил этиш, соҳа иқтисодиёти истиқболини олдиндан белгилаш (прогноزلаниш) услублари содда тилда баён этилган. Дарсликнинг учинчи боби “Маданият ва санъат муассасаларида иш ҳақини ташкил этишнинг бозор инфратузилмаси” деб номланган ва унда бозор муносабатларида иш ҳақини “Ўзбекнаво”, театромоша, маданий-маърифий муассасаларда ташкил этиш ҳамда мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчиларини моддий рағбатлантириш омиллари илк бор атрофлича тадқиқ этилган.

Хуллас, А.Рўзметовнинг “Маданиятда менежмент ва иқтисодиёт асослари” дарслиги маданият, санъат олий ва ўрта махсус ўқув юрлари муаллимлари, талабаларига қўлланма бўлишига ишонамиз.

М. НАБИЕВА

ЎЗБЕК ФАНИНИНГ ФАХРИ

(Академик
И.М.МЎМИНОВ
таваллудининг 90
йиллигига)



Бухоро нафақат Ўзбекистонни, балки бутун Марказий Осиё минтақасини дунёга машҳур этган. Унга Бухорои шариф деган ном бежиз берилмаган. Негаки, бу муқаддас заминда Абу Али ибн Сино, Абу Бакр Муҳаммад Наршахий, Имом Бухорий, Хोजа Баҳоуддин Нақибанд ва унинг пиру устозлари - Абдухалиқ Ғиждувоний, Хोजа Ориф Ревгарий, Хोजа Маҳмуд Фағнавий, Хोजа Али Рометаний, Муҳаммад Сомосий, Саййид Мир Кулол, кейинги замонларда Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Иброҳим Мўминов каби улуғ зотлар ўтганки, уларнинг номларини ёдлаш ва эъзозлаш ҳар бир ватандошимиз, ҳар бир инсоннинг бурчидир.

Ислом КАРИМОВ

Фанимиз ва маданиятимиз равнақи йўлида бебаҳо хисса қўшган алломаларимиздан бири Иброҳим Мўминовдир.

И.Мўминов жаҳон фанининг зўр билимдони эди. Унинг дастлабки илмий-тадқиқот ишлари 30-йилларнинг бошларидаёқ эълон қилина бошланди. 1941 йили “Гегель диалектикасининг рационал маъзи” деган мавзуда номзодлик илмий даражасини химоя қилди. Моҳият эътибори билан бу илмий изланиш фақат Марказий Осиё республикаларидагина эмас, балки бутун собик Иттифокда ҳам Гегель диалектикасини тушунишни ўрганиш ва пропаганда қилиш бўйича дастлабки жиддий уринишлардан бири эди. Шу жиҳатдан Иброҳим Мўминов амалга оширган ишнинг аҳамияти бекиёсдир.

Илмий ва маданий анъаналари бой Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистон халқларининг фалсафий мероси Иброҳим Мўминовни кўпдан бери қизиқтириб келар эди, бу

янги соҳани илмий тадқиқ этиш фалсафа илмининг ҳали ўрганилмаган, мураккаб, лекин ҳар томонлама чуқур текширилиши зарур бўлган муҳим соҳаларидан бири эди. И.Мўминов бу катта муҳим муаммони чуқур ва атрофлича ўрганиш заминини яратган биринчи олимлар қаторида туради. У 1950 йилда “XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрнинг ривожланиш тарихидан” мавзусида докторлик ишини ёқлади. Ўтмишдаги мутафаккирлар, олимлар меросидаги энг қимматли, энг прогрессив томонларни фан ва халқ мулкига айлантириш, уларнинг номлари ҳамда хизматларини рўёбга чиқариш йўлида И.Мўминов сарфлаган куч-ғайрат кўпгина асарларда ўз аксини топди. Булар орасида “Феодализм даврида Ўрта Осиё халқлари ижтимоий, сиёсий ва фалсафий фикрнинг ривожланиши”, “XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Ўзбекистонда

ижтимоий ва фалсафий фикр тарихидан”, “X асрдан XX асргача Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр ривожланиши тарихи масалаларига доир”, “Ўрта Осиёнинг атоқли мутафаккирлари”, “Беруний ва унинг ижтимоий дунёқараши”, “Алишер Навоий – буюк маърифатпарвар олим”, “Абдурахмон Жомий мутафаккир олим сифатида”, “Фурқат рус маданияти ҳақида”, “Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари” ва бошқа кўпгина асарлар бор.

И.Мўминов маънавиятнинг, фанининг қалити ҳақиқатдир деб ҳисобларди. “Меҳнатсеварлик, ҳалоллик, покизалик, маънавий ва жисмоний соғлиқ, ақлирасолик, ростгўйлик ва ҳақиқатгўйликни севаман ва шундай ҳислатли одамларга зўр эҳтиром билан қарайман”, – дер эди устоз. Илмда ғайратли, чарчашни билмайдиган, доим янгилик кидирувчи И.Мўминовнинг “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида туган ўрни ва роли” асари 1968 йили рус ва ўзбек тилларида нашр этилди.

Иброҳим Мўминов ўзининг бу машҳур асари билан буюк бобоқалонимиз соҳибқирон Амир Темур тўғрисида тўқилган ҳар бир фикру

фасодларга қақшатғич зарба берди, бу улуг сиймо тўғрисидаги бор ҳақиқатни баён этди.

И. Мўминов ўзбеклардан чиққан илк файласуф олимлардан бири сифатида олий ўқув юртларида, айниқса, маҳаллий кадрлар шуғулланадиган билим ўчоқларида фалсафадан дарс бериш сифатини яхшилаш борасида катта ғайрат ва ташаббус кўрсатди. И. Мўминовнинг ташаббуси ва шахсан раҳбарлигида Фалсафани ўқитиш бўйича она тилида бир қатор дарсликлар, қўлланмалар яратилди.

Шогирдлар тайёрлашда И. Мўминов намунали устозлардандир. Унинг илмий раҳбарлигида 20 та докторлик ва 80 тадан ортиқ номзодлик диссертациялари ёқланди.

Атоқли олим фаннинг йирик ташкилотчиси ҳам эди. Унинг ташаббуси билан 1958 йилда ЎзФА ҳузурида Фалсафа ва ҳуқуқ институти ташкил этилди ва унинг биринчи директори ҳам И. Мўминов эди. Уруш туфайли тўхтаб қолган севимли журналимиз "Фан ва турмуш" 1957 йилдан бошлаб қайта тикланди, 1958 йилдан эса "Ўзбекистонда ижтимоий фанлар" академик журнаliga асос солинди. Бу журналга устоз умрининг охирига қадар бош муҳаррирлик қилди.

Маълумки, кўп жилдли Ўзбек комунисининг яратилиши республикамиз маданий ҳаётида буюк воқеа бўлди. Комунисининг яратиш ташкилотчиси ва унинг биринчи бош муҳаррири ҳам буюк аллома И. Мўминов эди.

Иброҳим Мўминовни кўрган ва билганлар у киши катта олим, йирик жамоатчи, матонатли ватанпарвар, пок инсон, ғамхўр дўст, меҳрибон мураббий сифатида ёдда сақлайдилар.

Шомат САМАТОВ,
Термиз Давлат университети
фалсафа кафедрасининг
мудир,
фалсафа фанлари доктори,
профессор.

КИТОБСЕВАР ОШИҚ

(Интермедия)

Йигит: – Кечирасиз, яхши қиз, кутубхонангиз дам олиш кунлари ишлайдими, йўқми?

Қиз: – Ёпиқ бўлади, ўша куни мен ҳам дам оламан.

Йигит: – Унда, агар хўп десангиз, ўзим қишлоқ йигити бўлганим учун отамдан қолган ерларга сайр қилиб, айлантриб келардим, машина бўлса бор?

Қиз: – Ўб-бў, сиз-ей, гапни узоқдан бошламай, истеъдодли ёш ёзувчи Тоғай Муроднинг "Отамдан қолган далалар" романини ўқимоқчиман, деб кўя қолмайсизми! Марҳамат, олинг, кутубхонамизда ўз-ўзига хизмат. 6-қатор 1-жавонда турибди, бу асар яқинда кино ҳам бўлган.

Йигит: – Мени тушунмадингиз, шекилли, дунёнинг ишлари, дегандай...

Қиз: – "Дунёнинг ишлари" ҳам бор. Ўткир Ҳошимов асари. 4-қатор, 2-жавонда.

Йигит: – Азизим, ахир...

Қиз: – Бўлди, тушунарли. Жаҳон адабиёти, Мопассаннинг "Азизим" асари. Ўқинг, жуда ўқимишли. Чет эл бўлими қаторидаги 1-жавон.

Йигит: – Тушунсангиз-чи, ахир, мен сизга чин муҳаббат...

Қиз: – Тугоқманг, бу асар ҳам бор. Ёзувчи Одил Ёқубов, "Чин муҳаббат", 1-қатор, 1-жавонда.

Йигит: – Ўзингиз ўйлаб кўринг, гап инсон тақдири устида кетаяпти...

Қиз: – Тушундим, демак рус адабиёти, Михаил Шолохов асари, "Инсон тақдири". Бу китоб 2-қатор, 1-жавонда.

Йигит: – Сиз ҳазил қилган бўлиб, аслида мени гирдобга ташляпсиз!

Қиз: – Бўлди, бас! Ўктам Усмоновнинг "Гирдоб"и. 3-қатор, 1-жавонда.

Йигит: – Менинг қисматимга бунақа енгил қараманг, сизни ахир...

Қиз: – Бу айтганингиз туркман адабиёти, Хидир Деряевнинг "Қисмат" асари, 2-қатор, 1-жавонда турибди.

Йигит: – Ўйин қилмай кўя қолинг, исмингизни ҳам билиб олганман, - исмингиз Жамила! Йўқ деманг, дам олиш куни...

Қиз: – Чингиз Айтматовнинг "Жамила" қиссасими, у ҳозир бошқа китобхон қўлида, қидириб овора бўлманг!

Йигит: – Сизда диёнат борми ўзи, Жамила?

Қиз: – "Диёнат" бор. Одил Ёқубов асари, 1-қатор, 1-жавонда. "Жамила"ни эса сиздан бошқа китобхон аллақачон олиб кетган, дедимку боя.

Йигит: – Шу гапигизни очиқ-ойдин аввалроқ айтмайсизми, демак, унаштирилган экансиз-да! Мен бўлсам қирқ беш кундан бери кутубхонага келиб-кетиб овораи-сарсон бўлиб юрибман. Айниқса, уйқусиз тунларимни айтмайсизми?

Қиз: – Гапни чўзманг, Саид Аҳмаднинг "Қирқ беш кун"и, қорақалпоқ ёзувчиси Тўлепберган Қаипбергеновнинг "Уйқусиз тунлар"и ҳам бор. Иккала китоб ҳам 1-қатор, 1-жавонда.

Йигит: – Аттанг, кеч қолибман, ўзингиз ҳам кўзга яқин, олмос қизсиз-да!

Қиз: – Ёзувчи Ҳамид Фуломнинг "Олмос қиз" асарини айтаяпсизми, у 1-қатор, 1-жавонда.

Йигит: – Ҳа майли кетдим, агар ҳазиллашиб, мени алдаган бўлсангиз, шу ердан ўтадиган автобуснинг сўнги бекатида тураман, бориб айтарсиз.

Қиз: – Ҳозироқ айта қолай: Шукур Холмирзаев асари. "Сўнги бекат", 1-қатор, 1-жавонда турибди.

Йигит: – Хайр, энди "Ваъда вафоси билан" деган китоб чиққанида келарман.

Қиз: – Майли, ихтиёрингиз. Мен ҳам исмингизни яхши биламан, Фафур ака, хабар олиб тулинг.

Йигит: – Қизик, унда Ҳамзанинг "Бой ила хизматчи"сидаги Жамилани қўлдан бой берган Фафур бўлибман-да!

Қиз: – Билмадим, сиз ҳам ўйлаб кўринг, мен ҳам. Ҳозирча хайр!

(Парда)

Олим ҚҶҶҚОРБЕКОВ.

ЎЛИМГА МАЎКУМ
ЭТИЛГАН СУҚРОТНИНГ
ҲАКАМЛАРГА
ДЕГАНЛАРИ

Менга ақл ўргатиб бўлдилар ҳалак,
Китобларни йўйиб Ҳақнинг Сўзига.
Эшитган сўзлардан қонмади юрак,
Мен боқмоқ истадим

Ҳақнинг кўзига.

Дунёни яхшироқ кўрсин деб кўзи,
Кўзларим тирқишин
йиртди шамоллар.
Бод чалган оёғим етмаган жойга
Қанотида элти мени хаёллар.

Ҳайронлик даштини саросар кезиб,
Ҳайратлар даштидан
Ҳақни изладим.
Имконим занжирин бўлмади узиб,
Ожизлик даштида
йитдим, йиғладим.

Тирикчилик дея домига тортган
Ташвишлар бетиға
нафрат тупурдим.
Кўнглимда мудраган
Ҳақни уйғотмоқ
Илинжида куйиб, елиб югурдим.

Қон ичинда Ҳақни топиб бўлмайди,
Қиличнинг тиглари элтмас бу йўлга.
Зар бирла сотиб ҳам олиб бўлмайди,
Бу йўл бошланади аввал кўнгилда.

Ҳаққа бормаган йўл ҳеч
қайға бормас.
Ҳақ изламаган кўз кўрлигин туйдим.
Куфроний ўйларни занжирбанд
этиб,
Ҳақнинг сандонига бошимни қўйдим.

Йўлимдан урмоқчи бўлса гумонлар,
Гумонлар кўзига қўлимни тиқдим.
Кўнглимда Худони топгунга қадар
Минг бир кўчасига кириб
ҳам чиқдим.

Гаровга берилган омонат жонни
Ҳеч аяб юрмадим, ҳолимни қаранг!
Мўйнали нўстинлар
кийган қишларни
Кечиб бораяпман мен оёқ яланг...

Дайдиган итларни қувганларидек
Нафс итин аямай
кўнглимдан қувдим.
Одамлар сиғинган ишратларига

“Гулистон” девонидан

ҲАЙРАТМАН
КЎЗЛАРИ

Товони қонаган оёғим ювдим.

Кунларимни ушлаб
қолмоқчи бўлдим,
Фурсатлар қочдилар, уруниш абас.
Бу дунё қай этиб меники бўлсин,
Қачонки мен ўзим ўзники эмас?..

Дунёси нимадир? Мансаби нима?
Барининг қиймати менга
бир пулдир.
Ҳеч нарса сўрмадим Яратганимдан,
Топганим, йиққаним,
борим - кўнгилдир.

Сўзларимни этиб мисли уруғлик,
Диллар майдонига қададим, экдим.
Унсин деб сўзимдан дилда ёруғлик,
Ҳосилини кутиб, қайғусин чекдим.

Яратганининг ҳар барғ,
ҳар заррасидан
Ибратлар изладим, ҳикматлар
сўрдим.
Офтобнинг бетама ёнишларида
Яратганининг бизга
даъватин кўрдим.

Иккиюзламалик йўқдир итларда,
Одами не деди, шубҳага олдим.
Одамда топмаган хислатни излаб,
Итларнинг кўнглига
қўлимни солдим.

Борлиқнинг эгаси
камтарин, пинҳон,
Англадим Ҳақиқат пинҳонликдадир.
Кўрғазма, дабдаба, ўткинчи даврон
Оқибат бир куни яксонликдадир.
Ҳазар этмай нуқсон бўлса жисмида,
Камтарин инсонлар ёнида юрдим.
Башанглар, мағрурлар шайтон
измида,

Балодан ҳазар, деб
йироқроқ турдим.

Ўзи билганидан қолмади кўнглим,
Ҳақ сўзни тупурди разил таъбига.
Бу қалтис қадами келтирар ўлим,
Шабнимни ит ғажир
ғийбат лабида.

Сиз кўп пухта ўйлаб
битгансиз қонун,
Аммо қонунларга бўйсунмас юрак.
Ҳар одам амаллаб кун кўрмоқ учун,
Тилини бурдалаб емоғи керак!..

Иймоним комилдир мени ўлдириб,
Мени-мас, сиз ўзни айлайсиз эжазо.
Сизларни гафлатдан уйғотсин, дея,
Сизлар учун мени юборган Худо...

Гафлатдан уйғонсин дея одамлар
Бекорга хўрозлар бўғиз йиртмайди.
Одам-чи, сўяди бу хўрозларни,
Бундан-да ортиқроқ
кўрлик битмайди.

Сиз мени ўлдириб топмассиз
нажот,
Тилингизда инган қарғишлар қолар.
Кўксингизга тигдек
санчилган ҳасада,
Ғажур юракларда оғришлар қолар.

Сиз куйган ғаразнинг
тушмас ҳовури,
Ишқсиз кўзингизда қорлар гуллағай.
Сиз кўзлаган манзил, мансабнинг
тўри
Бу йўлда нафсингиз иймон пуллағай.
Тозани булғашдир касбу корингиз,
Ифлосга қулликда умрингиз ўтар.
Шукрона этмасдан неъматларига,
Меваги дарахтга тошингиз ботар.

ОҶИМЛАТИЖ



Не келса тилимга ваҳийдан келган,
Келганини айтмаслик гуноҳ бўлади.
Мен кўнгил уйининг фарроши эрдим,
Хизматим нечукдир -
Тангри билади.

Билмадим, мен нечук
бандалик қилдим,
Мен битдим. Ғофиллик битмагай
ҳали.

Жавобим не кечар
“Битдими бурчинг?..”
Сўроғин бўйнимга илган маҳали...

Байрамдек бораман бу кун ўлимга,
Ҳайратнинг кўзлари
очилсин кўпроқ.
Ўзимни кўмарман ўзим кўнглимга,
Макон ҳам топмадим
кўнглимдан покроқ...

ЎҒЛИМ УЛУҒБЕККА

Мени тушунмаслар, мен
ҳам дунёнинг
Асл моҳиятин англай олмадим.
Не ишга қўл урсам таваккал бўлди,
Кўнглимдан ўзга йўл
танлай олмадим.

Алданиб қолибман ёш бола мисол
Баҳорни тутсалар менинг қўлимга.
Баҳори меники, дея ўйласам,
Хазонлар сочиқдир бу кун йўлимда.

Мени кўп койирлар, ўргатурлар кўп,
Аҳволимни кўриб куярмиш бағир.
Сиз чизган чизиқдан
чиқмагайман, хўп,
Сиз бўлиб қоламан унда мен, ахир.
Кечагина синфда дарсларни мендан
Кўчирган синфдошим
ўзиб кетганмиш.
Энди-чи ҳаётнинг олди-бердисин

Ундан кўчирмоқлик
пайти етганмиш.

Рўзғорнинг етишмас масаласини
Ечолмай, қийналиб
қотганда бошим,
Сен кириб келасан нигоҳлари пок,
Вақт ҳали бузмаган содда ювошим.

Ғамимга парвонг йўқ,
кулиб турасан,
Самимий кўзлардан таратиб зиё.
Кўзларимга шунда ёришиб кетар
Мени тушунмасдан турган бу дунё.

Ўғлим, сен кулгингда бўлавер ҳотам,
Беҳуда куймоқни мен
ҳам ташлайман.
Бу жумбоқ дунёни тушунмасам ҳам
Сенингдек дунёга кула бошлайман.

Кимдир битар ақлли шеърлар,
Мисраларга насиҳат қалаб.
Бироқ мен-чи далли девона,
Шеърларим ҳам даллидир, ё Раб!..
Ахир, далли бўлмасам эди,
Истармидим меҳрибон оғуш.
Вафосизлик тиғида яшаб,
Садоқатни кўрармидим туш.

Одам зоти нафсга айланган,
Дунёни еб тўймас жигилдон.
Мен-чи ундан изласам инсоф,
Мен-чи ундан изласам виждон?..

Ахир, далли бўлмасам эди,
Куюк дилдан сўзлармидим мен.
Баҳорларнинг кокилин тутиб,
“Кетма”, дея бўзлармидим мен..

Кўнгилларнинг эшигин қоқиб,
Меҳр тилаб олганда ёлғон,
Ёлғонлигин билмай, англамай,
Ёлғон учун тикармидим жон.

Ахир, далли бўлмасам эди,
Соғинчларни этармидим оқ.
Ҳижронларни майдек сипқориб,
Айрилиққа тутиниб ўртоқ.

Буюк ташбеҳ, буюк бир байрам
Тўлдирса юрт бозорларини,
Мен-чи кафтда кўтариб чиқсам
Юрагимнинг озорларини.

Ахир, далли бўлмасам эди,
Ёнармидим, тошармидим мен.
Бу ҳаётнинг сафоси қолиб,
Оғриқларда яшармидим мен.



ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАСИН



Тахририятимизга Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Тулаби жамоа хўжалиги, Жомий кўчасидаги 9-уйда истиқомат қилувчи Муборак Тўйқуловадан келган хат юзасидан журналистик текширув олиб борилаётганда Президентимиз Самарқанд ва Навоий вилоятлари Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқлари матбуотда эълон қилинди. Президентимизнинг сўзлари М.Тўйқулованинг дардини енгиллатадигандай туюлди бизга. Шу муносабат билан тахририят уч йилдан буён очилмай келаётган бир жиноятнинг баёнини ўқувчилар диққатига ҳавола қилади.

Президентимиз халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида иқтисодиётда юксак самарадорликка эришиш, жамиятда қонун устуворлиги, демократик тамойилларни қарор топтириш, халқ учун фаровон турмуш шароити яратиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий вазифаси эканлигини таъкидлади. Шу билан бирга вилоятда қарор топган айрим ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни яшириш, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, ижтимоий адолатсизлик, халқ дардига бепарволик ва ҳоказо камчилик ҳамда хатолар очиқ-ойдин танқид қилинди.

Президентимиз Самарқанд вилояти мисолида жиноятчилик, айниқса, унинг уюшган, ўта хавфли турларига қарши курашнинг аҳволи бугунги талабларга жавоб бераётганининг асл сабабларини очиб ташлади. “Бу нима деган гап? — деди Ислоҳ Каримов. — Ҳуқуқ посбонларининг ўзи гаразғўй, тамагир, товламачи бўлса, халқ дардини кимга айтади? Ҳақиқатни, адолатни қаердан изласин?”

Президентимиз турли даражадаги раҳбарлар, ҳуқуқтартибот органлари ходимларига қарата: “Барака топкурлар, эл-юртдан ажралманглар, уларнинг кўзига-юзига қаранглар, аҳволдан хабардор бўлиб, инсоф, диёнат чегарасидан чиқманглар. Акс ҳолда оқибати ёмон бўлиши муқаррар!” деди уларни огоҳлантириб.

И.А.Каримов халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида оёғи ердан узилиб қолган раҳбарлар, ички ишлар, прокуратура ходимларининг жиноятчиликка қарши кескин кураш олиб бормаётганлари, кўпгина жиноят ва қотилликлар очилмай қолаётгани ҳақида эслатиб ўтди: ҳуқуқни, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш асосий вазифа ҳамда бурчи ҳисобланган ташкилот, шахслар ўз вазифасини виждонан бажариш ўрнига жиноятлар ҳақидаги ариза ва шикоятларни қабул қилмаслик, жиноятлар сонини ҳисобдан яшириш йўлига ўтиб олишган. Уюшган жиноятчиликнинг, коррупциянинг чуқур илдиз отгани ва бу ҳолнинг жамият ҳаётига таҳдид солаётгани сабабли унга кескин чек қўйиш ва зарба бериш ўқтирилди.

Президентимизнинг юқоридаги фикр-мулоҳазалари

ва кўрсатмалари барча раҳбарлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари олдига жуда катта масъулият ҳамда вазифалар юклайди. Инсон, унинг ҳаёти билан шуғулланувчи шахсларнинг виждони ва имони масаласи ҳозирги кунда долзарб муаммо бўлиб қолди. Чунки уларнинг ҳалол, пок ҳамда одилона ишлари туфайли одамларда жамиятимизга, мафкурамиз ва идеалларимизга ишонч кучаяди, нопок, лоқайд хатти-ҳаракатлар эса одамлар орасида норозилик аломатларини кучайтиради. Биз қуйида ҳикоя қилиб берадиган, табиий ва сунъий равишда изи йўқолиб бораётган воқеанинг илдизи ҳам ҳуқуқ ҳимоячиларининг фаолиятидаги нўноқликка ва пала-партишликка бориб тақалади.

Жиноятчилар, қотиллар, товламачилар, фирибгарлар ва порахўрларни қидириш, қўлга тушириш ва жазолаш билан боғлиқ ҳодисалар жуда кўп. Терговчилар, халқ посбонлари жиноят ва жиноятчиларни қанчалик тез аниқлаш ҳамда жазолаш йўллари қидирсалар, ҳаром йўлга кирган, кўзига қон қуйилган гуруҳлар ҳам туну кун ўз қабиҳ ишлари изларини йўқотиш чора-тадбирларини шунчалик мукамал билишга ва топишга ҳаракат қилмоқдалар. XX аср бошқа оламшумул воқеалар қатори жиноятчиликнинг нозик тўрларини тўқиди, бу тўрларга покдомон одамлардан қанча-қанчаси илиниб, топган молдан, иссиқ жонидан жудо бўлмоқдалар. Жиноятчилар ва қотиллар ўз қилмишлари бўйича “дипломли мутахассис”ларга айланиб қолганлар.

Шундай тергов ҳамда суд натижалари борки, улар билан танишиб чиқиб, ёқа ушлашдан нарига ўтолмай қоласан, киши: ҳеч қачон аниқлаб бўлмайди деган жиноятлар тергов ва қидирув ходимларининг чинакам хатти-ҳаракатлари, ўз вазифа ҳамда бурчларига ижодкорона муносабатлари туфайли очилмоқда, ўзларини инсон ва жамиятга нисбатан тескари қўйган гуруҳлар, шахслар охир-оқибатда фош этилмоқда.

Жиноятнинг тури қанчалик кўп бўлса, уларни очишнинг йўли ҳам шунчалик кўп экан. Афеусланарли жойи шундаки, очилай деб қолган баъзи жиноятлар бирдан ёпилиб қолади. Нега, нима учун деган саволларга жавоб топиш қийин бўлмоқда.

Жиноятни тез очиш ҳам, уни хаспўшлаб кетиш ҳам,

ёпиб юбориш ҳам ҳозирги пайтда виждон ишига айланадиган қолди. Шунинг учун Президентимиз ички ишлар ходимлари, терговчи ва прокурорлардан ўта масъулият ҳамда ўз ишига виждонан ёндашишни, ҳар бир ишда инсон, халқ, Ватан манфаати туриши кераклигини, жиноятчи, порахўр ёки қотил албатта жазоланиши лозим эканлигини таъкидладилар.

Ҳаёт — мураккаб деб бекорга айтмайдилар. Гоҳо кўриниб турган нарсаларни кўра билмаслик ёки кўришни истамаслик, аниқ нарсани сунъий чалкаштириш ва сарсон-саргардонликка солиш, одамларнинг асаби устида ўйнаш, пировардида кимнинг қўли узун бўлса унинг тили ҳам узун бўлиб қолиш ҳоллари учрамоқда. Дастлабки тергов жараёнига жуда кўп нарсаси боғлиқ. Тергов, қидирув ишларини ҳалол ва тезкорлик билан олиб бориш ўта мураккаб ҳамда нозик бўлиб, ҳатто усталлик билан ниқобланган жиноятларни ҳам ўз вақтида очишга имкон беради.

Дастлабки терговда қанчалик лоқайдлик ва сусткашлик қилинса, иш шунчалик чигаллашиб, жиноят излари йўқолиб боради. Бундай шароитда терговчидан битта нарсаси — ҳалоллик, поклик ва виждон амри — ҳақиқат талаб қилинади.

Биз куйида ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа ҳам Тошкент вилояти, Тошкент тумани прокуратура, ички ишлар ходимларининг дўппини олиб қўйиб бир ўйлаб кўришларини тақозо этади. Наҳотки бир инсон ўлдириб юборилсаю, қатор-қатор далиллар, воқеалар ва шахслар бу воқеага дахлдор сифатида тилга олинсаю, қотиллар ҳамон ялло қилиб юришаверса?

Воқеа бундай бўлган: 1995 йил 29 дан 30 октябрга ўтар кечаси, тахминан кечаси соат 2 ларда Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Тулаби жамоа хўжалигининг Жомий кўчаси, 9-уйда истиқомат қилувчи, 1930 йили туғилган Далабой Тўйқулов ўз уйида учта номаълум шахслар томонидан бўғиб ўлдирилади. Далабой ака 10 ёшли невараси билан уйда ухлаб ётарди. Ниқоб кийган кишилар кириб Далабой аканинг қўл-оёқларини боғлаб, пул ва қимматбаҳо буюмлар талаб қилишади. Уй эгасидан ҳеч нарсани ундира олмагач, унинг оғзини лейкопластир билан елимлаб, бўғиб ўлдиришган. Қотиллар Далабой акани ўлдириб, уйни тинтув қилишаётганда уйғониб қолган 10 ёшли Файзулладан “Дадангни пуллари қаерда?” деб сўрайдилар. Ёш боланинг ҳам оёқ-қўлларини арқон билан боғлаб, оғзига лейкопластир ёпиштириб, устига кўрпа-тўшакларни ташлаб чиқиб кетадилар. Кўрпа-ёстиқ остидаги Файзулла тобора димиқиб боришига қарамай, бир амаллаб қўлини бўшатиб, лейкопластирни олиб ташлайдию, оёқларини еча олмайди. Судралиб ташқарига чиқади, бошқа хонадаги дадаси уйғониб қолади ва қайтиб буваси ётган хонага киришганда Далабой акани ўлик ҳолда кўрадилар.

Қотиллик ана шундай содир бўлган.

Шу муносабат билан Тошкент тумани прокуратурасида 1995 йил 29 октябрда жиноят иши очилган. Дастлабки тергов А.Сатторовга топширилган. Гумон қилинган шахслар, ашёвий далиллар бўлишига қарамай, палатпартиш иш олиб борилган тергов натижасида жиноятчилар аниқланмай, иш 1995 йил 28 декабрда ёпилади. Тошкент вилоят прокуратураси тергов бошқармаси прокурори Б. Мирмахмудов қарорига биноан А.Сатторовнинг тергов ҳаракатларини вақтинча тўхтатиш ҳақидаги қарори “шошма-шошарлик билан қабул қилинган” деб бекор қилинади.

Яна тергов ишларини А.Сатторов олиб боради. 1996 йил 2 мартда у жиноят изларини номигагина тергов қилиб, ишни ҳаракатдан тўхтатади. 1996 йил 2 апрелда А.Сатторовнинг қарорини Тошкент вилояти прокуратураси яна бекор қилади. Қарорда “Жиноят иши юзасидан яна терговчи Сатторов томонидан малакасиз тергов ҳаракатлари олиб борилиб, вилоят прокуратура-

си томонидан берилган кўрсатма тўлиқ бажарилмай, жиноятни очишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилмай шошма-шошарлик билан 02.03.96. йил куни жиноят иши асосиз равишда ҳаракатдан тўхтатилган” дейилган.

А.Сатторов яна терговни давом эттиради. Бу даврда, яъни Далабой ака ўлимидан кейин Сариевнинг уч киши ниқоб кийиб бировнинг уйига кириб жиноят қилгани маълум бўлади.

А.Сатторов 1996 йил 15 майда жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатиш ҳақида яна қарор қабул қилади. Бу қарор ҳам 1996 йил 27 майда бекор қилиниб, бу иш Тошкент вилояти прокуратураси махсус ишлар бўйича терговчи С.Т.Маҳаматқуловга топширилади. С.Маҳаматқулов анча ишлар қилади. Бироқ у бошқа жиноят ишлари билан бандлиги туфайли жиноят иши яна 1996 йил 27 июлда ҳаракатдан тўхтатилади.

1996 йил 20 августда жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатиш ҳақидаги қарор яна бекор қилинади. Терговни яна А.Сатторов олиб боради. У 1996 йил 26 сентябрда жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилади. Бу қарор 1997 йил 7 майда яна бекор қилиниб, Тошкент вилояти прокурор ўринбосари Ш.Н.Мухамедов томонидан Тошкент тумани прокурорига қуйидаги хат юборилади: “Жиноий ишни ўрганиш шуни кўрсатдики, жиноятнинг оғирлигига ва ижтимоий хавфлилигига қарамай, тергов саводсизларча, сифатсиз, ниҳоятда юзаки олиб борилган. Сўроқлар А.Сатторов томонидан ўта расмийлик билан олиб борилган, мақсадга мувофиқ тарзда эмас”.

1997 йил 16 майда иш М.С.Норхўжаевга топширилади.

Бир ойдан сўнг М.Норхўжаев ҳам жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилади. Бу қарор 1997 йил 26 июнда яна бекор қилинади. Ишни энди С.Т.Маҳаматқулов ва М.С.Норхўжаевлар олиб боришади. С.Маҳаматқулов терговларида анча нарсаси ойдинлашиб қолса ҳам иш яна 1997 йил 27 июлда тўхтатилади.

1997 йил 2 августда жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатиш ҳақидаги қарор бекор қилиниб, ишни охирига етказиш яна Тошкент тумани прокуратурасига қайтарилади. 1998 йил 29 сентябрда Тошкент тумани прокурори Х.А.Инояттов Тошкент тумани ИИБ бошлиғи Р.И.Исроиловга “Алоҳида топшириқ” йўллаган ва шу билан иш тамом!!

Тергов материалларидан маълумки, С.Маҳаматқулов ишга жиддий ёндашган ва мақсадга анча яқинлашиб қолган, унинг гапига қараганда “Иш чигал, оғир, аммо очса бўлади, бунинг учун битта иш билан охиригача машғул бўлиб, Ўзбекистон ва Қозоғистон тергов-қидирув гуруҳлари ҳаракатларини бирлаштирмоқ зарур.”

Юқоридаги жиноятни фош этишга бўлган ҳаракатлар ҳамда бу ҳаракатларни тўхтатиш ва яна давом эттириш ҳақидаги кетмакет қарорлар, тергов жараёнининг саводсизларча сифатсиз ва самарасиз олиб борилиши ишга тиркалган сўроқ ҳужжатларидан кўриниб турибди.

Қотиллик иштирокчилари ўтган 3 йил ичида яна қанчадан-қанча жиноий ишларни қилмаган деб ким кафолат беради?

Юқорида келтирилган биттагина мисолнинг ўзи шуни кўрсатадики, Президентимиз айтганларидай, жиноятчилик, айниқса, унинг уюшган, ўта хавфли турларига қарши курашнинг аҳволи бугун қўйилмаётган талабларга жавоб бермаётганидан дарак беради.

Ўзбекистон ИИБ, республика прокуратураси, Тошкент вилояти, айниқса, Тошкент тумани прокуратураси, ИИБ ходимлари буни жиддий ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмас эди.

Биз журналистик текширув ишларини давом эттираверамиз ва, ўз навбатида, масъул идоралардан ушбу иш юзасидан кўрилаётган амалий чора-тадбирлар ҳақида журнал таҳририятига аниқ маълумотлар юборишларини сўраймиз.

Т.МИРЗААҲМЕДОВ.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистонда маърифатпарварлик ҳаракати сифатида майдонга чиқа бошлаган ва кучли тўлқин каби кучайиб борган жаҳидчилик мустамлака даврида маҳаллий халқлар ҳаётида юз берган ўзгаришларни ўзида акс эттиради.

Мустамлака маъмурияти бор кучи билан Туркистонда эски феодал тартиблари ва муносабатларини сақлаб қолиш, маҳаллий халқларга илм-маърифат бермасликка ҳаракат қилган эди. Шунинг орақисида XX аср бошига келиб мафкура майдонида маҳаллий халқларнинг маданий савиясини ошириш, уларга илм-маърифат бериш, шу йўл билан уларнинг онгини ўзгаришириш, мустамлака зулмига қарши кўтариш, истикломга эришиш ғоялари куртак ота бошлайди. Туркистонда бу ҳаракат маърифатпарварлик, тараққийпарварлик ёки жаҳидизм деб аталади.

Маърифатпарварларнинг ижодий фаолиятида театр санъати ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Саҳна санъатининг ижтимоий ва маърифий фикрларини жонлантириб, одамларнинг ақл кўзини очиш, бадиий дидини ўстириш, ижтимоий фаолиятини юксалтириш, шу йўл билан эл қалбида ватанпарварлик туйғуларини камол топтиришдаги имкониятини маърифатпарварлар яхши тушунар эдилар. Шу боис янги ўзбек театрини яратишга жадал киришдилар. Бунда халқнинг асрлар бўйи яратган бадиий маданият аъёналарини ишга солиш ва давр талабига монанд ривожлантириш муҳимлигини унутмадилар. Шу билан бирга рус, озарбайжон, татар театрлари тажрибаларидан ҳам унумли фойдаландилар.

Янги ўзбек театри яратиш йўлида қўйилган дастлабки қадамлар осонлик билан ўтмади, албатта. Биринчидан, моддий имкониятлар, ихтисосли саҳна мутахассислари, ёзма драматургия йўқ эди. Иккинчидан, мутаассиб руҳонийлар янги театрга тиш-тирноқлари билан қарши турдилар, таъқиқланишини талаб қилдилар. Айниқса, аёлларнинг саҳнага чиқиши масаласи қора гуруҳларнинг қатъий қаршилигига дуч келди. Янги театр ташаббускорлари мана шундай кайфиятларга қарши кураш олиб бордилар.

1911 йилда дастлабки ёзма саҳна асарлари яратилди. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг "Падаркуш ёки ўқимаган боланинг ҳоли", Абдурауф Самадовнинг "Махрамлар" ва Фитратнинг "Бир фаранги билан бухоролик бир мудариснинг қилган мунозаралари" деган пьесалари шу жумладандир.

Биринчи театр ҳаваскорлари тўдаси 1913 йил охирида Самарқандда М.Бехбудий ташаббуси билан ташкил топган. Театрнинг пардаси 1914 йилнинг 15 январиди "Падаркуш" пьесаси билан очилади. Спектаклни озарбайжонлик режиссёр Али Аскар Аскарлов саҳналаштиради. Шу кунни татарчадан таржима қилинган "Алдадик ва алдандик" комедиясини ҳам кўрсатадилар. Парда орқаларида машҳур ҳофиз Ҳожи Абдулазиз ашула айтиб туради.

Спектакль янги шаҳардаги "Халқ уйи" биносидида кўрсатилади. Томошабин жуда кўп келганини "Ойна" журналида босилган тақриздан билиш мумкин.

Ўша 1914 йили Тошкентда Абдулла Авлоний тузган театр тўдаси ҳайъати Низомиддин Хўжаев, Бадриддин Аъломов, Шокиржон Раҳимий, Муҳаммаджон Пошшахўжаев, Абдураҳмон Акбаров, Қудратулло Мағзум ва бошқалардан иборат бўлади, 1916 йилда уларга Маннон Уйғур, Фулом Зафарий, Сулаймон Хўжаевлар қўшилган. Улар ортидан эргашиб биринчи актриса Маъсума Қориева (Саъдия) кириб келган.

Мазкур тўда ҳам ўз ишини 1914 йилнинг 27 февралиди Колизей театри биносидида "Падаркуш" драматини кўрсатиш билан бошлайди.

Шу кечада озарбайжончадан таржима қилинган "Хўр-хўр" комедияси ҳам

ган одамлар деб ҳаёл қилади", – деб ёзади.

"Падаркуш" драматини Самарқанд ва Тошкент ҳаваскорлари томонидан Туркистоннинг кўпгина шаҳарларида намойиш этилиб, маҳаллий халқлар орасиди янги театр санъатини тарғиб қилди, миллий драматургия ва театрнинг аста-секин ривожланишига туртки берди.

Бинобарин, 1914 йил Оврупа шаклидаги янги ўзбек театрининг туғилган йилидир.

XX асрдаги ўзбек театрини тузумлар бўйича алоҳида-алоҳида ўрганишнинг хато деб биламиз. Ижтимоий, сиёсий, иқтисодий шароитлар қанча фарқ қилмасин, янги ўзбек театрининг тарихини яхлит тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Шу пайтгача театр соҳасиди яхши деб келинган нарса ёмон, оқ деб

Муҳсин ҚОДИРОВ

ТЕАТРСМЮСТИК
МУАММОЛАРИ



ўйналган. Томоша бошланиши олди-дан атоқли маърифатчи Мунаввар қори оташин нутқ сўзлаган. "Театр саҳнаси ҳар тарафи ойнабанд қилинган бир уйга ўхшайдики, унга ҳар ким кирса ўзини ҳусн ва қобилини, айб ва нуқсонини кўриб ибрат олур...", – деган у ўша нутқида.

"Падаркуш" спектакли кўпларни, ҳатто Н.Остроумовдай мустамлака побонини ҳам ҳайратга солади. У ўз тақризида "Шу даражада яхши ўхшатдиларки, ҳар хил театрни кўриб, театр ишига омил кишилар ҳам буларни янги ўрганганларига ишонмай, балки булар бир неча йил Европада машқ қил-

ўйланган нарса қора бўлиб чиқмоқда. Мана шу хатоларни тuzатиш пайти келди. Тарихни қайта холис баҳолаш ва бундан кейин янглишмаслик учун тўғри дастур ва тамойиллар, яъни бор ҳақиқатни рўёбга чиқара оладиган илмий методологияга таяниб иш кўриш мақсадга мувофиқдир.

Илгариги синфийлик, коммунистик ғоявийлик, партиявийлик, икки маданият ғояси, социалистик реализм каби дастурларга таяниб бўлмаслиги аён. Бизнингча, театр тарихини ўрганишда энди қуйидаги дастур ва тамойиллар иш бериши мумкин: бадиийлик, услубий ранг-баранглик, халқчиллик, тари

хийлик ва истиқлол мафкурасига асосланиш тамойиллари.

Театр тарихини ҳар томонлама ҳолис ва ҳаққоний ёритишда тўғри даврлаштириш ғоятда муҳимдир. Шу пайтгача адабиёт ва санъат тарихи компартия анжуманлари бўйича, жуда нари борса, жамият ҳаётида рўй берган муҳим воқеалар, саналар бўйича даврлаштириб келинди, совет даври мозийдан узиб олиб фавқулудда муҳим тарихий давр сифатида қаралди.

Даврлаштиришда янги ўзбек театрини XX аср давомида бир-бутун тарзда тасаввур этишни тавсия этамиз. Бунда ҳар бири бир неча босқичдан ташкил топган учта катта тарихий давр яққол кўзга ташланади.

Биринчи давр – Маърифатпарварлик театри. Бизнингча, бу даврни октябрь воқеаларигача бўлган йиллар билан чегаралаб бўлмайди. Октябр тўнхариши сиёсий тузумни ўзгартириб, маданият соҳасига ҳам кўпгина янгиликлар олиб келган бўлса-да, бироқ театр санъатида то 20-йиллар охиригача ўша аср бошидаги маърифатпарварлик ғояларини тарғиб этиш давом этди, сахна томошаларида дидактика, тарғибот-ташвиқот шакл ва воситалари устуворлик қилди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Маннон Уйғур, Фитрат ва бошқаларнинг совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги фаолиятларини уларнинг Бехбудий ҳаракати билан боғланиб кетган октябр арафасидаги ишларининг давоми деб қараш мантиклидир. Шундай бўлса-да, бу даврни икки босқичга бўлиб тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Биринчи босқич - Бехбудийнинг "Падаркуш" пьесасининг яратилишидан тортиб то Самарқанд, Тошкент ва Қўқонда биринчи малакали театр труппалари тузилишигача бўлган йилларни (1911-1918) ўз ичига олади. Бу босқичда театрчилик ҳаракатларида Абдулла Авлоний, Фитрат, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Абдулла Бадрий Бехбудийга ҳамнафас бўлдилар.

1918-1927 йиллардан иборат иккинчи босқичда маърифатпарварлар томонидан ташкил этилган театр тўдаларининг аста-секин малакалари ошиб, ҳаваскорликдан давлат театрларига айланиши билан тавсифланади. Бу жараёнда истеъодли ўзбек йигит ва қизларининг, бирмунча тажрибали ҳаваскорларнинг Москва ва Бокуда ўқиши катта аҳамият касб этади. Айниқса, Ҳамза, Маннон Уйғур, Фулом Зафарий, Фози Юнус, Чўлпон, Хуршид драматургия, Чўлпон, Мирмулла Шермуҳаммад, Сотти Ҳусайннинг танқидчилик фаолияти янги ўзбек театрининг камол топишида муҳим бўлади.

Иккинчи даврни совет мафкураси ҳукмронлиги даври деб аташ мумкин. Давр 1927-1974 йилларни ўз ичига олади ва у уч босқичдан иборат.

Биринчи босқич (1927-1941) асосан театрлар фаолиятида совет мафкурасини чуқурроқ сингдириш билан белгиланади. Қишлоқ хўжалигида яқка деҳқончилик ўрнида жамоа хўжалик-

лари тузиш, ёт унсурларга қарши кучраш мавзулари етакчилик қилади. Аммо янги театрларнинг ташкил топиши, мусикали драманинг алоҳида театр сифатида ажралиб чиқиши, Шекспирнинг "Ҳамлет" ва "Отелло" трагедиялари сахнавий талқинларида қўлга киритилган ютуқлар, мафкура таъсири қанча кучли бўлмасин, ўзбек театрининг ижодий жиҳатдан камолотга эришганидан далолат беради.

Уруш йилларида (иккинчи босқич) "Муқанна" (Ҳамид Олимжон асари), "Жалолитдин Мангуберди" (Шайхзода), каби тарихий драмалар муҳим аҳамиятга эга бўлди, қаҳрамон-романтик ижро услуби етакчилик қилди.

1946-1975 йиллардан иборат учинчи босқичда театр санъати мураккаб ижодий жараёнларни ўз бошидан кечирди. Урушдан кейинги дастлабки йилларда мафкура таъсири анада кучайди, ҳар хил қарорлар ижодкорларни гангитиб қўйди. Бироқ шахсга сифинининг қораланиши туфайли биров вақт эркинлик шабадаси эсиб, сахна ижодкорлари ҳам эркин нафас ола бошлайдилар. Театр санъатига янги авлод кириб келади. Режиссура ва актёр ижрочилигида изланишлар бошланади, халқ санъати, анъаналарига эътибор кучаяди. Шу билан бир қаторда театрлар репертуарида тарихий-инқилобий мавзу, социалистик ҳамдўстликни, халқлар дўстлиги ва байналмилаллик ғояларини улғулловчи рус ва бошқа тиллардан таржима қилинган асарлар етакчилик қилади. Театр санъати тобора сиёсий тус ола боради. Мусикали драмани овруполаштириш бўйича ўтказилган тажрибалар муваффақиятсизликка учрайди. Айни чоғда театр жамоалари трагедия ва комедия жанрларида, шарқ мавзусини акс эттиришда, баъзи мусикали драмаларни сахналаштиришда (масалан, Муқимий номидаги театрнинг "Нурхон" спектакли) ютуқларни қўлга киритадилар. Бунда драматурглардан К.Яшин, Уйғун, М.Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Иззат Султон, режиссёрлардан Маннон Уйғур, Етим Бобононов, Тошхўжа Хўжаев, Музаффар Мухамедов, Раззоқ Ҳамроев, актёрлардан Аброр Ҳидоятлов, Олим Хўжаев, Шукур Бурхоннов, Сора Эшонтўраева, Лутфихон Саримсоқова, Аббос Бакиров ва бошқа ўнлаб сахна усталарининг хизмати улқандир. Айнан ана шу устозлар ўз ижодлари билан мафкура ва сиёсат занжирларини узиб, ўзбек театрини Оврупога сажда қилиш, шакл ва услублар бир хиллиги хавфидан сақлаб, миллий ўзига хосликни, миллий анъаналарни ўзлаштиришни кучайтирдилар.

Ниҳоят, учинчи давр (1975-1992) миллий театрни тиклаш даври бўлиб, у икки босқичдан иборатдир. Биринчи босқичда театрларга бир гуруҳ ёш режиссёрлар кириб келиб, яхши мавзулар излаш, ҳаёт ҳақиқатини ёритишда миллий воситалар топиш учун дадил ҳаракат қила бошлайдилар. Ўша вақтдаги Ҳамза номидаги академик

драма театрининг бош режиссёри Баҳодир Йўлдошев бу ҳаракатда етакчилик қилади. Вилоятларда М.Толипов (Самарқанд), М.Равшанов (Термиз), К.Йўлдошев (Наманган), Н.Отабоев (Фарғона), И.Ниёзметов (Урганч) ижодий фаоллик кўрсатадилар. Мусикали драма соҳасида изланишлар кўзга ташланади, шу билан бирга йўқотишлар ҳам рўй беради.

Иккинчи босқич 1985 йилдан бошланган. Ошкоралик ва жамиятни демократлаштириш бўйича ташланган дастлабки қадамлар драматурглар ва театр жамоалари ҳаётида ҳам ўз аксини топди. Давлат театрлари аста-секин ўз ижодлари ва томошабинларга хизмат қилишда мустақиллик йўлига ўта бошлади. Бир пайтлар қатағон қилинган ёзувчилар ижодининг батамом оқлиниши туфайли Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирийнинг баъзи асарлари сахналарда тикланади. Фитратнинг "Абулфайзхон" драмаси Қарши ва Бухоро театрларида сахналаштирилади. Узок йиллар таъқиқлаб келинган мавзуларга йўл очилиб, Амир Темури, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) ҳақида сахна асарлари яратилади. Тарихий мавзуга эътибор кучаяди. Замонавий мавзуларни ишлашда аввалида ҳаётдаги кўзга ташланиб турган камчиликлар фош қилинади, кейин ҳаётини воқе-лик чуқурроқ тадқиқ этила бошланади. Юсуфжон Шакаржонов номи берилган Фарғона вилоят театрида яратилган "Темир хотин" (Ш.Бошбеков асари, режиссёр О.Салимов) спектакли ана шундай ҳаётни бадиий тадқиқ этиш маҳсулидир. Республика ва Марказий Осиё минтақаси бўйича 1987 йилдан бери ўтказиб келинган турли фестиваллар сахна ижодкорларини руҳлантирди, айниқса, миллий услуб ва тасвирий воситалар бўйича олиб борилган ижодий изланишларни кучайтирди.

Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилиниши (1991 йил 1 сентябрь) туфайли маданият, жумладан театр санъатимиз тараққиётида янги давр бошланади.

Миллийлик ва халқчилликни кучайтириш, анъанавий санъат воситаларини кенг ишга солиш театр санъатимиз истиқболлини белгилловчи дастуриламал бўлиб қолади, шу билан бирга театримиз ўз миллий қобигига ўралиб қолмасдан, Фарб, айниқса, Шарқ санъатининг энг яхши тажрибаларидан таъсирланиб бораверади.

Янги ўзбек театри 1999 йил 27 февралда 85 ёшга тўлади. Мана шу тарихан қисқа давр ичида у катта йўлни босиб ўтди. Айтилганидек, бу йўлда ижодий зафарлар ва қувончлар ҳам, машъум хатолар, йўқотишлар ва фожиалар ҳам бўлди.

ҲИНДИСТОНДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ

Ҳиндистон инсониятнинг энг қадимий маданият ўчоқларидан биридир. Бу кўҳна диёрни Беруний бобомиз севиб ўрганган, Бобур ва бобурийлар сулоласи унга меҳр қўйиб, ардоқлаб яшаганлар. Тарихдан маълумки, ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасида дўстлик ришталари қадимдан узвий боғланган бўлиб, бу икки халқ ҳамisha бир-бирлари томон самимий интилиб келганлар. Шу боис бу икки мамлакатнинг санъати, маданияти, илм-фани, фалсафаси, маънавий қадриятлари, таълимида муштарак томонлар жуда кўп.

Ҳиндистон 1947 йилда қарийб 200 йиллик инглиз мустамакчилигидан озод бўлиб, мустақилликка эришди. Мустақилликни тиклаш, кун тартибда турган энг муҳим вазифаларни амалга ошириш, ҳар соҳада чуқур ислохотлар ўтказиш улкан қийинчиликлар билан бошланди.

Мамлакат таълим тизимини қайта ташкил этиш ва унинг асосий мазмуни ва йўналишини белгилашда Махатма Ганди томонидан ишлаб чиқилган “Наи таълим” (“Янгича таълим”) принциплари асос бўлди.

Маълумки, М.Ганди 1937 йили “Харижан” журналида таълимга оид мақолалар чоп эттирди. У ўз мақолаларида, жумладан қуйидагиларни ёзган эди: “Маълумот деганда мен умуман инсонда, болада энг яхши сифатларини юзага чиқишини тушунаман. Тана, ақл, руҳ... Саводли бўлиш – бу ҳали маълумотли бўлиш эмас. Шунинг учун мен маълумотни бирон-бир фойдали ҳунарга ўргатишдан бошлардим... Таълимни она тилида олиб бориш керак, у ёки бу ҳунарга ўргатиш эса назарий билимларни эгаллашда ёрдам бериши керак. Меҳнат маълумотнинг асосий негизини ташкил этади. Ўқувчилар дини, кастаси, синфидан қатъи назар меҳнат қиладилар. Бу эса Ҳиндистонни қашшоқлик ва қолоқликдан олиб чиқишга ёрдам беради”.

Ҳиндистоннинг М.Ганди бошлиқ миллий раҳбарлари бепул ва мажбу-

рий таълимни жорий этиш ҳамда барча жамоат аъзоларининг бир текис таълим олиш имконига эга бўлиши жамият демократлашувининг муҳим шартларидан бири деб ҳисобладилар.

Шу муносабат билан мамлакатда таълим системасини баҳолаш ва илмий мустақиллик шароитида уни ривожлантириш йўналишини ишлаб чиқиш учун турли даражадаги комитет ва комиссиялар тузилди. Бу комиссия ва комитетларнинг тавсия ҳамда йўлланмалари асосида таълимни ислох қилишга оид турли қонунлар қабул қилинди. Буларда ўша даврда миллий тараққиёт вакилларининг фикрлари ўз аксини топган эди. Улар таълимда ижтимоий ва иқтисодий бирликнинг аҳамиятини ҳамда халқ таълимини тубдан ўзгартириш заруригини эътироф этиб тавсиялар берган эдилар.

Мустақилликдан сўнг 1950 йилда қабул қилинган Конституцияда ҳинд жамоатчилигининг таълимга

оид қуйидаги фикри ўз аксини топган эди:

– таълимни тубдан ислох қилишнинг зарурилиги;

– халқ таълими масшабини кенгайтириш;

– профессионал тайёргарликни йўлга қўйиш;

– жамиятни демократлаштиришнинг муҳим шarti – бепул ўқитиш ва мажбурий таълимни амалга ошириш;

– профессионал таълим системасини ҳар томонлама ривожлантириш йўли билан хўжалик ривожини тезлаштириш ва мамлакатнинг техникавий ҳамда иқтисодий мустақиллигини таъминлаш.

Шу муносабат билан Конституцияда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларни бепул ва мажбурий ўқитишни 10 йил ичида таъминлаш белгилаб қўйилди. Шунингдек, болалар ва ўсмирларнинг ўқитиш тилини эркин танлашлари ҳам кафолатланди. Конституциянинг 28-30-моддаларида кичик миллат бола



ларининг мактабда она тилида билим эгаллаш ҳуқуқи ҳам қайд этилди. Ҳар бир миллат ўз тили, ёзуви ва маданиятини сақлаб қолиши ва ўқув муассасаларини очишлари мумкин деб топилди. 14-15-моддаларида эса каставий камситишларни йўқотиш назарда тутилган.

Мустақилликдан сўнг ҳар бир штатда халқ таълими департаменти ташкил топди. Министр ёрдамчиси халқ таълими департаментига бошчилик қилган. Унга бирон-бир ташкилот қарамоғидаги бир неча техник ўқув муассасаларидан ташқари барча ўқув муассасалари қарашли бўлган. Аммо Деҳлида марказий маориф министрлигининг бўлишига қарамасдан, Ҳиндистонда таълимни бошқариш тўла маркашлаштиришга эришилган эмасди. Ҳар бир штат таълим соҳасидаги муаммоларини ўзи ҳал қилган. Масалан, ўқиш муддати, ўқув режаси, ўқитувчининг иш ҳақи ва бошқалар. Бундай ҳолатни таълим муддатларида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, мустақилликнинг дастлабки йилларида бошланғич мактабларда ўқиш муддати турлича бўлган. Мадрасада — 5 йил, Бомбеида — 2 йил, Ориссада — 6 йил, Кашмирда — 5 йил, Деҳлида ўғил болалар учун — 4 йил, қизлар учун эса — 5 йил бўлган. Бундай мактабларда асосан 6 ёшдан 10-11 ёшгача бўлган болалар таҳсил олган.

Кейинги босқич тўлиқсиз ўрта мактаб муддати 2 йилдан 4 йилгача бўлган. Бундай мактаблар икки хил бўлган: инглиз тили ўқитиладиган мактаб ва инглиз тили ўқитилмайдиган мактаб. Биринчи типдаги мактабларда ўқишни тўлиқ ўрта мактабларда давом эттирадиган болалар таълим олган.

Иккинчи типдаги мактабларни тугатганлар эса тўлиқ ўрта мактабларда ўқиш имкониятларидан маҳрум эдилар. Бундай мактабларда асосан санскрит ва араб тили, қуръон, тиббиёт ўргатилган.

Умуман Ҳиндистон мустақиллигининг дастлабки йилларида мамлакат раҳбарияти таълим соҳасида чуқур ислохотлар ўтказишга, уни қайтадан ташкил этишга бошқа мамлакатлар маориф тизими тажрибаларини ўрганиб, мамлакатда мавжуд анъаналарни ҳисобга олишга ҳаракат қилинганлигини кўраемиз.

*Дилором КОМИЛОВА,
Шарқишунослик институти
катта ўқитувчиси.*



Сиз қайси рангни ёқтирасиз?

РАНГ КЎР - ҲОЛ СЎР

Айрим рухшуносларнинг таъкидлашича, у ёки бу одамнинг қайси рангни ёқтиришига қараб уларнинг феъл-атворининг асосий хусусиятларини аниқлаш мумкин экан.

Шу тахминга асосланиб, хаттоки, кизикарли тест ишлаб чиқилган. Демак, сиз қайси рангни ёқтирасиз?

Агар қизил рангни афзал кўрсангиз — сиз дилбарсиз, лекин ташки таъсирга берилувчан, аммо ўзингизга жуда ишонасиз. Ўзингизнинг ҳақўйлигингизга шубҳа қилсангиз-да, зўр бериб ўз фикрингизни маъқуллайсиз. Баъзан мунозара ва баҳсларда маълум бўлиб қолсангиз қайфиятингиз тушиб кетади. Бирок, ўз ақиқларингиз ва дўстларингизга ўта меҳрибон ва оқибатлилингиз билан ажралиб турасиз.

Пушти рангни хуш кўрувчилар эса кўнглининг жуда нозиклиги билан ажралиб турадилар. Улар ҳаёлпараст, баъзи-баъзида ширин ҳаёлларга ҳам берилдилар. Агар сиз шу тоифадан бўлсангиз гўзаллик ва нафисликдан жуда таъсирланасиз, аммо ишбилармонлик кўлингиздан келмайди, кўпроқ орзу қилишни ёқтирасиз, холос. Ҳақиқий ҳаётни эса жуда жўн тасаввур этасиз.

Агар зарғалдоқ рангни ёқтирсангиз, сиз ўзингизни ўраб турган оламга жуда кизикиб, ҳавас билан боқасиз ва ҳаётни сеvasиз. Сизда кучли прода, асл-заковат, истъод ва ижодкорлик каби хусусиятлар мужассамлашган. Жуда маърурсиз, лекин бу хусусият сизга асло халакит бермайди. Ўз режаларингизни амалга оширишда астойдил ҳаракат қиласиз. “Ҳаракатда баракат” деганларидек, ҳар бир ишни тўла-тўқис даражада, зиёдаси билан бажаришга интиласиз. Аммо пишиб етилган ишларни доимо амалга ошириш кўлингиздан келавермайди.

Балки сарикни сеvasиз? Унда жуда ҳам қувноқ, дилқаш, фаол ва ҳаракатчансиз. Ўткир зехн ва зўр қобилият умр бўйи сизга йўлдош бўлади. Сиз севаган бу рангни файласуфлар, олимлар, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳам афзал кўрадилар.

Агарчи, яшилни кадрласангиз — сизнинг феъл-атворингизда сустликка мойиллик бор. Сиз одобли, тўғри, вазмин ва қувноқ одамсиз. Лекин сиз баъзан жуда ҳам ёлғиз бўлишни хоҳлайсиз. Ирим-сиримларга ишонасиз. Аммо сиздаги фаоллик ҳам, сустлик ҳам меъридадир.

Хаво рангга мойиллик биддирувчи-

лардан бўлсангиз у ҳолда жуда жонкуяр, зийрак, кузатувчан, фаросатли бўлиш баробарида унчалик мустақил ҳам эмассиз. Сиз кабилар табиатан кўпроқ орзу қилишни ёқтирасиз. Аслида эса ўзингизнинг сон-саноксиз ширин орзу-хаёлларингиз сабаб ҳамма нарсани хоҳлайсиз, бироқ, уларни ҳақиқатда рўёбга чиқаришни уддалай олмайсиз. Ҳаётдаги баъзи бир қийинчиликларга учрашингиз сизнинг журъатсизлигингиздан дидир.

Сизга кўпроқ сиёҳранг маъқул келар, балки?

Унда сиз сервайрат, шўх, санъаткор одамларга кўнгли кўйган кишисиз, лекин санъатнинг бирор тури билан машғул бўлишни ўзингизга эп билмайсиз. Ажойиблигингиз шундаки, ўз дўстларингиз ва дугоналарингизга танқидий кўз билан қараган ҳолда ўзингизга ҳам шундай танқидий ёндаша олмайсиз. Фикрлашда, мулоҳаза юритишда сиз мустақилсиз, бироқ бундан руҳан эзilasиз.

Жигар рангга мойил бўлсангиз ёсимтой, ишонувчан, хотиржамсиз, яхшилик ва эзгулик хис-туйғулари билан ажралиб турасиз. Бирок, баъзан жиззаки ва, хаттоки, тажовузкорсиз. Кўпинча сиз кабиларда катъият ва фаоллик етишмайди.

Балки кул рангни хуш кўрасиз. Унда сиз эҳтиёткорсиз, тартиб ва тинчликни ёқтирасиз. Ҳар нарсага синчковлик билан ёндашасиз. Бировга ҳавас қилмайсиз, уларга шафқатли бўлишга ҳам хоҳишингиз йўқ. Баъзан бошқаларга нисбатан раҳмдиллик хисси ҳам пайдо бўлади, аммо бу нарса бир зумда ҳаёлингиздан кўтарилади. Одамлар билан ишингиз йўқ. Сизнинг фикрингизча ҳар бир инсон ўзининг ҳаёти, тақдири ва бахти учун курашиши керак.

Агар қора рангни ёқтирсангиз, кўпинча уни ажойиброқ кўриниш учун танлагансиз деб ўйлаш мумкин. Йўқ? Нима бўлганда ҳам сиз нозик хиссиёт, яширин ҳаёт тарзига мойил эканлигингиз билан ажралиб турасиз. Балаидпарвоз файласуфна фикр юритишни яхши кўрасиз. Одамлар билан, айниқса, раҳбарлар билан “алок-чапоқ” бўлиб тезда тил топиша оласиз. Қисқаси, сиз тўғма дипломатсиз!

Оқ рангни сеvuвчилар тўғрисида эса шундай дейишади: уни очик кўнгли, ҳақиқатўй, мурасасиз ҳамда бошқаларга ва ўзига ўта талабчан одамлар маъқул кўрадилар.

*Нозим ТОЛИПОВ,
педагогика фанлари номзоди.*



СЎНГГИ ЧОРА

Ҳикоя

Нихоят, икки йиллик мусофирчилик овозагарчиликлари-ю текшир-текширлардан сўнг Латофат хонимга уйга қайтишга рухсат берилди. Ўша кунидек Москвадан Тошкентга учиб келишди. Эрининг гапига қараганда, Тошкент дўхтирлари янглишибди, ҳеч қандай рақ эмас, шунчаки ўпка яллиғланиши экан, холос. Фақат сал ўтказиб юборилган... Ўрис дўхтирлари берган қозғодаям шундай ёзилган.

Латофат хонимнинг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди. Икки йил бадалида тушкунликка тушиб, чирок ёқса ёришмай юрган кўнгли бирдан кўтарилиб, ўзини енгил сеза бошлади. Энди бир маза қилиб яшайман, ҳар бир дақиқанинг қадрига етаман, дея ўзига ўзи ваъдалар берди у.

Музейдай ясалган, бироқ одамсиз хувилаб ётган уй ҳам аёлни кўзига бутунлай бошқача кўринди. Ўзини эркин, энг муҳими, бутунлай соғлом одамдек ҳис эта бошлади. Бегона юрда, бегона одамлар орасида бир оғиз ил-иқ сўз эшитармиканман, деб телтиллаб яшаш оғир! “Сиз рақ эмассиз!” деган одамга у бутун бойлигини беришга тайёр эди. Икки йил давомида у ёмон хаёлларга боравериб, бутунлай руҳи тушиб кетган, ёлғиз қолди дегунча, бармоқларига, билакларига тикилиб: “Наҳотки шу кўлларим чириб, тупроққа қоришиб кетса?” дея тинимсиз ўйландиган бўлиб қолганди.

Аёл шу қадар тушкунликка берилгандики, ҳатто кўчагаям чиққиси келмасди. Соғлом, бахтиёр кишиларни, айниқса, арзмаган нарсалар баҳонасида кунига икки-уч марта олдига чиқадиган кўшниси Санобарни умуман кўргиси келмай қолганди. Нега ейиши-ичишининг тайини бўлмаса ҳам улар соппа соғу, мен ўлимга маҳкумман, деган худбин бир ўй хаёлини банд этган эди. Ҳатто кўчадан ўтаётган аёллар туфлиларининг тақ-туқи ҳам унинг асабларини ўйнатарди.

Шунинг учун ётоқхонадаги дераза-

ларни қалин пардалар билан тўсиб ташлаганди.

Эридан: “Рақ эмас экансан, жавоб беришди”, деган гапни эшитган заҳоти аёл бутунлай ўзгариб кетди. Асабларини кемириб, итфеъл қилиб қўйган ўйларидан бир зумда халос бўлди-қолди. Уйига келиб эса болаларини бир лаҳза ёнидан жилдирмади. Улар ялиниб-ёлвориб мактабга бориш учун рухсат олиб кетишганда йилнинг тўрт фаслига мослаб ясалган хоналарни унсиз айланиб юрди. Деворга осилган гиламларга юзини босиб, силаб-сийпалаб, буюмлар ўзи қандай қўйган бўлса, шундай турганини кўриб, хотиржам тортди. “Шуқуров яхши одам. У ҳеч қачон хиёнат қилмайди”, — деган қатъий қарорга келди у яна бир бор.

Ўртоқ Шуқуров /Латофат хоним эрини шундай аташни хуш кўрарди/ жамиятда ўз ўрнини топган эркаклардан эди. У анча-мунча иззатталаб, ўзига сал бино қўйган, одамови, меҳмондорчилигу қариндош-уруғлар билан борди-келди қилишни ёқтирмас, биронтасиникида тўй-маърака бўлиб қолса ҳам яхшигина совға-саломлар билан машинада Латофат хонимнинг ўзини юборарди. Қариндошлар қусур ҳисоблайдиган бу одатни аёл эрининг камсуқумлигига йўярди.

Шундай иш билан банд одам икки йилдан бери хотини билан шаҳарма-шаҳар, касалхонама-касалхона овозаи сарсон. Тўғри, ҳар кун бориб турмасида, ҳар қалай, тез-тез хабар олиб турди. Бирон марта бўлсин сиқилганини билдирмади. Қачон қарасанг ўша-ўша: сипо, хотиржам, қоп-қора кўзлари мулоим боқиб туради. У ҳеч қачон хотинига зуғум қилмаган, шу билан бирга, кўнглини ёриб, сирлашмаган ҳам.

Илк бор Тошкент дўхтирлари Латофат хонимга “рақ” деб ташҳис қўйишганида ҳам ҳукми Шуқуров ўта хотиржам эшитганди.

Латофат хоним кўшүринли диванда шифтга термулиб ётаркан, “Мен йўғимда жилақурса “уф” тортиб сиқилмас-

микин”, деган хаёлга бориб, аъзойи бадани жунжикиб кетди. Дарров оёқ учиде ётган кўрпани устига тортди.

Бироздан сўнг эса аёл ўзидан ўзи домангир бўла бошлади: “Ўл-а, ношуқур банда... Қарамасдан ташлаб кетганида кўлингдан нима келарди? Ким ўзи бу... Латофат хоним деганлари? Ўқимаган, ишламаган... Мактабни битирган йили Шуқуровга узатишганди... Шу-шу “уй бекаси” деган “шарафли” номга мушараф. Эрининг топганини еб ётган боқиманда. Ёши етмишга яқинлашиб қолган онасию, ичкиликка муккасидан кетган омадсий акасида бошқа ҳеч кими йўқ...”

Уйдаги анжомларнинг асосий қисми Шуқуровнинг пуллари эвазига келган. Латофат хонимнинг кўзга кўринарли сепи ҳам йўқ эди. Онасининг кўнглида кўп ниётлари бор эди, аммо ҳамён кўтармаган... “Бахтли бўлсанг бас, қизим, мол-дунё топилади”, деган эди онаси ўшанда йиғлаб. Бу ночорликдан айтилган гап эди. Одамзод ночорлик, иложсизлик туфайлигина бойликдан ҳазар қилади. Бахт бойликда эмас, деб ўзини ишонтиришга ҳаракат қилади. Турмуши сал ўнглана бошладими, бу телба-тескари дунёда бойликнинг ҳам ўз ўрни бор, деб фикрлашни ўрганади.

Зотан, эрининг обрўси, пули бўлмаганида московлик ўрис дўхтирлар унга қарашармиди? Бу тақдир инъоми. Уни асраш лозим. Шуқуровга йўлиқмай ўзига ўхшаган бева-бечорага текканида нима бўларди, аллақачон кўкариб чиқмасмиди?

Шуқуровнинг “хотиржамлиги” га келсак, унда ишонч бор. Мол-дунёси бор одам ўзини кучли, ҳар ишга қодирман деб ўйлайди. Хуллас, Латофат хоним... айтгандай, Латофатнинг “хоним” бўлиб танилишига ҳам, катта-катта давраларнинг тўридан жой олишига ҳам Шуқуровнинг мавқеи сабаб эмасми? Шундай экан, эрининг юриш-туришини таҳлил этишни сизга ким қўйибди, хоним?! Сиз фақат унинг кўзларини севинг. Қандай чиройли кўзлари бор унинг. Ўзини кек

кайганроқ тутса ҳам, барибир, кўзлари бошқачароқ боқади одамга. Сехр борми, меҳр борми, балки... Латофат хоним уни севиб яшагани учун шундай туюлар. Аслида бошқача... Жуда бошқача... ўлик кўзidir...

Латофат хоним яна ноўрин хаёлларга бораётганини сезиб шартта кўрпа билан бошини ўраб олиб, кўзларини чирт юмди: "Ухлайман!"

Ғўнғир-ғўнғир овоздан Латофат хоним уйғониб кетди. У боягига қараганда бироз оғирлашиб ўрнидан турди. Меҳмонхона томон секин, сассиз юриб бораркан, онасининг ҳаяжонли овозини эшитиб бирдан сергак тортди.

— Ўша савилни ҳар қандай касалга даво деб эшитиб югуриб келавердим, — дерди онаси ташвишли оҳангда. Бир неча сониядан сўнг эрининг овози ҳам эшитилди.

— Билмадим, мен унақа эскичага кўпам ишонавермайман.

— Эскича эмас-у, ҳар эҳтимолга қарши чучварамни, мантими қилиб, озгина едириб кўрсак. Чиқмаган жондан умид... Гулдай болам ҳазон бўлиб кетаверадим... — Онанинг пиқиллаб йиғлагани эшитилди. — Тағинам ўзингиз биласиз. Латофат сизнинг хотинингиз.

— Мен суриштириб кўрай. Чинданам даво бўлса топтирармиз. Қолганини ўзингиз эпларсиз.

— Аини саратон чилласида кучга тўлган бўларкан. Жуда кичкинаси ҳам бўлмасин. Униям эркаги, аёли бўлади. Аёл кишига эркак кўлвор эм бўлармиш.

Латофат хонимнинг бутун вужуди музлаб кетди. Юрак уриши тезлашиб, турган ерида қалтирай бошлади. Қулоқлари чиппа битиб, ҳеч нарсани идрок этолмай қолди...

Кечга яқин аёл ўзига келди. Тепасида онаси ўтирганини ҳис қилди, бироқ кўзини очгиси келмади. Касаллик нуқси уриб, сарғайиб кетган юзининг мурданикдан фарқи йўқ эди. Онасининг йиғламсираган овози эшитилди:

— Латиф, қизим, кўзингни оч...

Латофат хонимнинг қовоқлари киртайиб, ичига ботиб кетган юмуқ кўзларидан йирик-йирик икки томчи ёш икки чаккасига оқиб тушиб, гажак сочлари орасига ёйилиб кетди.

— Мени кўрқитма, болам... — кўзларидан дувиллаб ёш оқаётган кампир қизининг қўлларидан тортқилай бошлади. — Тур, болам, тур, ҳеч бўлмаса кўзингни оч... Менга бир қара... Сенга келган дардга мен балоғардон бўлай... Жон керак бўлса менинг жонимни олсин худо... Тур, болам, кўзингни оч...

Кампирнинг ҳуши бошидан учган, нима қилаётганини, нима деяётганини англамас, ҳадеб қизининг қўлидан тортқиларди. Она учун қизининг касали эмас, аини дақиқада соғми-носогоми,

нима бўлганда ҳам, тирик эканлигини ўз кўзи билан кўриш, ҳис қилиш муҳим эди.

— Ойи... — деди Латофат хоним базўр пичирлаб. — Бу адолатсизлик, ахир. Ҳали ниманиям кўрдим. Улар "одам бўлмади" деб қайтаришган экан-да. Энди нима қиламан, ойи? Ўлимдан жуда кўрқаман... Кўрқаман! Болаларим ҳали ёш. Шўрликлар ўғай она кўлида қоладими... Э, худо, мен биламан, у болаларимни уради, уради...

— Оғир бўл, болам, — деди кампир ҳиқиллаб. — Ҳали кўрмагандай бўлиб кетасан. Ҳалигини... ҳамма дардга даво дейишганди, шунга...

— Йўқ! Йўқ!

Латофат хонимнинг нафаси қиса бошлади. Кўрққанидан жон ҳолатда ўрнидан турди.

— Ҳеч нарса керакмас... Ея олмайман унақа совуқ нарсани, — деди у ҳансираб.

— Унинг ёмон ери йўқ. Ўзимизнинг гўштли мантидай...

— Йўқ, дедимми, йўқ! Мени зўрламанг, ойи. Ҳозирданоқ кўнглим айниб кетаяпти.

Шу пайт Латофат хонимнинг кўшниси Санобар кириб келди. Кампир куйиб-пишиб унга аҳволни тушунтирди.

Санобархон олдий инженернинг хотини бўлиб, топган-тутганлари ейишидан ортмас, чақа ҳисоблаб рўзгор тебратаётган аёл эди.

Санобархон кўшнисининг бедаво дардга чалинганини аввалроқ эшитган ва эшитган заҳоти кўнглида алақандай ёруғлик пайдо бўлганди...

— Кўпда Хизр бор, дейишади. Ҳадеб дўхтир деявермай, қайларининг айтганини ҳам қилиб кўриш керак-да, — деди Санобархон кўшнисининг юзига, кўзларига синчков назар соларкан.

Иккала аёл ўртага олиб, Латофат хоним у деса, бу дейишди, хуллас манти эмас, шўрва қилиб беришларига рози бўлди.

Латофат хоним эрининг "топиб келаман" деган сўзига ишониб, шу уч-тўрт кун ичида қилиб беришса керак, дея кута бошлади. Орадан бир ой ўтиб кетди. Латофат хоним алақандай ҳадик билан онаси олиб келган овқатларни, куюқми сууюқми, ҳидлаб кўриб, кейин ичадиган олат қижарди.

У эрининг кўлвор илон олиб келмаслигини чин кўнгилдан истаётган бўлмасин, нега олиб келмаяпти, деган ноҳуш ўй ҳам тинчлик бермасди. "Олиб келди ҳам дейлик, — дерди у ўзига ўзи. Кейин нима бўлади? Илон шўрва дардига даво бўладими, ё... Латофат хоним ўзини ярим аёл, ярим илон қиёфасида тасаввур қилиб, кўрқиб кетди.

Аммо яшагга бўлган иштиёқ уни эридан сўрашга мажбур этди. Шукуров

бир лаҳза лол бўлиб қолди, кейин кўлимсираб пешонасига шапатиллади.

— Эсим қурсин... Эртага албатта олиб келишади, — деди у ва хотинининг ёноғидан ўпиб қўйди.

Латофат хоним галати бўлиб кетди. Шу пайтгача у менинг касалим эрининг дарди дунёсини қоронғу қилиб юборган, деган хаёл билан юрарди. Наҳотки у шунчалик лоқайд бўлса? Латофат хоним яна ноҳуш хаёлларга бораётганини сезиб, дарҳол ўзини қўлга олди. "Ҳаққинг йўқ! Ҳаққинг йўқ!" дея ўзига ўзи танбех берди.

Уч кун ўтиб, онаси ўша илон шўрвани пишириб келди.

— Буни ичганингдан кейин, қалин кўрпага ўраниб ётасан. Билч-билч терласанг яхши бўлади, — деди онаси. Овозидан, ёшига ярашмаган энгил ҳаракатларидан унинг бахтиёрлиги кўриниб турарди.

Латофат хоним пахта гулли косани олдига суриб, қошиқ билан ковлай бошлади. Оддий шўрвадан фарқли, ўта ёғли ва алақандай қорамтир рангли эди. Хаёлига онасининг "яхшилаб терлашинг керак" деган гапи ўрнашиб қолди. Бир вақтлар учинчи ўғлини туғиб, туғруқхонада ётганида, ҳамхонаси илон гўштини роса мақтаган, ҳар қандай дардга даво деган ва охирида "лекин илон гўштини еб терлаган одамдан алақандай бадбўй ҳид анқиб тураркан," деганди.

Латофат хоним энгашиб косадаги шўрвани ҳидлаб кўрди. Ҳақиқатан ҳам димоғига ёқимсиз ҳид урилди. Аёл секин косани нари суриб, ўрнидан турди. Қизининг хатти-ҳаракатини ажабсиниб кузатиб ўтирган онанинг киртайган, киприксиз кўзларига ёш қалқди.

— Ёш бола эмассан-ку, болам, — деди у бир сиқим бўлиб. — Ўзингни ўйла-масанг, болаларингни, мени ўйлагин-да.

— Йўқ, бўлмади, ойи, — деди Латофат хоним ва оҳиста юриб ётоқхонасига кириб кетди.

Бир оздан сўнг йўлакдан Санобархоннинг овози эшитилди:

— Латофат, эшикни очинг. Жиннимисиз? Онангиз бечора юзингизга қарайвериб, адойи тамома бўлди-ку! Жилла курса, ярим коса ичинг!.. Бир қошиққина хўплаган...

Ичқаридан тиқ этган товуш эшитилмади. Санобархон ярим соатча вайсали. Натижа чиқмагач, ноилож ошхонага, кампирнинг олдига қайтиб чиқди.

— Унингиз барибир ичмайди. Кўнгли ёмон экан, — деди у ҳафсаласи пир бўлиб.

— Вой, шунча шўрвани нима қиламан энди? — деди кампир. — Куёвим бечора алақаяқлардан топиб келганди-я!..

— Агар... керак бўлмаса бизга бера

қолинг. Кўлвор тугул, кобра бўлсаям ют-ворамиз.

Шу куни Санобархон хурсанд ҳолда ярим қозон шўрвани олиб кетди.

Икки кун ўтиб, у ғалати хушхабар билан келди. Эмишки, типратикон ҳам даво эмиш. Латофат хоним бурнини жи-йирганини кўриб, яна бир янгиликни айтишга шошилди.

— Ҳазимизнинг ўсма бор-ку, эзиб қошимизга қўядиган, ўшандан бир-икки томчи ичсаям, ҳар қандай касалга даво эмиш. Ўсма жудаям ўткир бўлади-да, шунинг учун рақми, бошқами, ишқилиб қандай дард бўлмасин, айнан илдизини, ўзагини қуритаркан. Ўсимтаси қуригандан кейин, ҳар қандай дард ҳам тузалади-да!

Бу хабар Латофат хонимни бир оз қизиқтириб қўйди. У қўшнисидан ўсмани қачон, қанчадан ичиш лозимлигини суриштирди. Ҳатто бир боғлам ўсма олиб келиб беришини илтимос қилди. Санобархон: “Агар хоҳласангиз эзиб бераман,” деган эди, кўнмади.

— Ҳар эҳтимолга қарши олиб қўйяман, — деди у ўта жиддий тарзда.

Санобархон беминнат хизмат қилишни хуш кўрадиганлар тоифасидан эди. У ўша кунидек бир боғлам кўм-кўк ўсман келтириб берди.

Латофат хоним бир муддат ўсмага тикилиб турди-да, сўнг музлатгичга солиб қўйди. Уйда ҳеч ким йўғида бир томчи ичиб кўришга қарор қилди.

Музлатгич томон бораркан хаёлидан: “Бир томчисиям ичимни куйдириб юборса-я”, деган ўй ўтди-ю титраб кетди. Шартга ортига қайтди.

“Ичмайман, — деди у қатъий қилиб. — Ажалим етса ўларман... Шукуров яхши одам. Болаларимни хор қилмайди. Мендан кейин уйланишиниям худо билади. Шунча обрў-эътибори бўла туриб, шу пайтгача бирорта бегона хотинга ёмон кўз билан қараганини сезмадим. Ўйнаш тутишининг ҳам ўзига яраша муаммолари борлигини жуда яхши тушунади. Янги хотин масаласи... Ўгай она, ўгай болалар... Уларни келиштираман деб... Йўқ, Шукуров хотиржамликни севадиган одам. У ҳеч қачон бу ишга қўл урмайди! Ҳеч қачон!”

Бу ўйлардан Латофат хонимнинг кўнгли кўтарилди. Бевақт ўлим ваҳимаси ҳам йироқ кетиб, ўзини енгил

ҳис эта бошлади...

Кечки маҳал бегона кишиларнинг овозини эшитиб, у ҳовлига чиқди. Кўча эшик олдида нотаниш енгил машина турар, ҳайдовчи билан бир мўйловли йигит юкхонадан алланималарни тушираётгандилар.

— Акам тайинлагандилар, — деди мўйловли йигит Латофат хонимнинг олдига келиб. — Бу икки қоп гуруч, анави ёғ, сурп, яна ул-бул ҳали келганича йўқ.

Худди шу пайт хизмат машинасида Шукуров келиб қолди. Ранги бўздай оқарган ҳолда шув этиб машинадан тушди-ю, хотинининг олдига келиб:

— Сен ичкарига киривер, — деди.

Ич-ичидан титроқ туриб, қалтирай бошлаган аёл базўр ортига қайтди.

— Салла деса, калла олиб келасанлар, — дея вишиллади Шукуров. — Мен ҳар эҳтимолга қарши тайёр турсин, дегандим.

Йигитлар қовун туширганларини сезиб, қаттиқ ўсал бўлишди. Қайта-қайта кечирим сўраб, жўнаб кетишди.

Шу оқшом Латофат хоним фақат йиғлади, узоқ йиғлади, тонггача йиғлади. Ҳеч ҳам ўзини боса олмади. Кўзларидан шашқатор ёш қуйилиб келаверди, келаверди...

Шукуров илк бор қанчалик ялиниб ёлвормасин, эшикни очмади. Эртаси куни у ранг-рўйи бир аҳволда Санобарни-

кига чиқди, қўлида бир сиқим пул...

— Менга... ўсма... олиб келиб беринг, — дея олди у зўрга. Кўзларига ёш тўлиб кетганидан қўшнисининг юзига қарай олмади.


— Бунча пулни бериб... нима қиласиз? — деди Санобархон таажжубланиб. Ахир кўп-ку...

Латофат хоним беҳолгина қўл силтаб, ортига қайтди.

Тушга яқин Санобархон етти яшар ўғлидан икки боғлам ўсма бериб юборди. Латофат хоним ўзи яхши кўрадиган пахта гулли пиёлани стол устига қўйиб, кўм-кўк ўсмадан бир сиқим олиб, кафтлари орасида эза бошлади.

Ҳосил бўлган ям-яшил суюқликка бир неча сония тикилиб турди. Сўнг ботинмайгина бир хўплади. Заҳардай аччиқ суюқлик аввал лабларини, тилини, танглайини куйдириб ўтди-ю, ошқозонга етиб таққа тўхтади. “Бир хўплам яхши таъсир қилмади, шекилли, — дея ўйлади у суюқликка тикилиб. Аёл ҳаддан ортиқ асабий ҳолатда эди. Худди биров келиб тортиб олиб қўядигандек, титроқ қўллари билан маҳкам пиёлага ёпишди. — Ҳаммасини ичаман! Ҳаммасини!.. Ўша бедаво дардни ўзақ-пузаги билан қуритиб юборсин. Бутунлай!”

Аёл чўлда бир ҳафта сувсиз қолган одамдай ташналик билан ютоқиб-ютоқиб ича бошлади...



“БЕЛАНЧАГИНГ УЗРА КОШГАРИЙ КУЙЛАБ ЎТДИ ҚАДИМ НАВО”

Она тили инсон жони ва қонига она меҳри, она алласи билан жо бўлади. Не-не авлодлар она алласининг қудрати ва сеҳри билан ўзбек эли, ўзбек тилининг шон-шухрати ва доврўғини оламга таратдилар, тилимизнинг ўзлиги ва ички маънавиятини барча даврларда уйғун бир ҳолатда сақлаб қолишга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Хуршид Даврон айтганидек:

*Келиб кетди неча дунёлар,
Кулди ҳаёт, йиғлади ўлим,
Сен деб қурбон бўлди боболар,
Улар кетди, сен қолдинг, тилим.*

*Беланчагинг узра Кошгарий
Куйлаб ўтди қадим наво
Ва навқирон япроқларингга
Дил қонини берди Навоий...*

*Она тилим, омон бўл мангу,
Сен борсанки, мен ҳам ўлмайман,
Тилдан қолсам сени Ойбекдай
Мен кўзларим билан сўйлайман.*

Тилшунослигимиз асосчиси М. Кошгарий Европа олимларидан қарийб IX аср илгари қиёсий-тарихий усул тамойилларини ишлаб чиқди. Бу ҳақда у: “Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирқиз (қирғиз)ларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, лугатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганлигим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим”, – деб ёзган эди.

“Ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш” ушбу тилларнинг қурилишини, тараққиётини ҳам идрок этиш ва таҳлилни талаб этар эди. Буюк бобокалонларимизнинг китобини мутолаа қилар эканмиз, бунга тўлиқ ишонч ҳосил қиламиз.

“Туркий тилларга турли “эрлик”лар ёпиштирувчи айрим кимсалар-

нинг “даъво”ларини рад этиб, М. Кошгарий тилимизнинг ҳам мазмуни, ҳам шакл томонини синчковлик билан текшириб чиқади, энг нозик услубий фарқ ва сўз қўллашларга ҳам махсус аҳамият беради.

Маълумки, тилнинг мазмун томони турли маъно ва маъно жилоларидан таркиб топган. Ана шундай маъно турларидан бири ҳурмат маъносидир. Туркий тилларда, одатда, ҳурмат шакллари борлиги эътироф қилинмас, шундай маънолар махсус қайд этилмас эди. Бу ҳолат греклотин, рус-европа грамматикалари таъсирида юз берганлиги шубҳасиз. Она тилининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмаслик, бошқа тиллар асосида ишлаб чиқилган андозаларни туркий тилларга тўғридан-тўғри тадбиқ этиш натижасида тилимизнинг кўпгина белги ва қоидалари яширин қолган ёки нотўғри изоҳланган.

Аллома М. Кошгарий туркий тиллар қурилишидаги ҳурмат шаклларини алоҳида ажратиб изоҳлайдики, бу мазкур тилларнинг илгаридан турли шакл ва ифода воситаларига бойлигидан далолат беради. Масалан, феъллардаги -(и)нг (боринг, ўқинг) қўшимчаси XI асрдаёқ кўплик маъноси билан бирга, иккинчи шахсга нисбатан ҳурмат маъносини ифодалайдиган шаклга айланган. Кўплик маъносини тиклаш эҳтиёжи ушбу қўшимчага бошқа кўплик шакллари -гиз ва -лар қўшимчаларининг орттирилишига олиб келади: борингиз, ўқинглар каби. Нагижанда тил қурилишида янги қўшимчалар – янги ифода воситалари пайдо бўлади.

Табиат ва жамиятга, шу жумладан, инсоннинг тил фаолияти ва тилга ҳам маълум даврларда уйғунлик ёки мўътадиллик тамойили хосдир. Қаердаки уйғунлик бўлмаса, у ерда тинчлик, омонлик ва тараққиёт, гуллаб-яшнаш бўлмайди.

Тил барча кишиларга баравар хизмат қиладиган ҳодиса бўлганлигидан, ижтимоий ўзгаришлар унинг

қурилишига тубдан таъсир ўтказмайди.

Шунга қарамасдан, тилда ҳам асрлар оша ўзгариш ва янгиланишлар узлуксиз тарзда бўлиб туради. Хусусан, туркий тиллар, ўзбек тилида кўплик воситалари нисбатини қузатиш шундан далолат берадики, қадимги туркий тил, Ўрхун-Енисей тошбитикларида кам қўлланганлар қўшимчаси нафақат от сўз туркуми, бошқа сўз туркумлари таркибига ҳам фаол ўрнаша боради. Тадқиқотчилар (проф. А. Ф. Фуломов, акад. Л. Н. Кононов) унинг қадимги ўзбек тили ва ҳозирги ўзбек тилида йигирмадан ортиқ маъно-вазифасини қайд этадилар. Сўз туркумларида кўпгина ўринларда факультатив ишлатилган бу қўшимча ҳозирги тилимизда қариндошлик билдирувчи сўзларга қўшилиб, махсус шакл – ҳурмат категориясининг кўрсаткичига айланди ва ҳар доим эгалик қўшимчаларидан кейин келиб тилимизнинг ифода жилоларига бойлигидан бир нишона сифатида хизмат қилмоқда.

М. Кошгарий айтганидек:

*Йай коркина ынанма,
Сувлар уза тайанма,
Эсизлигинг акунма
Тилдэн чыкар эзгу соз.*

(Девон, 111-жилд, 176-бет.)

Маъноси: “Баҳор кўркига инонма, сувга таянма, ёмонликка отланма, тилингдан (доим) яхши сўзлар чиқар”.

А. РАҲМОНҚУЛОВ,
академик

*Б. Фафуров номидаги
Хўжаид давлат университети
ўзбек тили кафедрасининг
катта ўқитувчиси.*



Алишер НАВОИЙ:

“Дединг: “Фано недурур ?..”

Алишер Навоий форс-тожик адабиётининг йирик намоёндалари бўлмиш салафлари ижодига эргашиб, улардан илҳомланган ҳолда Фоний тахаллусида кўпгина форсий тилдаги татаббуъ асарларни яратди.

Бу билан ўзининг зуллисонайнлик маҳоратини тўла маънода намоиш эта олди. Улуг шоирнинг форсий татаббуълари таҳлилига бағишланган илмий тадқиқотлар мавжуд.

Навоий ижодини изчил ўрганган таниқли адабиётшунос Ё.Исҳоқов ўзининг илмий кузатишларида Алишер Навоий газалларида орифона руҳ мавжуд эканлигини биринчилардан бўлиб таъкидлади ва бу ҳол Абдурахмон Жомий таъсирида пайдо бўлганлигини ҳам ўринли кўрсатиб берди.

Навоийнинг тасаввуфдаги нақшбандийлик тариқатига муносабати масаласида сўз юритган мунаққид Султонмурод Олим мутафаккир шоир таянган манбалардан биринчиси — Куръони Карим, иккинчиси — ҳадиси шариф, учинчиси — шу иккисидан келиб чиққан тасаввуф фалсафаси эканлигини таъкидлайди. Мазкур фикрлар Навоийнинг тасаввуф йўлидаги муршиди, ҳаётдаги устози ҳамда пири бўлмиш Мавлоно Жомийнинг улкан хизматлари Ҳазрат Навоий томонидан шундай эътироф этилган эди:

*Ул сафо аҳли покфар Жомий,
Покфар жому пок фаржоми.
Ул фано сари дастгир манга
Муршиду устоду пир манга.*

Шу нарса диққатга сазоворки, Абдурахмон Жомий форс-тожик адабиётида етук мутасаввуф шоир сифатида ижод қилиб, ўзининг бадиий ва илмий асарлари воситасида тасаввуфдаги назарий масалалар сирасида нақшбандийлик қоидаларини ҳам кенг тарғиб этди.

“Девони Фоний”да устоз Жомийга ҳам татаббуъ сифатида ёзилган анчагина газаллар мавжуд бўлиб, уларда Фонийнинг ўз муршидига нисбатан чуқур ҳурматда бўлганлиги характерлидир. Шоир Фоний ўзининг янги назмининг дунёга келишида “сўз таълимини” устоз Жомийдан олганлигини

мамнуният билан эътироф этса, бошқа бир татаббуъ газалида эса форсийзабон устозларини ўзи учун “йўл кўрсатувчи”лар эканлигини юксак эҳтиром билан таъкидлаб, уларнинг орасида Жомийни энг яқин раҳнамо устоз эканлигини алоҳида ҳурмат билан тилга олади:

*Хисраву Ҳофиз туро, Фоний,
агар ҳодиянд,
Пайравий Жомийт ҳаст
ба важҳи ҳасан.*

Мазмуни: Эй, Фоний, Хисрав билан Ҳофиз сенга йўл кўрсатувчи бўлсалар ҳам, сени Жомийга пайравлигинг энг яхшидир.

Мунаққид Иброҳим Ҳаққулов фано ҳақида фикр юритиб, уни тасаввуфдаги энг мураккаб масалалардан эканлигини ўринли қайд этган эди. Воқеан, Навоий ҳам ўз давридаёқ бунга алоҳида эътибор қаратди:

*Дединг: “Фано недурур?”
Мухтасар дейин: “Ўлмак,
Ки шарҳини тиласанг,
юз рисола бўлгусидир”.*

Дарҳақиқат, фанонинг луғавий маъноси ўлиш, йўқ бўлиш деган маънони билдиради. Навоийнинг Фоний ва Фаноий тахаллуслари ҳам аслида фано сўзидан ясалганлиги навоийшунослик илмида тўғри қайд этилган. Фанонинг тасаввуфий маъноси эса ўзликдан кечмоқ. Ҳақ ишқидаги солиқ мураккаб ва машаққатлардан иборат бўлган йўлни босиб ўтиб, том маънода покланган ҳолда яратганнинг васлига восил бўлади. Бу иш кишидан жуда катта журъат ва матонат, фидоийлик, хусусан, покиза эътиқод, покиза ақида, соф ва беғаш кўнгилни талаб қилади.

Ўзликдан кечмоқликнинг дастлабки шартлардан бири ўзини тупроқ билан баробар билмоқлик. Фақру фано йўлида ўзини тупроққа тенглаш замирида хокисорлик, камтарлик, оддийлик каби комил инсонга хос бўлган қатор фазилатлар ётади:

*Фоний ба роҳи фақру фано хок
агар шавӣ,*

Болои чарх жойи кунӣ аз улувашон.

Мазмуни: Фоний, агар фақру фано йўлида тупроқ бўлсанг, шаъну шавкатинг улуелигидан чархнинг тўридан жой оласан.

Фано ҳақида янада аниқроқ тасаввур ҳосил қилмоқ учун шоирнинг қитъаларидан бирига мурожаат этиш ўринлидир. Унда навоийона ташбеҳга дуч келамиз:

*Фонийи мутлақ ўлмайин солик,
Анга йўқтур умиди мақсади кулл,
Қора туфроққа синмаган қатра,
Андиин имкон йўқ очилмоқ гул.*

Шоирнинг фикрича, солиқ фонийи мутлақ бўлмас экан, кулли мақсад асл ниятга мушарраф бўла олмайди. Аниқроғи, боқийлик манзилга етмайди. Мазкур фикрни шоир ўзига хос ташбеҳ орқали ифода этганки, бу бизнинг фано ва бақо ҳақидаги тушунчамизга янада аниқлик киритади. Тасаввур қилайлик: қора тупроқ учун ҳаёт манбаи бўлган қатра (сув) унга сингмас экан, ердан гулнинг унмоғи ва очилмоғи амри маҳол бўлганидек, солиқ ҳам тўла маънода фано бўлмасдан боқийлик манзилини орзу қилиши фақат хом ҳаёлдир.

Бу йўлда солиқ олдида яна икки ранж мавжуд бўлиб, бу нафсни тийиш ҳамда фақр йўлини тутмоқликдир. Фақирлик фано йўлининг асосий ва энг муҳим шартларидан бири бўлиб, аксарият сўфийлар Муҳаммад алайҳиссаломнинг “Ал Фақрун фаҳрун” (Фақирлик менинг фаҳримдир) деган муборак ҳадисларига асосланадилар, ўзлари учун уни асосий ҳаётий шior деб қабул қиладилар. Шунинг учун ҳам “Фақирнома” китобида жуда кўп сўфийларнинг фақр ҳақидаги ибратли фикрлари жой олганлиги бежиз эмас эди. Ҳатто Хожа Баҳоуддин ҳазратларининг ҳам ҳеч нарсалари йўқлиги, лекин ҳеч нарсадан кам эмасликлари ва ҳеч нарсалари йўқлигидан ҳеч ҳам ғамлари йўқлиги ҳақидаги рубоийларини эслашнинг ўзиёқ ул зотнинг пок ботиний оламини янада бир қарра кўрсатади. А.Навоий эса фақрни тариқат одоби доирасига киритиши бежиз эмас. Чунки фақрилик инсоннинг маънавий ва ахлоқий томондан камолотга элтувчи муҳим восита бўлганлиги учун ҳам шоирнинг ўзи, устозлари мавлоно Абдурахмон Жомий ва Саййид Ҳасан Ардашер, жонажон ва сирдош дўсти Паҳлавон Муҳаммадлар бу йўлни ихтиёр этган эдилар.

*Бахтиёр
ФАЙЗУЛЛАЕВ.*

“Сенинг жамолингни ошкор этадиган жомман”

Хўжагон тасаввуфий мактаби асосчиси Хўжа Абдухолиқ Гиждувоний ирфоний-тасаввуфий таълимотида поклик ҳақидаги қарашлар муҳим ўрин тугади. Бу таълимот покликни улуғлик сифати деб баҳолайди. Поклик турмушда меҳнат ва кишилар билан бўлган муносабатда намоён бўлади. Покиза ҳис-туйғу инсоннинг маънавиятини шакллантиради. Чунки поклик мазмунида оқиллик ва эътиқодлилиқ, шарм-ҳаё, ор-номус, зийраклик ва фаросат, вафодорлик, вазминлик, улуғворлик, тежамкорлик, меҳрибонлик каби яхши хислатлар мужассамлашгандир. Покиза ақл инсонни руҳий жиҳатдан юксалтиради. Киши ҳаётида ахлоқий поклик биринчи даражали вазифадир. Чунки ахлоқий поклик тама молпарастликка мутлақо зиддир.

Шу боисдан Хўжайи Жаҳон таълимотига кўра инсоннинг энг бирламчи вазифаси маънавий покликдир. Шахс покликни ҳаётининг асоси этиши лозим. Валийуллоҳ поклик моҳиятини “Васиятнома” номли асариде қуйидагича ифодалайди:

*Покиза хисол боши - андар ҳама ҳол-
К-аз хислати покиза шуда аҳли камол.
Беҳтар зи ризои Ҳақ чи ёбад банда?
Розист Худо зи марди покиза хисол.*

Мазмуни:

*Ҳар қандай ҳолда покиза бўлсанг,
Камолот аҳлининг юксак даражаси ҳам шундадир.
Бандага Ҳақнинг розилигидан ортиқ нарса йўқдир.
Худо ҳам покиза хислатли марддан розидир.*

Табииyki ҳаётда инсонлар бир-бирларига яхшилик қиладилар. Лекин бу яхшиликни шартли равишда иккига — тама учун қилинган сохта ва холис бажарилган ҳақиқий яхшиликка бўлиш мумкин. Айримлар бировнинг ҳолатини чиқаргач, бунинг эвазига ниманидир тама қиладилар, мансаб лавозимларига интиладилар. Бу ҳолни яхшилик деб баҳолайдилар. Аслида эса бу тама учун қилинган “сохта” яхшиликдир.

Яхшиликни тамасиз қиладиган инсонлар ҳам бор. Бундайлар эзгу амалларни бетама адо қиладилар, бировларнинг ташвиши билан яшаб, доимо бир савоб ишни бажришга рағбат кўрсатадилар. Бундай яхшиликлари эвазига ҳеч нарса тама қилмайдилар.

Бу покликдир. Уни пок, холис, ҳақиқий яхшилик дейиш мумкин. Бундай кишиларни покиза инсонлар деймиз. Уларнинг қалби ҳар қандай салбий сифат ва хусусиятлардан ҳолидир. Мўътабар шайх Хўжайи Жаҳон бундай кишиларни “ҳар қандай ҳолатда ҳам покиза инсонлар” дейдилар. Ана шундай хислатли кишиларгина камолотга етишадилар.

“Камолот аҳлининг юксак даражаси покизалиқ хислати” деб уқтиради донишманд. Ҳақиқий инсонлар ҳаётларида доимо ҳақиқатга эришиш учун ку-

рашадилар. Бундай ҳаракат таркидунёчилик бўлмай табиат ато этган ақл-идрок, фаҳм-фаросат билан, ҳам диний ирфон, ҳам жамиятда, оилада, кишилар орасида ҳамжиҳатлик, бахтли, саодатли ниҳоятда покиза ҳаётни қуриш, хайрли, савобли ишлар қолдириш, яхшилик, эзгуликни кўпайтириб, ярамаслик, ёвузликка барҳам бериш, ватан учун фидокорлик кабилардир.

Инсон фарзанди шундай ҳаёт кечирган тақдирдагина Тангри ризолигига эришади. “Бандага эса Ҳақнинг розилигидан ортиқ нарса йўқдир. Худо ҳам покиза хислатли марддан розидир” дейилади. “Мард” сўзи бизга маълумки, жисмонан етук йигит маъносини англатади. Инсон ҳаётда ана шу жисмоний етуклик — яъни “мардлик” даражасига етгунча, ҳар хил воқеаларни бошидан кечиради. Ҳаётдаги ташвишли ҳолатлар инсонни “ғафлат”дан уйғотади.

У гуноҳларни англай бориб, ўзини англай бошлаб, зоҳиран ва боғинан покланади. Шу тариқа мардлик мақомига етади. Мардлик мақомига етган шахс жисмонан улғайиб, маънан юксалади.

Яъни унинг руҳи юксакликка эришади. Руҳ бу курашда моддийликни — жисмни ўзига бўйсундириб, илоҳий маърифатни таниш, ҳақнинг асрорини билиш учун хизмат қилдира олса, поклик тахтида ўтирган комил инсон бўлади. Тасаввуф аҳлининг таълимотича Тангри доимо яхшилик, хайр этувчи мутлақ вужуд ҳисоланади. Тангри сифатларини ўзида жо этган инсонни олами сағир (кичик олам), илоҳий олам ва моддий оламини биргаликда мужассамлаштирган олами кабир (улуғ олам) деб атайдилар. Шу боис биз ўз камолотимиз ва ҳаётимизни севиш билан Парвардигорни севган бўлаемиз. Шунинг учун “Ўзини таниган киши ўз Раббини танийди” деган ҳадис мавжуддир.

Хўжа Абдухолиқ Гиждувоний ҳам шунинг учун ўзини “мен Сенинг жамолингни ошкора этадиган жомман” дейди. Буни қуйидагича ифодалайди:

*3-он бода нахўрдаам ки хушёр шавам,
В-он маст наямки, боз бедор шавам.
Як жоми тажалли жамоли ту бошам
То аз адами вужуд безор шавам.*

Мазмуни:

*Мен ҳеч қандай шароб ичмаган - менки, хушёр бўлай.
Ва мен маст эмасманки, бедор бўлсам.
Мен Сенинг жамолингни ошкора этадиган жомман
То йўқлик вужудида безор бўлсам.*

“Шароб” икки маънода ишлатилади. “Шароб” ичимлик ичиб маст бўлиш ва илоҳий ишқдан маст бўлиш. Хўжайи Жаҳон бу ерда маст қиладиган шароб ичмаганлигини, балки илоҳий ишқдан маст бўлиб, Унинг ишқида ёниб кул бўлганлигини баён этади. Ўзини Оллоҳнинг жамолини ошкора этадиган жом-

яъни бутун илоҳий сифатларни акс эттираётган, зоҳирда намоён бўлаётган Оллоҳнинг жамоли, жамоли-қудрати эканлигини айтиб, у ўткинчи вужуддан безор бўлганлигини ёзади. Бу Абдуҳолиқ Фиждувонийнинг ўша юқорида айтганимиздек, руҳлари моддийликни ўзига бўйсундириб, Илоҳий маърифатни таниб, Ҳақнинг асрорини билиш учун хизмат қилдира олган, поклик тахтида ўтирган комил инсон эканликларидан дарак беради. Демак, комил инсон Хайр вужуд сифат ва хусусиятларини ўзида пайдо қилиб, ҳаётни фақат яхши ишларни амалга ошириш билан ўтказиши лозим. Яхшиларга нисбатан дўст бўлишга кўпчилик тиришади, бироқ ёмонларга нисбатан ҳам яхшилик қилишни ҳар ким ҳам урдасидан чиқмайди, бундай ҳаракат инсоннинг ҳақиқий поклигидан дарак беради. Яхшилик қилиш, хайрли бўлиш йўли билан ҳаётни юксалтириш, ҳақиқий инсоний ҳаёт даражасига етиш мумкин. Бу борада Абдуҳолиқ Фиждувонийнинг қуйидаги мисралари юксак маънога эгадир:

*Аз хислати бад агар муҳаззаб бошӣ,
Бо халқи жаҳон жумла муаддаб бошӣ.
Бо неку, бади жаҳон ба раҳмат мебой,
То назди Худо абди муҳарраб бошӣ.*

Мазмуни:

Ёмон хислатлардан агар тозаланган бўлсан
Барча жаҳон халқига нисбатан адабли, хайрли бўласан.
Жаҳон яхши, ёмонларига нисбатан меҳрибон бўлгил
Ўшанда Худо олдидан яқин банд бўла оласан.

Шунинг учун дунёда фақат яхши ишлар қилиш, бошқаларни ҳам шунга даъват этиш лозимлиги, ҳатто ёмонларга ҳам яхшилик қилиб, уларни ўз қилмишларининг нотўғрилигини тушуниб етишларига ва эзгу ишларни амалга оширишларига қўмаклашиш лозимлиги таъкидланади. Шунингдек, Абдуҳолиқ Фиждувоний доимо инсонларга ўз амалларини сарҳисоб қила бориб, гуноҳларга пушаймон бўлиб, уларни нотўғрилигини тушуниб, қайтиб уларга қайтмасликка қатъий аҳд қилиш учун ёмонлардан узоқ юриш лозимлигини таъкидлайдилар. “Чунки ундай дўст гуноҳнинг сабаби бўлади, поклигини булғайди” (Фиждувоний. “Маслак ул орифийн” 16 а варақ).

Улуғ Орифнинг бу борада қуйидаги рубойлари диққатга сазовордир:

*Бо бадон кам нишин, ки сўҳбати бад,
Гарчи покӣ туро палид кунад.
Офтоб бадин бузургияш,
Зарраи абр нопадид кунад.*

Мазмуни:

Ёмонлар билан ўлтирмагинки, ёмон сўҳбат
Гарчи пок бўлсангда сени ифлос қилар.
Кўёш шунчалик буюк бўлсада
Кичкина будут парчаси ҳам уни тўсади.
Модомики Абдуҳолиқ Фиждувоний айтган саодатга эришиш йўли поклик экан, бу ўғитларни мағзини чақиш ва амалга ошириш яхши натижа беради.

Ойгул ШАРИПОВА,

Бухоро Давлат университети тадқиқотчиси.

*Турон замини қадим-қадимдан
ватанпарвар, миллатпарвар буюк
сиймолар манзил-макони бўлган. Бу
юртда яшаб ўтган кўплаб аллома, валий
зотлар дунё тарихида ўчмас из
қолдиришган. Шайх Нажмиддин Кубро
инсоният тарихидаги энг эътиборли
сиймолардан биридир. Унинг номи
Шарқда неча асрлардан буён
ватанпарварлик тимсоли бўлиб келади.*

*Абдулла УЛУҒОВ олис ўтмишимиз,
буюк миллатпарвар ватандошимиз
тўғрисида сахна асари ёзди. Журнал-
хонлар эътиборига ушбу асарнинг
сўнгги қисмини ҳавола қиламиз.*

*Абдулла Улуғов - Мирзо Улуғбек
номидаги Тошкент давлат университети
хозирги ўзбек адабиёти кафедраси
доценти, филология фанлари номзоди.*

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Қалъа дарвозаси. Дарвоза ташқарисидан ўркак-ўркак тепаликлар кўринади. Шайх Нажмиддин Кубро дарвоза остонасида узун асосига суялганча оёқларини узатиб ўтирган бўлади. Биалақларида тасбеҳ осилган. Дарвоза ташқарисига тикилиб туради. Опоқ либосдаги Хизр алайҳиссалом ёни билан баландликда кўриниш беради. Унинг юз қиёфаси кўринмайди. Нажмиддин Кубро у билан сўзлашади:

Кубро: — Ассалому алайкум, Аллоҳнинг пайгамбари!

Эй, Хизр алайҳиссалом ҳазратлари, бул не бало? Бул не офат? Қандай кўргулик?

Хизр: — Эй одами комил! Эй валийи донишманд! Эй ўзини таниган банд! Бул Аллоҳ хоҳиш-иродасидур! Бул фисқу фуҷур урчи, айниш бошланган юртга парвардигорнинг юборган балосидур!

Кубро: — Аллоҳнинг китобида ҳам: “Одамларни одамлар кўли билан даф қилиб турилмаса, рўйи заминни фасод босади” деган калом мавжуддур. Сураи “Бақара”да шул хабар бордур.

Хизр: — Яхшилик ёруғлик келтиради, ёмонлик офат чақиради. Бул улусда кибру куфр авж олди. Аёллар шармсизга айланди. Эркақлар маншату зинони касб қилди. Шайтон васвасаси ваҳҳидин насл бузилиши хавфи пайдо бўлди.

Кубро: — Аён! Аён! Бул қавм кибру ҳаво, гуноҳу фаҳш ботқоғига ботди. Дини исломдин йироқлашди. Шайтон васвасасига берилиб, куфрни касб қилди. Аммо... Аммо... қанчаю қанча валломат валийлар, орифу уламолар, Ҳаққа етган табаррук зоти шарифлар тугилган тупроқ энди сахройи куффорлар оёғи остида топталурму?!

Хизр: — Кибру фаҳшга берилган қавмлар рўйи заминда фисқу фуҷурни урчитса, одамзот наслини маънан айнитиб, шайтонга шерик этиб қўйса-чи?! Майлиму?!

Майя Жақнигдин КУБРО



Кубро: — Наҳе босган маишатлар, зиною бузукчиликлар касридин бул юртда тоғларнинг тоши кўчиб тушди. Довул тўхтамай қўйди. Саратон бошида қуйган жала дов-дарахтлар баргини битта қўймай уриб туширади. Куфрона қилмишларининг бул каби кўпдан-кўп касофатларини гумроҳ одамлар англашмаса?..

Хизр: — Яхшиликдин шарофат, ёмонликдин касофат ёғилур. Юртта барча нарса одамларнинг тилу ниятига мувофиқ бўлур.

Ҳамма ҳодиса феъдан бунёд бўлур. Барча ўзгариш кўнгилдан туғилур. Маънан айниш, ахлоқан бузилиш бошланса, осмондан албатта бало келур.

Кубро: — Ҳа! Ҳадидин ошган ҳеч бир қавм жазосиз қолмағай. Аллоҳнинг пайгамбари Лут улуси бошига осмондан тош ёғилди. Мусо пайгамбар азобга гирифтор қилинган қавми билан саҳроларда қирқ йил сарсонсаргардон бўлди.

Хизр: — Фаҳшу маишат ботқоғига ботган бул қавм ҳам дини исломни абгор этиб, одамзот наслининг маънан айниб, бузилишига сабаб бўлур.

Кубро: — Бунийад дийну алан назофати - Дини ислом поклик устига қурилмишдур. Афсуски, қавмдошларининг аксарияти, айниқса, аъён-амалдорлари покликка тупурдилар.

Хизр: — Фаҳшу нафс балоси аларнинг қон-қонига сингиб кетди. Ҳаром-ҳариш ишлари билан фарзанду набираларига ибрат, намуна бўлди. Алар миясини тамом бузди.

Кубро: — Энди нима қилиш керак, эй Аллоҳнинг пайгамбари?

Хизр: — Аллоҳ кўнглию вужуди айниб, хаёли бузила бошлаган бул қавмга бало-офат йўллади. Бул балога кўниш, сабр билан чидаш, тавбадан тоғ ясаб, парвардигорга сидқидилдан илтижо қилиш керак. Бўлак чора йўқдир.

Кубро: — Ахир... Ахир барча ўзгариш Аллоҳнинг амри-

ла бўлур-ку!

Хизр: — Албатта. Еру осмондаги барча ҳодиса Аллоҳнинг амри-ла бўлур. Агари куфру зино ботқоғига ботган бул қавм ҳам тавбасига таянса, дил-дилидан йиғлаб зорланса, парвардигор уни золимлар зулмидан халос қилур. Бироқ бунгача бул қавмнинг уч авлоди саҳройи куффорлар зулмидан зор қақшаб ўтур.

Кубро: — Бул қавмнинг куфру гуноҳлари шунчалар оғирму?

Марҳамати улуг Аллоҳ ани афв этмасму? Келаётган балосини даф этиб, изига қайтармасму?

Хизр: — Ҳар нарсани ёлғиз Аллоҳ билур! Эй, кўнглини кўролган, Руҳи қувватидан баҳраманд зот! Пайгамбарлар ҳам, анбиё-авлиёлар ҳам, Ҳаққа етган сиз каби валийлар ҳам парвардигорга бир банда-қулдур! Сиз гуноҳу залолатга ботган бул қавмингизни деб ўзингизни толиқтирманг. Чунки бул улус яроқсиз, ҳимоясиздур. Қўшини парокандадур. Салтанат суянчиқлари, жами амалдор, аъёнлар ўз молу жонини ўйлаб, юртга хиёнат қилур. Султонун вазира, сарлашқару хазинабон, шайхулислому қозикалон албатта қочиб кетур. Аммо аларни ҳам саҳройилар дашт йўлида тигдан ўтказур.

Аллоҳнинг амри шул эрур.

Кубро: — Билурман, Аллоҳнинг изну иродасига шак келтириб, гуноҳга ботмоқдаман. Гуноҳи азим қилмоқдаман... Билурман, бул улус ўз амалдорларини азалдан ўзига пешво билур. Ҳар ишда алардан ибрат олур. Эрга-шур.

Аммо... Аммо... Ҳазору ҳазор афсуски, бул юрт аъён, амалдорларининг зиногар, маишатпарастлиги, ришвага ружу қўйгани — порахўрлиги улус ахлоқу маънавиятини, дину-диёнатни хароб қилди.

Хизр: — Бул аршда ҳам аёндур!

Кубро: — Аёндур! Аёндур! Аммо не қилайки, шул қавм менинг қариндошларим, қондошларим! Шул тупроқ — менинг таним. Вужудим зуваласи бунёд бўлган, падари бузрукворим, волидаи муҳтарамам қабри турган шул заминнинг куффор саҳройилари оёқлари остида топталишига тоқат қилолмасман. Не-не алломаю

азиз авлиёлар юртнинг бетаҳорат жоҳиллар қўлида қо-
лишидан юрагим ёнур!

Хизр: — Аммо на чора?! Ҳар қанча бўлса-да, ўзин-
гизга ҳам, қавмингизга ҳам Аллоҳ таолодин меҳри-
бонроқ бўлолмасиз. Валақад азолла минкум жибилян
касийро. Афалам такууну таққилуун. — Бас, (Шайтон)
сизлардан кўпларингни адаштирди. Нима учун ақл
юритмадиларинг?!

Кубро: — Ҳа, начора? Энди нима қиламиз? Иннама
амруху иза арода шан ан ай йақулалаху кун файакун.
— Худо нималарни хоҳдаса ва “бўл!” деса, шунинг ўзи
кифоя, ўша нарса бўлади.

Хизр: — Албатта. Инсон учун парвардигордан меҳри-
бонроқ зот йўқ. Ягона яратувчи Еру осмоннинг - бар-
ча манзили маконида кечаю кундуз тавба эшигини оч-
иб қўйгани ҳам унинг одамларга меҳру мурувватидин
далолат эмасму?!

Кубро: — Замину самодаги барча ҳодисоту сиру син-
оат Аллоҳнинг қудратига, ул зоти беқиёснинг ўз бан-
даларига, меҳру муҳаббатига далолат. Ва айтул таҳумул
лайлу наслаҳу минхун наҳора фа изааҳум музлимун. —
Инсонлар учун Аллоҳнинг қодирлиги меҳрибонлигига ке-
ча, яъни тун далилдур.

Хизр: — Вашшамсу тажрий лимустақарриллаҳа вали-
ка тақдийрул азийзул алийм. — Ўз белгиланган йўли-
дан юрадиган қуёш ҳам далилдур. Бул нарса қодир ва
билувчи зотнинг (белгилаб қўйган) ўлчовидур.

Кубро: — Аллоҳнинг сувратига қуёшу ой, кечаю кун-
дуз, замину осмон, булуту ёмғир, барча ўсимлик, жам-
мики тирик жоннинг жуфт-жуфт этиб яратилгани ҳам
аниқ, равшан далолат берур.

Хизр: — Афсуски, кишилар ҳар чоқ ҳам бул ҳақиқат-
ларни англамаслар.

Кубро: — Чунки улар шайтону лаъин васвасасига ал-
даниб, маишату зинога ружу кўюрлар. Судхўрлик билан
машғул бўлурлар. Пора талаб қилурлар. Саломларини
сотурлар. Имзоларини пулларлар. Бир-бирларини алдаб,
дунё молига кўнгул берурлар. Ҳаром-харишдан ҳазар
қилмай тиллотош тўпларлар. Гийбатлашиб, фитна-ма-
ломат кўзгарлар.

Хизр: — Мана шундай чиркин аҳволга тушган, маи-
шату макрга берилган, судхўрликни сув қилиб ичган,
порахўрликни тирикчилик тарзига айлантирган қул
қавмингиз учун ташвиш тортасизму?

Кубро: — Не қилай? Не қилай? Азбаройи элимга меҳ-
рим баландлигинин, тутилган тупроғимга муҳаббатим
бисёрлигинин...

Не қилай? Азобланурман! Ёнурман!

Хизр: — Аммо бу билан Аллоҳнинг изну иродасини
асло ўзгартира олмайсиз. Ҳаддидин ошган, куфру зало-
латга ботган бул қавми Худо, албатта, саҳройи бан-
далари қўли билан жазолагай!

Кубро: — Бул аён! Бул аён! Офат оралаган жой офат
билан тозаланур. Совуққа совуқ, иссиққа иссиқ даво
бўлур.

Чилла қорини саратонгача сақлаб бўлмас.

Хизр: — Бул юртда дину исломни, аввало, шайхул-
ислому аёнлар бузишди. Мачитлар гийбатхона, мад-
расалар хуфя базмхона, ҳаммому саройлар майхонаю
ишрат жойи бўлиб кетди.

Кубро: — Албатта, дин-либос ё тасбеҳ эмас. Эътиқоду
ибодат аввало кўнгулда бўлур. Салла ўраб, тасбеҳ тутган

ҳар ким мусулмон саналмагай.

Хизр: — Бул юртнинг аёну амалдорлари камбағал-
лар қорни нонга тўймаган бир чоғда ўз мажлису маш-
варатларини маишату ишратбозликка, азаларини базму
жамшидга айлантиришди.

Кубро: — Билурман! Кибр бул одамлар кўнгул кўзи-
ни кўр қилиб қўйди. Кўплари худонинг бандаси эка-
нини буткул унутди.

Бул юртда ҳақгўй уламнинг бир улоқча қадри қол-
мади. Бойлар ҳар оқшом баччабазм, қизбазм қилиб ма-
ишату ишрат қилганида камбағалликдан қақшаган
қашшоқлар тариқ еб, ичбуруғ бўлди. Ажириғ томири
кўп хонадонлар учун палов ўрнида ош бўлди.

Хизр: — Бул қавм орасида бозорни боласидан, бобо-
сидан, онасидан ҳам яхши кўрадиган бир тоифа пайдо
бўлди.

Кубро: — Эҳ! Шундай-шундай! Афсус-афсус!

Хизр: — Бир тарафи яшнаган, бир тарафи қақшаган
бул қавм ўз мусулмонлигидан юз ўттирган муртадлардур.
Куфру бидъат ботқоғига ботган муртадларга қайғурманг.
Илму амал қилиб, Аллоҳ изну иродасига зинҳор қарши
борманг. Гуноҳга ботманг. Саҳройилар қавмингиздан
чиққан сотқинлар хиёнати билан илму амалингизни
барибир барбод этур. Сўнг қалъага кириб, барча тирик
жонни қиличдан ўрказур!

Кубро: — Эй, Аллоҳнинг пайғамбари! Илтижо қилур-
ман: парвардигор менинг қавмим гуноҳидан ўтсин! Гу-
ноҳидан ўтсин.

Бул улусни кечирсин! Мағфират қилсин! Мен ожиз
банда бидъатга ботган шул элим, ўз туғилган тупроғим
деб ёнсам нетай?! Нетай?!

Хизр: — Бунга чора йўқдур. Келаётган бу бало гўдак-
ларни ётган бешигида тиғдан ўтказур. Қарияларни ти-
риклийн ерга кўмур. Қиз-жувонларни зўрлаб, қавм-
нинг қонини бузур. Кўп эркаларни бичиб, ахта қилур.
Ишрату маишатдан қопдай қорин қўйган аёну амал-
дорлар бўйнига тош боғлаб, Жайхунга чўктиур.

Кубро: — Ё алҳазар! Ё алҳазар! (Безовталаниб ўрни-
дан туриб кетади.) Ё алҳазар!

Хизр: — Аллоҳ таъоло “Тадийну ва тудону. - Феълу
атворинг ва қилган амалингга яраша мукофотланасан
ва жазоланасан” демиш.

Кубро: — Тавба! Тавба! (Ҳассасига суяниб, эгилиб
айлана бошлайди.) Алҳазар! Алҳазар! Бу не қисмат?!

Хизр: — Бандалар гоят ожиз! Фанза жаа ажалу ҳум ла
йастаъхируна соатан ва ла йастақдимун. - Бас, қачон
уларга ажаллари келса, бир соат ортга ҳам, илгарига
ҳам сура олмайдилар.

Кубро: — (Кўллари осмонга кўтариб, илтижо билан).
Ё Аллоҳ! Гуноҳкор қавмимга ўзинг раҳм қил! Ахир ўзинг
ягона раҳмонсан! Ўзинг якто меҳрибонсан! Балюю
офатингни қайтар! Қавмимни омон асра! Менинг жон-
имни ол! Мени қийна! Мени азобла! Элимни омон асра!
Саҳройи куффорлар тиғи бирлан мени ўлдир! Қавмимни
афв эт! Омонлик бер! Э Худо! Ўзинг — нажоткор! Ўзинг —
ягона парвардигор! Элимга омад бер-да, офатдан омон
сақла!

Хизр: — Омад — аъмолдан! Ҳар кунги, ҳар дақиқадаги
астойдил хатти-ҳаракатдин. Ахир Аллоҳ даргоҳида ҳар бан-
даю ҳар қавмининг ҳар бир қилмиш-қидирмиши, хаёл-ўйи
ҳисоб-китоб қилинур. Мезонг солинур. Мукофоту жазо
шул мезонга мувофиқ бўлур.

Кубро: — (Илтижо билан) Эй, Аллоҳ пайгамбари! Бул балою бул офатни даф этишга не чораю не тадбир бордур?! Айтинг! Айтинг! Кўрсатинг!

Хизр: — Бул балони даф қилувчи ёлғиз парвардигорнинг ўзидир. Бало-офатлар давоси бу - илоҳнинг сиридур. Бул сирни фақат тоза тилаклару, тамасиз дуо-илтижолардан қувват топган кўнгил эгаси билур. Бандаларнинг бундоқ кўнгилга эришиш илмини мужтаҳиди авлиё — мушкул масалаларни ҳал этувчи авлиё зот, мунфариди асфиё - сўфийлар яғонаси Муҳаммад ибн Али Ҳаким ат-Термизий ҳазратлари битиб эрдилар. Аммо Аллоҳ амри-ла ул комил зот битган ўшал битикни олиб қўйдик!

Кубро: — Нега-я?! Нега-я?! Тамом машойихларнинг улубги ва ҳамма авлиёларнинг энг ҳурматлиси олими раббоний Муҳаммад ибн Али Ҳаким ат-Термизий раҳматуллоҳу алайҳининг ушбу муборак битикларидан ҳозир бохабар бўлганимда эди... Бўлганимда эди... Қавмим бошига келаётган бул балони албатта даф қилур эдим. (Тиз чўкиб) Эй, Аллоҳнинг пайгамбари! Сизга ялинаман! Илтижолар қиламан! Ҳаким ат-Термизийнинг ўшал муборак битигини бир бора кўрсатинг! Бир бора ўқитинг!

Хизр: — Эй, комил зот! Сиз гоят ҳалимсиз. Аммо Аллоҳ барча бандаларидан ҳалимроқ ва марҳаматлироқдур. Сиз агар ҳозир ул зоти муборак Муҳаммад ибн Али Ҳаким ат-Термизийнинг илоҳ сирларидан бир қатра воқиф қилувчи китобини ўқисангиз, албатта, гуноҳга ботурсиз. Яъни қавмингизни босиб келаётган саҳройилар зулмидан омон сақлашга шубҳасиз уринурсиз.

Кубро: — Албатта уринурман! Шубҳасиз шундай қилурман! Ўз жонимни тикурман!

Хизр: — Ҳар нарсани билгувчи Аллоҳ шунинг учун ҳам бандаларини илоҳ сирларидан асло воқиф қилмас. Одамларга Рух синоатларини мутлақо маълум этмас.

Кубро: — Нега?! Нега?!

Хизр: — Одамлар агар илоҳ сирларидан бир зарра хабардор бўлса шубҳасиз кибрга берилишади. Шайтон вас-

васасига тушиб, Аллоҳга бандалиklarини буткул унуттишади. Шукру сабр-қаноатдан дарҳол воз кечишади. Тангри таолонинг изну иродасига қарши чиқишади. Ою куёш, юлдузу сайёралар ҳаракатини бузишади. Осмону заминни zilзила қилиб ташлашади. Ўз нафсу манфаатлари йўлида ҳатто Аллоҳ билан олишишади. Аммо Аллоҳ беқийёс қудратли ва барча ҳодисани билгувчи, ҳамма нарсани яратгувчи, ҳамду саного лойиқ яғона улуг зотдир.

Кубро: — Тавба! Тавба! Ҳазору ҳазор тавба!

Хизр: — Куфру бидъат ботқоғига ботган бандаларини жазолаш учун қодир Аллоҳ йўллаган саҳройи куффорлар шиддати “Куръони Карим”да номи зикр қилинган, тангри таоло ўз раҳмату жаннатига дохил этган табаррук зот Зулқифл пайгамбар ўтган Тирмиз остоналарида синур. Чунки ул Куффорлар ҳадидин ошиб, пайгамбар авлодлари — саййидларга тиг санчур. Эзилган элу улуснинг тавбатазарруси, саййидларнинг дуою илтижоси, Мовароуннаҳру Хуросон авлиё-анбиёларининг нолаи зорлари аршу аълога етур. Аллоҳ таъло зулмни беҳад зўрайтирган саҳройилар қўлини аста-секин паст қилур. Алар бир-бирларига душман бўлиб қолур. Саҳройилар салтанати парчаланур. Кеш қасабасиндан бир туркий соҳибқирон ўғлон чиқиб, эзилиб, тавбасига таянган улусларни саҳройи куффорларга қарши кўтарур. Аллоҳ мадад бериб, анинг қўли ҳамиша баланд бўлур. Хуросон авлиёси ва Тирмиз саййидлари дуоси билан тахтга ўтирур. Бисёр жангу жадаллар қилиб, русту руст йўл билан улуг бир салтанат барпо қилур. Кўп юртларни мусулмонобод қилиб, дини исломни қувватлантирур!

Кубро: — Ё Аллоҳ! Ё Аллоҳ!

Хизр ғойиб бўлади. Овози эшитилмай қолади. Мўғул лашкарларининг бостириб келаётганидан дарак бериб, ноғоралар садоси, сарбозлар қийқириғи, отлар кишнаши, тўёқлар дупури эшитилади. Нажмиддин Кубро узун асосига икки қўли билан суянганча ёғий лашкари келаётган тарафга қараб тик қолади.

ПАРДА





Сайёра ҚОЗИЕВА:

“ҚАЛБГА
МАЛҲАМ
ҚЎШИҚДИР”



Сайёраҳон таъби нозик, енгил-елпи куйларни суймайдиған, “олди-қочди” шеърларни умуман репертуарига киритмайдиған ижодкорлардан биридир. У қўшиқ айтғанда матниниң руҳини тераи очғани учун мухлислар сел бўладилар. Шу боис қарсак чалиб, қўшиқни такрорлашини сўрайверадилар.

Яқинда мухбиримиз Маънура НАБИЕВА Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сайёра Қозиева хузурида бўлиб, у билан суҳбатлашди.

— Сайёраҳон, кўпинча ёшлар қишлоқдан шаҳарга талпинадилар. Қадрдон даргоҳни ташлаб келиш осон эмас...

— Нега қишлоқда юравермадингиз демоқчисизда. Кўпчилик, талант қишлоқда туғилиб пойтахтда ривожланади, деган фикрни айтади. Бу ҳам тўғри. Менинг ижодим, обрў-эътиборим она юртим Сурхондарёда жуда қадрли эди. Вилоят миқёсида ўтказиладиган бирон-бир тадбир бизнинг дастамизсиз ўтмасди. Биласизми, кўпчилик ижодкорларни шаҳарга келишга нима мажбур этади? Бойсундан Тошкентга келиб кетишга қанча вақт кетади? Келганингиздан кейин қўшиқ ёзиш учун студияга кирсангиз “Сиз кимсиз ўзи? Қаердан келиб қолдингиз?” деган камситишларни эшитасиз. Энг қийини, баъзан бир кунда битта қўшиқни ёзиб олишга ҳам улгурмайсиз. Шундай камчиликлар мени пойтахтга етаклади, изланишга шароит пайдо бўлди. Асосийси бу ерда ижодий ўсишга муҳит бор.

— Санъат йўли нурли, аммо жуда машаққатли. Сизни санъаткор бўлишингизга ким сабабчи бўлган? Умуман, сизнинг оилангизда санъатга муносабат қандай эди?

— Мен ҳаёт йўлимда жуда кўп ноҳақлик, адолатсизликларни кўрдим, аммо танлаган йўлимдан қайтмадим.

Қўшиқ айтишни бошлаганимда 2-синф ўқувчиси эдим. Ўша кезларда опам Гулнора мусиқа мактабининг рубоб синфига қатнар эди. Унга эргашиб мен ҳам чанга қизиқдим. Машғулотга биринчи борган куним ўқитувчи Зиқир Умаров: “Бу қизнинг бўйи чанга етмайди-ку, қандай қилиб ўрганади?” дедилар. Опам мени курсига ўтқазиб қўйдилар. Шу-шу ўқиб кетдим. Нима бўлди-ю, тўртинчи йили имтиҳон топшираётганимда қўлимдан чанг чаладиган таёқчам тушиб кетди. Шунда устозим менга қаттиқ танбеҳ бердилар. Оиламизда эрка бўлганлигим учунми қайта ўқишга бормадим. Лекин қўшиқ айтиб юрдим, мактабда ўтказиладиган тадбирларнинг ҳаммасида куйладим. Мактабни тамомлагач, Маданият институтига кириб ўқидим. Рубоб чаладиган Гулнора опам ҳозир акушер-гинеколог бўлса-да оиламиз йиғинларида ашула айтиб турадилар. Қўшиқ айтишнинг нозик жойларини яхши ҳис қиладилар. Шунинг учун мен қўшиқ ўрганаётган кезларимда ёнимда бўлсалар, “Нолаларни мана бу жойда бундай айтсанг, чи



Инсоният олдин яралганми, дин?
Илгари бу саволга ёш бола ҳам осон жавоб топарди. Албатта, инсон-да. У динни кейин кашф этган. Табиат ҳодисалари, турли офатлар, zilзила, сув тўфонлари, фалон-писмадон...

Инсоннинг ўзи маймундан тарқалган. Бола сизга айнан қайси маймун тоифа-сидан тарқалганини ҳам айтиб беради...

Биология дарсликларидида "бобомиз" маймуннинг япаски бош чаноғи "эволюцион тараққиёт" натижасида қандай қилиб сократона тусга кирганини акс эттирган суратлар мажмуи бор. Лаборатория хоналарида жадвал, сунъий бош чаноқлар ҳам сақланарди. Ҳаммамиз "аждодимиз" маймунга қойил қолардиқ. Аммо негадир бу инкилобий ғояни ясаганлар ва уни бутун дунёга ёямиз, деб нукул ўз ҳамжинсларини қириб келган доҳийлар ва даҳрийлар ҳайкалининг саф-қаторида маймуннинг сиймоси кўзга ташланмасди.

Аммо ҳеч ким уч нафар бадҳайбат соқол соҳибларини " маймун ана шуларнинг ўзи-ку!" деёлмасди. Андишами, кўркүвми, камтарликми?..

Бу жинниликлар ўтди. Халқ хушёр тортиди. Бошини ушлаб кўрди. Ҳеч қаёққа кетган эмас. На маймунга томон, на Сукрот-га томон. Ҳайтовур, бош бор.

Биз қачонлардир шу заминда, қаёқда-дир мавҳум манзилларда эмас, айна шу заминда, шундоқ оёқларимиз турган ерда яшаб ўтган ота-боболаримизнинг бугунда на ном, на нишони қолмаган дини - зардуштийлик - оташпарастлик - маздакчилик - хуллас, бир сўз билан айтганда, ҳақиқатда бор бўлган динининг муқаддас китоби "Авесто"дан беш-ўн бобни таржима қилиб, "Санъат" (ҳозирги "Гулистон") журналида эълон қилган эдик. У "Авесто"дан мўъжаз бир парча эди, ҳолос. Аммо (ўша маҳалда) бировнинг "Авесто" билан иши йўқ эди. Дунёнинг "олтидан бири" чирсиллаб турибди, миллатлар тезроқ ўзи билан ўзи бўлиб қолиш пайида. Ким югурган, ким йиқилган, ким йиғлаган...

"Авесто" журналининг ўн сонидида чоп этилди. Баъзи биродарлар биздан ёзгиришди. "Афсус, нима керак!.." Бу биродарларимизнинг ёзгиришида ҳайтовур жон бор эди. Маркочи ёшлар бир варакайига "маздакчи" бўлиб қолишса борми?

Аммо марксчилар "мулла" бўлишди, ҳеч ким "маздакчи" бўлмади. Уларнинг кўпи "Ҳафтяк"ни ҳижжалашга тутинишди. Ҳамон ҳижжалашпяти.

Орадан саккиз йиллик сув оқиб ўтди. "Авесто" қандайки ўлик дин эди, ўшандай ўлиқлигича қолиб кетаверди. Ох-хо! Уни ким ҳам эсга оларди. Албатта, кимнингдир оташпараст бўлиб қолиш хатари ҳам йўқ эмас. Унда нима бўлади? Ҳеч нарса. "Авесто" дини ўз умрини яшаб бўлган.

Унинг девлари ҳам, Аҳриманлари ҳам йўқ.

Унда "Авесто" бизга нима учун керак? Ушбу китобни озми-кўпми ўрганиш жараёнида шундай хулосага келдим: аввало, у дунёнинг (фақат ўзбек тили

эмас) ҳамма тилларига таржима қилиниши ва ҳамма мактаб ва олий ўқув юртлари дарсликларига киритилиши лозим. Сабаби - "Авесто" коинот ва замин ҳодисалари пайдо бўлган даврнинг китоби. "Авесто" дунёнинг яратилиши, миллат ва элатлар, замин ва осмон, ҳайвонот ва наботот китоби. "Авесто" фақат одамнинггина эмас, балки бир ҳовуч тупроқ, бир қултум сув, бир нафаслик ҳавонинг ҳам илоҳийлиги ҳақидаги китоб. "Авесто" ернинг, дарёлар, кўл ва тоғлар, туялар уюри, итлар ва шаҳарларнинг бунёд бўлиш тарихига доир китоб. "Авесто" сизни агар насроний бўлсангиз, ҳақиқий насроний, агар мусулмон бўлсангиз ҳақиқий мусулмон қилиб тарбиялайди. Агар, умуман, даҳрий бўлсангиз "Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ" дейишга мажбур қилади. Кўр бўлсангиз - кўзингиз, кар бўлсангиз - қулоғингиз очилади. Ҳаётнинг нима эканини теранроқ англайсиз. Дунёда бирор бир дин, бирор бир таълимот, ё бирор бир ғоя, ё бирор бир ақли зот заминни ва ундан ўнгурчи бугдой, яъни нонни "Авесто"чалик қадрлаган эмас. Эътибор беринг, Пайғамбар Зардушт илоҳ Ахура Маздадан сўради:

"Эй, Ахура Мазда!
Заминни ҳаммадан ҳам бахтиёр қилувчи зот ким?"

Ахура Мазда жавоб берди:
"Эй, Зардушт!
Кимки уни яхшилаб ҳайдаса ва зироатга тайёрласа!..

Эй, Зардушт!
Кимки галла экса, у ҳақиқатни экади..."
Зардушт - пайғамбар. Бунга шубҳа йўқ. Ахура - Илоҳ. Бунга шубҳа йўқ. Аҳримон - дунёдаги жамки ёмонликларнинг бунёд-кори. Бунга ҳам шубҳа йўқ.

Одамзод ерда ўзининг тараққиётида муайян бир даврни яшайди. Бу бутун дунё динларида эътироф этилади. Дунё - синов майдони. Зардушт ортидан синов майдонига кирган қавмлар ўтдилар. Бугунги синов навбатида биз турибмиз...

Зардушт қавми синовдан ўтди? Иброҳим қавми, Мусо қавми синовдан ўтдиларми? Бизлар ҳам синовдан ўта оламизми? Муаллимни алдаётганимиз йўқми? Бугун тишим оғриди, дарсни эртага тайёрлайман, деб турланмаёпмизми?

Бу - синов майдони. Отамиз, унинг отаси, ўтган аждодлар изсиз йўқолганлари йўқ. Улар биздан жилла олдинроқ муаллим ҳузурига кирдилар.

Юртнинг урфон кўзлари очилаётган замон. "Авесто"ни бу гал юртбошимизнинг ўзи тилга олди: "Энг мўътабар, қадимги қўлёзмамиз "Авесто"нинг яратилганига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралигида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир. "Авесто", айна замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди".

Сўнг дунё аҳли ҳам эшитиб, билиб қўйсин, дунёнинг киндиги қаер, деган маънода ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг

яқунловчи 155-сессиясида ҳам "Авесто"ни юртнинг эгаси эсга олди: "Учинчи минг йиллик ибтидосида биз ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қадимий цивилизациянинг, давлатчилик ва зардуштийлик даври динининг пайдо бўлиши ва ривожланиши нуқтаи назаридан бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган, умумий инсоният тараққиётида ёрқин из қолдирган икки шонли сананинг гувоҳи бўламиз. Бу Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги ҳамда Хоразмда яратилган зардуштийликнинг муқаддас китоби "Авесто"нинг 2500 йиллик юбилейларидир."

Биз ўтган йилнинг ёз ойида Эрон Ислому Жумҳуриятига сафар қилдик. Техроннинг энг йирик китоб дўконларида зебзийнатли юзлаб адабиётлар ичида муқовасига Зардушт оловидек тўқ қизил ранг югуртирилган ғоятда гўзал "Авесто" жилдликларини кўрдик ва улардан икки жилдликгини харид қилдик. Атроф-теваракка сергаклик билан назар ташладик. Йўқ ҳайтовур ҳеч ким "Ташла бу китобни. Нима керак!.." демади...

ВАНДИДОД КИТОБИ

"Вандидод" "Янги Авесто"нинг кейинги таркибларидан бири. Аммо баъзи авестошуносларнинг фикрига кўра, унинг ўзи яхлит асар бўлиб, қадимий муғларнинг одат ва анъаналари, расм-русумлари, ахлоқ-одоб, маданият ва маорифини ўз ичига олган.

"Вандидод" авестойи "Вайдаивадота" сўзининг ихчамланган шакли бўлиб, уч қисмдан иборат: биринчи "Вай" жузъининг маъноси "узқлик", "жудолик" маъносини англатиб, кўплаб авестойи феъллар ва номларга қўшилиб келади. Иккинчи "доифа" жузъи "дев" сўзининг кўплик шакли; учинчи "дота" жузъининг маъноси "қонун", "низом" маъноларини ифодалайди. Шундан хулоса қилиш мумкинки, "Вандидод" ёхуд "Вайдаивадота" сўзининг ўзбекча маъноси "Девларни узоқлаштирувчи қонун" ёки "Девларга қарши низом"дир.

БИРИНЧИ ФАРГАРД'

1 Ахура Мазда² Сипийтмон³ Зардуштдан⁴ хол сўрди-да шундай деди:

2 Мен ҳар бир сарзаминни, улар гарчи роҳатбахш бўлмаса-да, халқлари наздида хуш қилиб яратдим.

Агар мен ҳар бир сарзаминни, улар гарчи роҳатбахш бўлмаса-да, халқлари наздида хуш қилиб яратмаганимда, бутун-бутун эллар "Ийрон Виж"⁵га томон юз бурардилар.

3 Мен - Ахура Мазда - яратган илк сарзамин ва бирламчи юрт бу - "Доитиё"⁶ дарёси соҳилидаги хушманзара Ийрон Виж эди.

Шундан сўнг бутун борлиги ажал билан йўғрилган Аҳриман⁷ келди-да Доитиё дарёси қаърида Аждаҳони⁸ яратди. Ва бу

зимистон девларини борлиқ олам устидан голиб қилди.

4

У ерда ўн ой зимистон ва икки ой ёз фасли ҳукмрон бўлади. Бироқ шу икки ойда ҳам ҳаво сув, тупроқ ва дарахтлар учун совуқдир⁹. Зимистон у ерга дахшати фалокатлар келтиради.

5

Мен - Ахура Мазда - яратган иккинчи сарзамин ва гўзал юрт Суғд диёри эди. Шундан сўнг бутун борлиги ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да, Храфстра-лар¹⁰ жинсига мансуб Скайатя¹¹ни яратди. У бутун подага ўлим уруғини сочди.

6

Мен - Ахура Мазда - яратган учинчи сарзамин ва гўзал юрт қудратли ва пок Марв диёри эди. Шундан сўнг, бутун борлиги ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да хусуматдан гуноҳкор хоҳишларни яратди.

7

Мен - Ахура Мазда - яратган тўртинчи сарзамин ва гўзал юрт зебо ва ораста Балх диёри эди. Шундан сўнг, бутун борлиги ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да, адоватдан Браварани¹² яратди.

8

Мен - Ахура Мазда - яратган бешинчи сарзамин ва гўзал юрт Балх ва Марв оралигидаги Нисоядир. Шундан сўнг, бутун борлиги ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да, душманликдан умидсизлик ёзуғларини яратди.

9

Мен - Ахура Мазда - яратган олтинчи сарзамин ва гўзал юрт Хирот ва унинг дарёчасидир.¹³ Шундан сўнг, бутун борлиги ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да қаҳр-ғазабдан кўз ёши ва зардобни яратди.

10

Мен - Ахура Мазда - яратган еттинчи сарзамин ва гўзал юрт бадсояли Ваиҳа Гирта¹⁴ эди. Шундан сўнг, бутун борлиги ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да хусуматдан пари Хнасатайни¹⁵ яратди. У Гаршаспа¹⁶ қовушди.

11

Мен - Ахура Мазда - яратган саккизинчи сарзамин ва гўзал юрт кенг яйловли Авравадир.¹⁷ Шундан сўнг, бутун борлиги ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да зулмпарвар фармонлар гуноҳини яратди.

12

Мен - Ахура Мазда - яратган тўққизинчи сарзамин ва гўзал юрт Гўргондаги Хинтадир.¹⁸ Шундан сўнг, бутун борлиги ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да кечирилмас гуноҳ бўлган "бачабозлик"ни яратди.¹⁹

13

Мен - Ахура Мазда - яратган ўнинчи сарзамин ва гўзал юрт дилкаш Хараваятадир.²⁰ Шундан сўнг, бутун борлиги ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да "мурдаларни тупроққа топширишдек" кечирилмас гуноҳни яратди.²¹

14

Мен - Ахура Мазда - яратган ўн биринчи сарзамин ва гўзал юрт серҳосил Ҳийр-манддир.²²

Шундан сўнг, бутун борлиги ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да хусуматдан жодугарларнинг зиёни жодуларини яратди.

15

Жоду афсункор нигоҳ йўлидан ҳосил бўлади. Ҳар вақт жоду йўлиқар бўлса ва афсун бош кўтарса, жодуни маҳв этгучи амал бажарилади.

16

Мен-Ахура Мазда - яратган ўн иккинчи сарзамин ва гўзал юрт уч баҳодир ҳукмрон бўлган Райдир.

Шундан сўнг, бутун борлиги ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да хусуматдан суст эътиқодлилик гуноҳини яратди.

17

Мен - Ахура Мазда - яратган ўн учинчи сарзамин ва гўзал юрт қудратли ва пок Чахрадир.²³

Шундан сўнг, бутун борлиги ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да хусуматдан "мурдор ёқғувчилар"нинг²⁴ кечирилмас гуноҳини яратди.

18

Мен - Ахура Мазда - яратган ўн тўртинчи сарзамин ва гўзал юрт Аждаҳони мағлуб этган Фариду²⁵ дунёга келган тўрт гўшали Варинадир²⁶

Шундан сўнг, бутун борлиги ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да "бемаҳал ҳайз кўрган аёллар қонини" ва ёт ҳукмдорлар асоратини яратди.

19

Мен - Ахура Мазда - яратган ўн бешинчи сарзамин ва гўзал юрт "Ҳафтруд"дир²⁷. Шундан сўнг, бутун борлиги ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да "бемаҳал ҳайз кўрган аёллар қонини"²⁸ ва қаттиқ иссиқликни яратди.

20

Мен - Ахура Мазда - бунёд этган ўн олтинчи сарзамин ва гўзал юрт, Рангҳа дарёси сарчашмаси атрофидаги бесар халқлар яшовчи макондир²⁹.

Шундан сўнг, бутун борлиги ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да хусуматдан девлар яратгучи зимистонни борлиқ оламга голиб қилди.

21

Жуда кўп гўзал ва роҳатбахш сарзаминлар, юртлар, кишварлар бор. Уларни ҳам Мен-Ахура Мазда-бунёд этдим.

ИККИНЧИ ФАРГАРД

Биринчи бўлим

1

Зардушт Ахура Маздадан сўради: "Эй Ахура Мазда! Эй оламлар нури! Эй, яхшилик дунёсини яратгучи! Эй Ашаван!³⁰

Сен - Ахура Маздасан, мен - Зардуштман. Сўйла-чи, мёндан бошқа одамлар ичидан яна кимдан ҳол-аҳвол сўрдинг? Кимга Ахура ва Зардушт динини ошкор қилдинг?"

2

Ахура Мазда жавоб берди: "Эй Ашаван Зардушт! Мен - Ахура Мазда - сен - Зардуштдан ташқари одамлар орасидан биринчи

бўлиб қуёш юзли, яхши сулувлар соҳиби Жамдан³¹ ҳол сўрдим ҳамда Ахура ва Зардушт динини унга ошкор қилдим".

3

"Эй Зардушт! Мен - Ахура Мазда - унга дедим: "Қулоқ сол, эй Вайвангхоннинг ўғли, қуёш юзли Жам!

Сен жаҳонда менинг динимдан огоҳ этгучи ва динимни элтгучи бўл!"

Эй, Зардушт! Шунда қуёш юзли Жам менга жавоб берди:

"Мен жаҳонда сенинг динингдан огоҳ этгучи ва динингни элтгучи бўлиб туғилмадим ва ўрганмадим!"

4

Эй, Зардушт! Шунда мен - Ахура Мазда - унга дедим: "Эй Жам!

Агар менинг динимдан огоҳ этгучи ва динимни элтгучи бўлмасанг, унда менинг жаҳонимга кенглик бахш айла. Менинг жаҳонимни ардоқла, жаҳон аҳлига пешво ва асрагучи бўл!"

5

Эй, Зардушт! Шунда қуёш юзли Жам менга жавоб берди:

"Мен сенинг жаҳонингга кенглик бахш этаман. Мен сенинг жаҳонингни ардоқлайман. Жаҳон аҳлига пешво ва асрагучи бўламан!

Менинг салтанатимда на совуқ бод, на иссиқ бод, на касаллик ва на ўлим бўлади"

6

Шундан сўнг, мен - Ахура Мазда - унга тўхфа тақдим этдим: бири-заррин "сув-ра"³², иккинчиси зарнишон "аштра"³³.

7

Шундай қилиб Жам менинг шахриёрим бўлди.

8

Ўшанда Жам ҳукмронлик қилган мамлакатда уч юз зимистон бош кўтарди. Бу замин тевалар уюри, одамлар, итлар, парранда-ю даррандалар ва куйдиргучи қизил оловларга тўлди. Сурувлар, тевалар уюри, одамлар заминга сиғмай қолишди. Кейин мен қуёш юзли Жамни огоҳ этдим:

"Эй қуёш юзли Жам, Вайвангхоннинг ўғли!"

Бу замин сурувлар, тевалар уюри, одамлар, итлар, парранда-ю даррандалар, куйдиргучи қизил оловларга тўлди ва барҳам топди. Сурувлар, тевалар уюри ва одамлар бу заминдан жой тополмади.

10

Шунда Жам ёруғлик сари, Жанубга томон қуёш кенгликларига йўл солди. Ва заминга заррин "сув-ра" воситасида ҳаво пурқади, "аштра" қамчини билан савалади-да шундай деди:

"Эй Спандормаз³⁴! Шафқат нурларини замин узра ёғдир, кенгликлар ато айла. Сурувлар, тевалар уюри ва одамлар сени кўрсинлар!"

11

Шундан сўнг, Жам ер юзига бир одим кенглик бахш айлади. Бу кенглик бағрига сурувлар, тевалар уюри, одамлар келишди. Улар кўнгиллари тусаган ерларни ватан туттишди.

12

Ўшанда Жам салтанатига олти юз зимистон бостириб келди. Замин сурувлар,



МАРОСИМ ҚЎШИҚЛАРИ ВА РАҚС САНЪАТИ

Ўзгалликка, адолат ва ҳақиқатга муҳаббат, санъатга шайдолик инсон табиатига хос хусусият. Бинобарин инсонларнинг энг қадимги ақидалари, маросимлари, санъатнинг ибтидоий кўринишлари уларнинг илоҳий қудратни, муқаддас ҳодисаларни ҳис этиши, англаши билан боғлиқдир. Яссавий хикматларида, Навоий ғазалларида тез-тез қўлланилувчи “пири муғон” иборасининг замирида ҳам илоҳий куч-қудрат ато қилинган инсонларга бўлган ишонч ва хурматини кўрамиз. Пири муғон, яъни, муғлар пири, яхши маънодаги бахши, сеҳргар, илоҳий, яширин илмлардан баҳра олган азиз зотлар деган маънони англатади.

Қадим замонларда муғлар, шомонлар ва бахшилар Ҳақ таъолодан қурғоқчилик вақтларида ёмғир тилаб, беморлар кўпайганида уларга шифо тилаб, дуо-ибодат маросимларини доира чалиб, қўшиқ ва рақслар билан бирга ижро этганлар. Ва шу илоҳий ишонч, ақидалар, эътиқодлар ибтидоий замонларда санъатнинг ҳам ривожланишига олиб келган. Маросим рақслари кейинчалик ҳам фольклор ансамбллари ижросида ривожланиб борган.

Халқ маросимларини кенг ўрганиш асносида муғлар, бахшилар санъатининг бир қанча турлари аниқланган. Бу санъат қадимий эътиқодларга кўра, одамларга зарар келтирувчи жинларни ҳайдаш, ҳимоя қилувчи жинларни чақириш, саломатликни, касб-хунарларни асровчи жинлар ва фаришталарни чақириш каби маросимлар билан боғлиқ эди.

Ислом шариасти зарарли сеҳр-жодуни, ёмон жинлар таъсирига берилишни қоралайди, аммо, улар борлигини эътироф этади, шунинг учун ҳам ёмон жинларга, шайтон оздиришларига қарши шифобахш дуоларни тан олади. “Қуръони карим”нинг “Ан-Нос” (Одамлар) сурасида “Айтинг (Эй, Мухаммад), Раббим яратган одамлар қиладиган ёмонликлардан, қалбларни васвасага солувчи Ханнос (Шайтон) ёмонликларидан, одамлар ва ёмон жинлар қиладиган ёмонликлардан ўзинг асра!” Ислом эътиқоидида яхши ва ёмон, кофир ва мусулмон жинлар борлиги мана шу оятда ва расулудлох ҳадиси шарифларида ҳам тасдиқланади.

Ашула ва рақс билан боғлиқ маросимлар орасида дарвешларнинг Одамлар эгасига муҳаббатини оширувчи, бу дунё тубанликларидан руҳни мусаффолаб, Ҳақ даргоҳига етказувчи маросим сифатида зикр ва самоъ Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий замонларидан то ҳозиргача сақланиб келинади. Ашула ва рақснинг илоҳий, мўъжизавий кучига ишониш кўпроқ исломиятдан аввалги ибтидоий халқларга хос бўлса-да, ажина, шайтон, девларнинг зарар келтиришига ишониш исломий шариятда сақланиб қолган. Аммо, ашула ва рақс, мусиқа орқали зарарли жинлар ва девларни ҳайдаш маросимлари кўпроқ илм-фан, цивилизация камроқ ривожланган халқларда, узоқ вақтлар – миллион ва миң йиллар мобайнида давом этиб келади.

Ашула ва рақс, доира - чилдирма ёрдамида бахши ва шомонларнинг беморлардан зарарли жинларни ҳайдаб, даволаш маросими, санъатшунос Рустам Абдуллаев таъкидлашича, Марказий Осиё халқлари қадимий маданиятига мансуб мураккаб, зиддиятли ҳодиса бўлиб, бу фаройиб маданий ҳодисани изчил ўрганиш зарур. Халқ маданиятининг бу тури ўз навбатида қадимий дунёқарашлар, расм-русумлар, халқ ижодий анъаналарини акс эттирадики, буларни ўрганиш ҳам санъат сарчашмаларини аниқлашга

ёрдам беради.

Шулар асосида яна бир қизиқарли савол туғилади. Қадимги замонларда халқ ҳаётида бахшилар, парихонлар, шомонларнинг ижтимоий мавқеи қандай бўлган? Уларнинг хизматидан кимлар фойдаланган? Халқнинг барча табақаларими ёки ҳокимият эгаларими? Бахши, парихон, шомонларнинг мавқеи бир хилмиди ё улар ўртасида тафовутлар бормиди?

Баъзи этнограф, элшунос олимларимиз бу номлар турли элатларда бир маънони англатади, деган фикрдалар. Улар ижро этган ашула, рақс ва шеърий дуоларни қирғизлар “бахши ири (шеъри)”, ўзбек ва тожиклар “қўч”, “қўчирик”, “қайтарма”, туркманлар “зикр” деб атайдилар. (Мақола муаллифи “зикр” маросими ислом маданиятига хос, бутунлай бошқа ҳодиса эканини назарга олмаган кўринади - таҳририят.)

Бахши ёки шомонларнинг фолбин ишидан фарқи шундаки, агар фолбинлар хотиржамлик ҳолатида ёки осойишта дуолар билан беморлар ёки мол-буюмларини йўқотганларнинг мушқулини ҳал этган бўлсалар, шомонлар кўринмас жинслар жазава-транс ҳолатида алоқага киришади, деб тасаввур қилинади.

Мана шундай жазава пайтида уларнинг саволларига гўё кўп нарсаларни билувчи жинлар, руҳлар ёки муаккиллар жавоб берадилар. Қадимги Юнонистондаги Дельфа ибодатхонаси коҳинлари, башоратгўй-оракулларнинг жавобларига подшоҳлар, вазирлар каби олий табақа одамлари ҳам жуда катта эътибор билан қараганлар. Юнонларнинг даҳо драматурги Софокл “Шоҳ Эдип” трагедиясида Коринф ҳокими Лай оиласида бир ноёб фарзанд (Эдип) туғилади, у баҳоқир, пахлавон бўлиб етишади, аммо тақдир тақозоси билан у (Эдип) ўзи билмагани ҳолда отасини ўлдириб, онасига уйланади, деган башоратни эшитади. Охири оқибатда коҳинлар башорати тўғри чиқади.

Бу масаланинг биз учун қизиқарли томони ибтидоий маданият замонларидан бизгача етиб келган анимизм, тотемизм, фетишизм ва магия – муғларга ихлос каби эътиқодларнинг, турли маросимларнинг ашула, рақс, ибтидоий мусиқа санъати ривожига таъсиридир.

Бундай маросим санъатлари инсон руҳига кучли таъсир қилиши ва оғир беморларга ҳам шифо бериши Фарб олимлари томонидан анча кенг ўрганилган. Ж.Фрезернинг “Қадимги аҳдда халқ ижоди”, “Олтин бутук”, Э.Тейлорнинг “Ибтидоий маданият” каби китоблари жаҳоннинг деярли барча тилларига таржима қилинган. Марказий Осиё халқларида қадимий маросимлар билан боғлиқ қўшиқ ва рақслар кенг ривожланганига қарамай, жаҳонга машҳур фольклор рақс ва қўшиқ жамоаларининг репертуарлари санъатшунослик нуқтаи назаридан жуда кам ўрганилади. Холбуки, маросим рақс ва қўшиқлари кўпгина халқ байрамларида ижро этилиб, омма руҳиятига, кайфиятига жуда катта таъсир кўрсатади.



Олма-Ота
горилфунуни.

ҚЎШИҚНИ ЙИҒЛАТМАНГ!...



Қўшиқнинг жозибасига сел бўлмайдиган бирорта инсон борми, жаҳонда?...

Қуёшу ой, гужум-гужум юлдузлар бутун дунёни сеҳрли нурларга тўлдириб турса, қўшиқ маънавий оламимиз бўшлиқларини ўз оҳанграбо оҳанглари билан тўлдириб юборади. У янграган жойдан ташвиш чекинади. Роҳату шодлик қанот ёзади. Бутун борлигимиз ширин халқ уммонида мавжланиб оқади.

Қўшиқдан нафақат одам боласи, балки бошқа мавжудотлар ҳам унга юкуниб баҳра олади.

Афсона эмас. Тўрт тарафи осмон-ўпар ям-яшил тоғларга бурканган, исми жисмига монанд Гулистон қишлоғидаги Абдураҳмон аканинг “Боғи эрам”и. Боғнинг кунчиқар томонига қўйилган бежиримгина сўрига беқасам кўрпачалар тўшалган. Бошида икки туп мажнунтол жонон келинчақлардай ҳаё ила таъзимда. Ёнгинасида айқириб оқаётган сой, бу ернинг кўркини яна ҳам очиб юборган.

... Тўғриси айтганда, ўша кунги оромижон суҳбат барчанинг хотирасида абадий қоладиган бўлди. Сабаби мавзулар ранг-баранг, кўшиқлар жозибадор, сеҳрли эди...

*Фасли навбахор ўлди кетибон
зимистонлар,
Дўстлар, ганиматдур, сайр этинг
гулистонлар.
Кумрилар қилиб ку-ку, булбул
айлабон чаҳ-чаҳ,
Сарв гул уза доим тортар оҳу
афгонлар.*

Майин эсаётган роҳатижон шабобада хушовоз ҳофизлар тилидан учаётган мумтоз қўшиқларни ўз қанотларига олиб сайри олам этарди. Сайроқи қушлар жим, нафас олмай тинглашар. Кўм-кўк майсаларда нозик тебранишар. Гуллар чанқоқлик билан тўйиб-тўйиб шимираб. Қуёш қоқ бошимиздан кўнгил узиб нари кетолмас. Теракларнинг мисли нуқра япроқлари чапакда.

Қўшиқ ҳақиқатан ҳам ана шундай мафтункор. У худди меҳрибон ота-оналаримиз сингари ҳаётимизни ёритувчи ўғит беради, тўғри йўлга бошлаб комил инсон бўлишимизда доимо кўмаклашади.

Қўшиқ шарму ҳаёни улуғлайди, кўкларга кўтаради, унга беҳисоб

сигиниб яшашга ундайди:

*Тонг чоғи сарвинозим аста
қиёлаб ўтди,
Тушгач нигоҳи менга таъзим
бажолоб ўтди.
Таъзимига эғиб бош хурмат
ишора этсам,
Мастона кўз учуда шарму ҳаёлаб
ўтди.*

Ҳа, шарму ҳаё бор юракда вафо бўлади. Вафосизда шарму ҳаё бўлмайди. Муҳаббат бир тенгсиз қошона бўлса, унинг мустаҳкам пойдевори шарму ҳаё-ю, устуни вафодир.

Қўшиқ бахил, нокас одамлардан юз ўгиради.

Қўшиқ бошимизга оғир кунлар тушганда сабрдан малҳам тутади. Ўйларимизни нурга тўлдириб, гуллардан либос қийдиради. Тушкунлик сиртмоғидан халос қилади:

*Сабр қилгин тун тугар ҳижрон
тугар,
Кеча-кундуз чекканинг афгон
тугар,
Манглайингда шуъла ўйнар, шон
кулар,
Чўққиларда лола унгай қор кетиб.*

Демак, қўшиқ маънавий озуқа, жонингга мадор, йиқилганда суянчиқ, барча ёмонликлардан асрагувчи посбон. Шунинг ҳис қилган хонанданинг умри боқий бўлади. У ижро қилган мағзи тўқ асарлари ила халқимизнинг тилида асрлар оша мангу яшайди.

Қўшиқнинг яна бир муҳим фазилати, ундаги ипакдай майинлик. Бу хусусиятни сезган буюк Абу Али ибн Сино ва бошқа алломалар асабий толиқишни даволашда куй-қўшиқдан фойдаланишни тавсия этиб, илмий асарлар ёзиб, келажак авлодларга туҳфа этганлар.

Шовқин саломатликнинг кушандаси, дейдилар. Олимларимизнинг кузатишларида шовқин кундузлари 50, кечалари эса 40 децибалдан ошмаслиги керак. Шундай кучга эга бўлган қўшиқ инсон кўлоғига ёғдек ёқади, асабларига ором беради. Акс ҳолда эшитиш қобилиятини ёмонлаштиради. Ахир концерт залида овоз кучи 120 децибалга етгандан кейин бечора кўлоқ пардаси қандай чидасин... Шовқиннинг ёмонлигини қарангки, поезд

йўли яқинидаги ўсимликлардан бири 100 децибал “ўқ”ига учраб, ўн кун деганда қуриб қолган экан. Айрим ёшларга ачинаман. Шунинг билан туриб, овоз кучайтиргич ва электр чолғу асбобларига қаттиқ ёпишиб қолганлар. Агар электр ўчиб қолса борми, ҳолига вой... Буларни расман қўшиқчи деб бўладими? Оҳанглари қурама, миллийликдан бегона, сўзлари пуч.

Бунга сабаб нима?

Биринчидан, қўшиқчилик санъати кўп йиллар мобайнида тегишли ташкилотларнинг назаридан четда қолди. (Айниқса тўй саҳнасидаги қўшиқлар). Танқидий мақолалар самара бермади.

Иккинчидан, ўта бепарволик оқибатида ҳақиқий шинавандалар йўқ бўлиб кетди. Унинг ўрнига чинакам қўшиқ қандай бўлишини яхши билмайдиган энгил-елпи қўшиқчиларга мос томошабин пайдо бўлди.

Шинаванда - халқ танқидчиси, сўз билан куй ва ижронинг бир-бирига мутаносиблигини мукамал биладиган, талабчан, хонандани тўғри йўлга солувчи устоз демакдир. Ҳозирги кунда бу қадимий халқ анъанасини қайтадан оёққа турғизишнинг вақти етди. Бунинг учун хурматли, меҳнаткаш журналистларимиз уларни халқимиз орасидан топиб радио, телевидение, газета ва журналларнинг минбарларига олиб чиқсалар, мақсадга мувофиқ иш қилган бўлур эдилар.

Улар холис одамлар.

Қўшиқлар бутун инсониятни қадим-қадимдан фақат муҳаббат эмас, ватанпарварлик, халқпарварлик, дўстлик, табиат, ота-онага эътиқод, илм-маърифатга садоқат, меҳнатга ҳурмат руҳида тарбиялаб келган. Шунинг ич-ичидан ҳис қилган ҳар қандай санъаткор миллий қўшиқчилигимизга доимо таъзим билан яшайди. Унинг ҳар бир бебаҳо гавҳар сўзини кўзига тўғтиб қилади.

Янги-янги қўшиқларни яратишу ўзига хос йўл топишда улардан илҳомланади.

Бундай муҳаббатга муҳаббат, садоқат билан жавоб бериш ҳар бир каттаю, кичик санъаткорнинг вижданий бурчидир.

Назиржон НАЗАР,
филология фанлари номзоди,
санъаткор.



МУСИҚИЙ СОЗ НИМА?



Оддий қарашда мусиқий соз – уста қўлида ясалган жонсиз бир буюмга ўхшайди. Буюмки, инсон тасаввур изларини, дунёни билиш, касбий маҳорат, билим, бадний сезги ва ҳунармандчилик қонуни-қоидалари каби қўлаб жиҳатларни ўзида мужассам қилиб олгандир. Бу буюмни ташқи ва ички томондан муталаа қилиб кенгрок мулоҳаза юритиб қўрайлик.

Шунчаки ташқи кўринишдан мусиқий соз амалий санъат натижасидир. У мусиқа белгиси ҳисобланиб бошқа анжомлар қаторида безак сифатида қўлланиб, атроф-муҳит учун эстетик вазифини бажариши мумкин. Ундаги ҳар бир бежирим қилиб ишланган безак умумий кўринишда устанинг манتيқий фикрлаш услубига асосланади. Чунки созга безак беришда уни шунчаки кўз-кўз қилиш мақсади эмас, балки сознинг мусиқий амалиётга бевосита боғлиқ жиҳатлари ҳам эътиборга олинади. Демак, уста созни ясашида уни ташқи кўринишда амалий санъат даражасига олиб ясаши билан бирга, безакларнинг истеъмол ўринини ўрганади ва шундан сўнггина создаги маълум қисмларга алоҳида мос безаклар ишлайди. Ҳар бир безак шакли иккинчи бир безак шаклига мутаносиб бўлиб, яхлит ҳолда бу безаклар мантқан етук бадний туркумини ташкил қилади. Демак, мусиқий соз ташқи кўринишда инсонга завқ берувчи, уста қўлида моҳирона ясалган юксак дид маҳсули, санъат асаридир. “Санъат асари” деб урғу беришимизнинг боиси бор. Агар бастакор, мусиқий асарни яратишда ўзининг ўй-тасаввурларини оҳангларнинг тартибланган йўналишига олиб кирса, уста эса сознинг дастлабки бўлақларини бир-бирига мутаносиб жойлаштиришдан бошлайди ва шаклан созни яратар экан, унинг мусиқий мазмуни ҳақида фикр юритади. Халқ орасида юрган ривоятларда қайси дарахтга қушлар кўпроқ қўнса, шу дарахт хом ашёсидан ишланган соз нафис оҳангга эга бўлар эмиш...

Аммо соз яратилиш жараёнида табиий ҳолда карама-қаршиликлар вужудга келади. Масалан, бир дарахтдан кесиб олинган икки бўлак ҳеч қачон бир хил садога эга бўлмайди. Бундан ташқари созни ташкил қилувчи қисмларнинг ҳар бири учун алоҳида сифатли хом ашё танланади. Бу карама-қаршиликлар ўз ечинини устанинг моҳирона касбий фаолиятида топади. Сознинг ҳар бир қисмига обдон ишлов бериб, қўлдан чиқарар экан, бўлажак создан чиқадиган оҳанг уста тасаввурини вақт ва усулда эмас, балким садаф пардалар ва даста бўйлаб қўйилган торларда ҳаёлан мужассам бўлади. Тайёр ҳолатга келган соз мусиқий асарда такрор ва такрор текшириб кўрилади, мусиқий асар ҳам ўз навбатида худди шу зайдда соз орқали бастакор назоратидан ўтади. Икки ижод самараси сўнгги маррада бир-бири билан ана шундай уйғунлашади, бир-бири учун яратилганлиги намоён бўлиб қолади.

Соз чолғувчи қўлида инсон танасининг бир сунъий аъзосига айланади ва унга рух бахш эта олсагина, оҳанглар юрак ноласи бўлиб инсон руҳиятига етиб боради, акс ҳолда тўхтовсиз такрорланаётган шовкин таассуротини келтириб чиқаради, ҳолос.

Қўлаб фалсафий-эстетик қарашларда мусиқий соз инсон овози билан қиёсланиб келинган. Турли даврларда инсон овозига тақлид қилиниб созлар таралган. Танбур, вилжак, қўбиз, сато каби созларнинг товуш сифати бир-бирдан фарқ қилишига қарамадан, мусиқий-назарий манбаларда уларнинг инсон овозига яқинлиги алоҳида хусусият сифатида эслаб ўтилган ва худди шу хусусияти билан бошқа созлардан устун қўйилган. Масалан, Форобий мусиқий товушнинг икки кўриниши ҳақида фикр юритиб, оҳангнинг инсон овози ва созларда янграшнинг таъкидлаган. Сазлар инсон овозига жўр бўлиб, унга куч ва ифодавийлик бағишлайди. Аммо мустақил равишда шундай чолғу мусиқаси ҳам мавжудки, ундаги ўзига хос нафисликини инсон овози билан тиклаб бўлмайди. “Буни (чолғудан таралаётган оҳангларни) шундай тасвирий безакка ўхшатиш мумкинки, бу безак бирор бир мустақил реал чизғич бера олмайди, лекин дилни хушнуд этиш қобилиятига эгадир”, - деб ёзади Форобий.

*Муҳайё
МИРЗАЕВА.*

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг буюк “Маснавий” китобида муҳаббат ва эҳтиром бир гуруҳ эронлик меҳмонларнинг тахририятимизга ташриф буюришларига сабаб бўлди. Қарийб икки ярим йилдирки безавол “Маснавий”нинг таржима ва шарҳи журнал саҳифаларида чоп этиляпти.

Эрон Исломи Жумҳурияти Исломи Тафаккур Жамғармасининг раиси оқойи Муртазо Биҳишти, Эрон Исломи Жумҳурияти элчионасининг ходими оқойи Маҳийд Жамолий, элчиона ходими, мутаржим Исмоил Бекчонлар билан бўлиб ўтган учрашувда ҳар икки мамлакат халқлари ўртасида тобора мустақамланиб бораётган азалий қон-қардошлик, илмий ва урфоний, руҳий ва маънавий ришталар, бу қардошликнинг қадим ва жаҳид кўприклари ҳақида сўз борди. Исломи Тафаккур Жамғармаси мудири Муртазо Биҳишти ўзи раҳбарлик қилаётган Жамғарманинг дунё миқёсида олиб бораётган фаолияти хусусида муфассал маълумот берди. Нотиқнинг таъкидлашича, биргина Жамғарма (нодавлат ташкилот бўлишига қарамай) 28 номда журнал нашр этар экан. Мавзу-мундарижаси турлича бўлган бу журналлар дунёнинг бир неча тиллари, жумладан, инглиз, олмон, француз, араб ва бошқа тилларида чоп этилиб тарқатиларкан.

Ўз навбатида журнал бош муҳаррири Тилаб Маҳмудов ва “Маснавий” таржимони Асқар Маҳкам тахририят фаолияти, унинг ижодий режалари, нашрга тайёрланаётган “Маснавий” китобининг биринчи жузга ҳақида ҳикоя қилишди. Оқойи Муртазо Биҳишти “Маснавий” китоби учун сўз ёзиб беришга ваъда берди.

Сўз ҳеч қанча вақт кутдирмай тахририятга етиб келди. Биз булгун “Маснавий” китобининг биринчи жузга нашрга тайёрланаётган бир пайтда уни сиз билан баҳам кўришдан мамнун эканимизни изҳор этмоқчимиз.

ПОКИЗА

Машҳур шоир ва ориф Жалолиддин Муҳаммад Румийнинг теран андишалари таровиши бўлган “Маснавий” китоби инсоний ҳақиқат ва маорифнинг пурғавҳар дарёсидир. Жалолиддин уларни ўзининг пок қалби ва оловли фикрлари ҳамоҳанглигида кашф этмиш. Мавлавий ушбу асарда бир мусобиҳ мутақаллим, аммо тамсиллий қиёслар ва шоирона ташбиҳлар воситасида Қуръон ва шариат аҳли ақидаларини исбот этади, тавҳид ҳақиқати, руҳ воқеъи, ҳашр ва нашр, жабр ва ихтиёр ҳудудларини шариат нуқтайи назаридан таҳлил қилади. Шариат мағзини “ишқ” деб, мазҳабни олийи васила, илоҳий мулоҳотнинг энг тўғри йўли, деб билади.

“Маснавий”нинг бирор-бир ўрнида динга нисбатан эътиборсизлик, ёхуд уни авомнинг қарашлари билан чеклаш ҳолатларига дуч келмаймиз. Ҳарчанд баъзи тафсир ва таъвиллар диний нуқтайи назардан ғоят шахсий, ёхуд айримларга номақбул бўлиши мумкин, аммо бу ҳол “Маснавий” нинг азамат ва шавқатига заррача путур етказмайди, шунингдек, бу буюк асар исломи фарҳангнинг ёрқин ва ғоят қадрли мероси бўлиб қолади.

Жалолиддин Румий бу бебаҳо асариде юзлаб зарурий масалалар силсиласи, жумладан, умумий маърифат, илоҳият ва инсон мавжудиятининг хилма-хил қирралари хусусида баҳс юритади. Шоирнинг бундан мақсади пок руҳга илоҳий сайр. Оллоҳ висолига етмоқ йўллари кўрсатишдир. Дарвоқе, “Маснавий” китоби энг олий гузалли ва ирфон манбаи бўлмиш инсонлар жамоаси манфаати йўлида эзгу ишлар билан шугулланишга ташвиқ этади.

*Мард ғарқа тер ичинда жон узар,
Илкиси ҳар бир гиёҳ, ўтга чўзар.*



“МАСНАВИЙ”ГА БИР ЖАМИЛ НАЗАР

*Ёр суйгай бул каби мардларни чўх,
Ғайрати беҳуда бўлсин, бок йўқ.*

*Айламиш амр, эй ўғил, Раҳмонимиз,
Ҳар кунинг Улдир, ки Улдир шонимиз.*

*Савй қил, йўл бўлса-да то қайгача,
Фориғ ўлма, бир дам охир дамгача.*

Мавлавийда Шамс Табризий билан мулоқот туфайли содир бўлган руҳий инқилобнинг кўплаб сабаблари бор, бироқ Шамс Табризий ёлғиз Жалолиддин билан суҳбатда бўлмай, балки жуда кўплаб кишилар билан мулоқот қилган. Аммо илоҳий-руҳий истеъдоди ва тугма азалий тайёргарлиги бўлган Жалолиддин буюк бир жанбуш ва талотумни бошдан кечирди.

Мавлоно ҳали Шамс Табризийга ошиқ бўлмасдан бурун ўзининг покиза замирида юз кўрсатган маънавий-руҳоний жавоҳирлар, нурлар ва тилсимларнинг ошиғи эди. Шамсга дуч келгандан сўнг ўз ботинида ўзи ошиқ бўлган ҳодисаларнинг тирик мужассамасини топди ва унга ошиқ-пайдо бўлиб қолди. Мавлононинг Шамс билан робитаси мухлис муриднинг ўз муроиди билан робитасидир. Маълумдирки, маънавий жозибалар ва ботиний истеъдодлар қанчалик мўл бўлса, ишқ ва муҳаббат ришталари, ризо ва таслимият мезони шу қадар мустақкам бўлади. Ушбу нуқтани бугунги омма равшанроқ тасаввур қилиши учун кўплаб покдил ва покиза иймонли ёшларнинг имом Хумайни (р.а.)га нисбатан бўлган ишқини кўз ўнгимизга келтиришимиз мумкин. Бунинг асоратида у билан мулоқот қилиш иштиёқида ёшлар Куръонни ёд олишарди ва шаҳодат лаҳзаларида

унинг пойдорлиги ва саломатлиги учун дуо қилишарди. Ҳузурда дийдор шавқидан баланд-баланд овозда йиғлардилар, унинг биргина ишораси билан Ислом йўлида осонлик билан жону жаҳонларидан кечардилар.

Мавлононинг бу қадар юксак ҳаяжон ва ишқининг боиси теран маънавий ва руҳий ҳақойиқ, буюк шоирона истеъдод эдиким, бу охир-оқибат Шамс Табризий девонига айланди ва “Маснавий” китобида ҳам бу ёндиргучи ишқ нурининг алангаси пориллади.

Мавлавий ўз шеъриятида аке эттирган урфоний, илмий ва руҳий қиёфа қатъий ва фавқуллода мумтоз чеҳралардандир. Унинг инсон ҳақойиқи ва олий ҳақиқатга нисбатан нигоҳи кенгликлари бесаранжом уммондир. Бу ҳақиқатлар баёни шу қадар қисқаки, унинг ўзи бу ҳақда ёзади.

*Лаб, десам дарё лаби деб англамиз,
Ло, десам Илло гами деб англамиз.*

“Маснавий” китоби Куръон маорифига, диннинг тамсилий тафсирига элтгучи йўл карвони. Бу бутун мусулмон олами маданиятига таважжуҳ. Зеро, Мавлоно андишалари Ислом биноси ва усуллари асосига қурилган. Бу муҳташам Ислом фарҳанги ягона Ислом умматининг ҳамдиллиги ва якдиллиги йўлида қўйилган қадамдир.

*Муртазо
БИҲИШТИЙ,
ЭРОН ИСЛОМ
ЖУМҲУРИЯТИ,*

*Исломиё Тафаккур Жамғармаси
раиси.*

МАСНАВИЙ

Шод бош, эй ишки хушсавдойи¹ мо,
Эй табиби жумла иллатҳои мо.

ТАРЖИМА

Шод бўл, эй ишки хушсавдойимиз,
Жумла иллатлар табиби – жонимиз.

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эй, бизнинг хушсавдо ишқимиз, шод бўл. Эй, барча дарду иллатларимизнинг табиби, обод бўл.

ШАРХ

Никлсон ёзади: “Менинг назаримда “савдо” бу ўринда “фикр” маъносига яқин”. Бирок “савдо”нинг Мавлоно маънасида муносиброк маъноси, бу ишқ асорати бўлмиш шиддатли рухий хаяжондир. Агар рухий хаяжон моддий ёхуд суварий ишқдан ҳосил бўлган эса, бу нохуш ва баднафсдир. Бирок руҳоний хаяжон ҳақиқий илохий ишқдан ҳосил бўлса, фойдали ва хушсаводдир.

МАСНАВИЙ

Эй, давои нахвату номуси мо,
Эй, ту Афлотуну Жолинуси мо.

ТАРЖИМА

Эй, давои нахвату номусимиз,
Эй, сен Афлотуну Жолинусимиз.

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эй, ишқ, сен бизнинг худбинлик ва ошу номусимизнинг давосисан. Эй, ишқ, сен бизнинг Афлотун ва Жолинусимизсан.

ШАРХ

Мажозий ва ҳақиқий ишқ инсон руҳидаги жамийки иллатларни даволайди.

Ишқ, қандай бўлмасин, Оллоҳ неъматиди. Бу туйғу ҳақида ҳар қанча китоб ёзилди, ҳар қанча таъриф ва тавсиф этилмасин, у банданинг кўнглида ўз-ўзича уруғ отиб, нашъу намо топаверади. Ҳар бир кўнгли бу туйғуни Оллоҳ инояти билан яшайди. Бу – мажозий ишқ. Ҳақиқий Ишқнинг мазмун ва моҳияти ўзгача. Юкорида қисман таърифланди.

Иккинчи мисрада тилга олинган олимлар ҳақида.

1. Инсон вужудидаги тўрт муҳим модданинг бири (сафро, савдо, балғам, қон). Улардан бирининг ғалаба қилиши, яъни зиёда бўлиши ҳаёл ва асабнинг бузилишига олиб келади. Шу сабабдан моликулүни ҳам “савдо” демишлар.

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

Афлотун – машҳур юнон олими. Миллодан олдинги 427 йилда таваллуд топди. Қарийб саксон йил умр кўрди. Афлотун ишроқий ҳақимлар силсиласига мансуб бўлиб, ҳақиқатга восил бўлиш йўллари нафсан кечиш ва муқошфа деб билган. Бинобарин, у руҳий табиб тамсилга айланди.

Жолинус қадимги юнон табибларининг энг машҳури, Бўрғалиш шаҳрида таваллуд топди. У ғоятда сабр-бардошли сайёҳ бўлиб, дунёнинг қўллаб шаҳарларининг кезиб чиққан солиқ эди. Хали ўн етти ёшидаёқ тиб, фалсафа, риёзиёт фанларида қомиллик даражасига етди. Ийгирма тўрт ёшида бу илмларда ижтиҳод мақомига эришди.

МАСНАВИЙ

Жисми хок аз ишқ бар афлок шуд,
Кўх дар ракс омаду чолок шуд

ТАРЖИМА

Хок жисм ишқдин ўлиб афлоқлар,
Ишқдин ракс айлабон чўнг тоғлар.

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Жисм – тупроқдан. Бирок илохий ишқ асари билан у осмонлар қадар кўтарилди. Ишқ туфайли тоғ ҳаракатга келди.

ШАРХ

Биринчи мисра – ҳазрат пайғамбар солаллоҳу алайҳи вассаломнинг меърожлари ва ҳазрат Масих алайҳиссаломнинг нуруний қолбадлари (жисмлари) уружига ишора. Иккинчи мисрада Куръони Каримнинг “Аъроф” сураси, 143-оятга ишора қилинмоқда.

МАСНАВИЙ

Ишқ, жони Тур омад ошико,
Тур масту “харро Мусо соико”.

ТАРЖИМА

Тур жони ишқ туфайли ошико,
Тур масту “харро Мусо соико”.

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Тур тоғига ишқ ҳаёт ва жон бахш айлади. Ишқ асари эдиким Тур тоғи бадмастик қилди ва Худованднинг танланган бандаси ҳазрат Мусо алайҳиссалом бу ишқнинг азамати ва жалолати туфайли беҳуш бўлиб йиқилди.

ШАРХ

“Валамма жаа Муса лилмиқотина вақалламаху, Роббуху, қола Робби ариний анзур илайка. Қола лан тароний валақининзур илал жабаби фаинистақорро мақо-

наху, фасавфа тароний. Фаламма тажалла Роббуху лилжабаби жаъалаху даққан ва хорро Муса соикан. Фаллама афока қола субҳанака тубту илайка ва ана аввалул муъминийн”.

Маъноси: қачонки Мусо (ваъдалашган) вақтимизда (Тур тоғига) келиб, Парвардигори унга (бевосита) сўзлагач, у: “Парвардигорим, менга (жамолингни) кўрсатгин. Сенга бир қарай”, деди. (Оллоҳ) айтди: “Сен Мени (бу дунёда) харғиз кўролмайсан. Аммо, мана бу тоққа бок. (Мен унга кўри-нурман) ўрнашган жойида тура олса, сен ҳам Мени кўражаксан”. Қачонки, Парвардигори у тоққа кўринган эди, уни майда-майда қилиб ташлади ва (бу ҳолни кўрган Мусо хушсиз ҳолда йиқилди. Ҳақиқатдан сўнг эса деди: “Пок Парвардигор (ноўрин савол сўрашдан), Ҳазратга тавба қилдим. Энди мен (Сенинг нақадар буюк зот эканингга) иймон келтирувчиларнинг аввали – пешқадамиман” (“Аъроф” сураси, 143-оят. Алоуддин Мансур таржимаси).

МАСНАВИЙ

Бо лаби дамсози худ гар жуфтга,
Ҳамчу най ман гуфтанихо гуфтга.

ТАРЖИМА

Гар ўша дамсоз лабига ёрмен,
Най каби хушрозу хушгуфтормен

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Агар ўша дамсоз ёрим лабига етганимда эди, най мисоли ажиб қиссалар сўйлар эдим.

ШАРХ

Юкоридаги байтлар шарҳида тупроқдан яралган жисмнинг Ишқ туфайли фалақларга парвоз қилганини, Тур тоғининг Ишқ туфайли майда-майда бўлганини қузатган эдик.

Ҳақ висолига етмоқнинг машаққати ҳақида “Аъроф” сурасининг 143-оятда ғоят таъсирли воқеа баён этилди.

Ҳақ висолига етиш қийин. Аммо ҳақ бу билан ўз васлини ошиқларидан батамом маҳрум қилди, дейиш ҳато.

Ҳақ ўз гирифтларини суйди, садоқатли ошиқларини қўқларга қўтаради. Ҳақ шайдоси бу буюк муҳаббат туфайли ер билан яқсон бўлади, ҳар зарра тупроқ, ҳар сарик япроқ, ҳар бир гиёҳ унга ёрнинг нишониси бўлиб туюлади. Ошиқ ана шу ашёлар жисмига сингиб кетгудек бўлади. У ҳамма нарсага ўзини фано қилиш йўли билан бақога томон, яъни ҳақиқий Ёр сари ёвуқ кела беради.

Одим ба одим, қарич ба қарич Ёрга томон уруж қилади. Ошиқ учун бирдан-бир

3-он ки, зангор аз рухаш мумтоз нест.
ТАРЖИМА

Ойинанг билгил нечун ғаммоз эмас,
Чунки занг бор юзида, мумтоз эмас.

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Биласанми, нима учун қалб ва руҳинг ойинаси маънавий асрор ва ҳақиқатларни акс эттирмайди? Чунки, сен унинг юзидан хою ҳавас занглари тозаламагансан.

ШАРХ

Агар дил соф ва замир равшан бўлса, урфоний асрор ва раббоний ҳақиқат унда акс этади. Агар қўнғилда занг бўлса, токи ушбу занг тозаланмагунча ҳеч вако ҳосил бўлмайди.

“Қалб – Худонинг назаргоҳи”, дейдилар. Худонинг назари тушадиган сахни тозаланг! Бу шиша ва темирларни ялаб-юлкаганинг билан унга бировнинг назари ё тушади ё тушмайди. Худонинг назари тушадиган “бир парча эт”ни (ҳадис) соф қилинг! Эгнингиздаги бир парча матони ҳар кун тозаламоқдан чарчамайсиз! Худонинг назари тушадиган бирдан-бир жойни тоза тутинг! Бунча ўзингиз ва қасру равоқингизга оро берасиз!

Биродарлар, қалб Оллоҳ мулки. Уни йўқотиб қўйишингиз ҳеч гап эмас. Йўқотсангиз, одам қавмидан чиқасиз. Дунёда жин қавми бисёр. Аммо одам қавми бир. Одамни йўқотиб қўйманг.

МАСНАВИЙ

Бишнавед, эй дўстон, ин дoston,
Худ ҳақиқат, нақли холи мост он.

ТАРЖИМА

Тинглангиз, бу қиссани, эй дўст-ёр,
Бу – ҳақиқат, ҳолимиздан ошкор.

ШАРХ



Эй дўстлар, ушбу хикоятга қулоқ ту-
тинг. Бу хикоят ҳолимизга ғоят муносиб-
дир.

ПОДШОХНИНГ КАНИЗАККА ОШИҚ БЎЛИШИ ВА УНИ СОТИБ ОЛИШИ ҲАКИДА ХИКОЯТ Достон ҳулосаси

Бир подшоҳ ов қасдида хизматкорлари билан шаҳар ташқарисига йўл олди. Йўл ярмида гўзал бир қанизакка кўзи тушди. Шох қанизакка қаттиқ ошиқ бўлиб қолди ва катта мол-дунё эвазига уни сотиб олди. Кўп ўтмай қанизак бетоб бўлди. Шох чор атрофдан табибларни ҳузурига чорлади. Табибларнинг ҳар бири ўз билим ва зақо-ларига мағрур бўлиб, қанизақни даволаш пайига тушдилар. Табиблар худбинлик ва ғурурлари оқибатида Оллоҳ иродасини унутиб қўйгандилар. Улар ҳарчанд урин-масинлар, беморнинг ахволи тобора оғир-лашди. Шох жамийки табиий даво ва усул-лардан толди ва ночор Худога тавба-тарзру билан дуо қилди.

Шохни уйқу этди. У туш кўрди. Туши-да бир пири мушшид унга деди: “Ҳақиқий табиби ҳозир эртага сенинг ҳузурингга кел-лади!” Эртаси кун тунда Шох ўша табиб-ни топди ва қанизақнинг олдига олиб кел-ди. Доно табиб бемор қанизаққа разм со-либ, сездики унинг дарди жисмоний ил-лат бўлмай, Ишк касалидир. Қанизақ самарқандлик бир заргарга қаттиқ ошиқ эди. Шох Самарқандга одам юборди. Зар-гарни Самарқанддан топиб келтирдилар. Шох табиб ҳуқмига кўра уни қанизақ их-тиёрига топширди. Қанизақ ва заргар роп-па-роса олти ой саодат ва осойишталикда яшадилар. Олти ойдан сўнг табиб Оллоҳ таъоло ишорати билан заргарга захар бер-ди. Заргар захар таъсирида ўз чирой ва жозибасидан маҳрум бўла бошлади. Шун-

дай қилиб, заргар кун сайин қанизақ олди-даги эътиборини йўқота борди. Бу илохий дастур Иброҳим алайҳиссалом ўғли Ис-моилни қурбон қилиш ҳақидаги дастурга ўхшарди...

Бу дастурнинг зоҳрий суврати. Унинг ботини билан “Маснавий”нинг давомида танишамиз

ХИКОЯТ МАНБАЛАРИ

Ушбу хикоятнинг манбалари – “Фир-давсул Ҳикма” ва “Чаҳор мақола” китоб-ларидир. Охириги китобда хикоятдаги муо-лажа усули Абу Али ибн Синога нисбат берилади. Шох Қобус Вашмғирнинг ишк касалига қалинган қариндошларидан би-рини ибн Сино шу усулда даволайди.

Саййид Исмоил Журжоний ўзининг “Заҳиран Хоразмшоҳий” китобида ишк касали муолажаси ҳусусида бундай ёзди: “Қимки ишк дардига қалинган бўлса ва маъшукнинг номини пинҳон тутса, ушбу тартибда билиш мумкин. Беморнинг бош томирига бармоқингизни босасиз ва гумон қилинган қимсаларнинг номини, ахволи-ни, манзилни бир-бир санай бошлайсиз: ошиқ дардига сабабчи бўлган қимсанинг номи тилга олинishi заҳоти беморнинг қон ҳаракатида ўзгариш сезилади.”

Мавлоно бу хикоятни ўз мақсалларини баён этмакка восита сифатида қўллаган-лар.

Ушбу хикоятда шох – ақл ва руҳдир. Қанизақ – нафси аммора. Унинг заргарга майли – дунёвий лаззатга ғирифторлик. Ғайбий табиб нафснинг дардини англай-ди ва уни шифолайди.

Ақлни шахват домидан қутқаради. Асл мақсадни эса байтлар шарҳида билиб ола-миз

МАСНАВИЙ

Буд шoхе дар замоне пеш аз ин,

Мулки дунё будашу хам мулки дин.

ТАРЖИМА

Подшоҳ ўтган эди бундан бурун,
Илқида хам мулки дунё хамда дин.

ШАРХ

Қадим замонларда бир подшоҳ ўтган эди. Бу подшоҳ дунёни бошқариш билан бирга, динни хам махкам тутган. Яъни, икки сарой саодатига ноил эди.

МАСНАВИЙ

Иттифокан, шох рўзе шуд савор,
Бо хавоси хеш аз баҳри шикор.

ТАРЖИМА

Иттифоко, бир қуни отланди шох,
Хосса ахбоби била ов қилса то.

ШАРХ

Қулларнинг бирида шох ўзининг мумтоз ахли, яъни хос хизматкорлари билан овга отланди.

МАСНАВИЙ

Як канизак дид шах бар шохрох,
Шуд ғуломи он канизак жони шох.

ТАРЖИМА

Бир канизни кўрди шахрох узра хон,
Жони қул бўлди ўшанга ногахон.

Шохрох – катта йўл бўйлаб кетаётган шохнинг нигоҳи бир канизакка тушди ва ўша лахзада шох ўз жонидан жудо бўлди, яъни унинг жони ўша сохибжамол канизакка қул бўлди.

МАСНАВИЙ

Мурғи жонаш дар кафас чун метагид,
Дод молу он канизакро харид.

ТАРЖИМА

Жон қуши жон узди ул султоннинг,
Мол бериб, олди сотиб жононни.

ШАРХ

Шох жони тан кафасида қуш каби пирлай бошлади. Мол-дунё харж қилиб, канизакни сотиб олди. Бошқача қилиб айтганда, шох канизакка ошиқ бўлди, бинобарин, доролиги, яъни мол-дунёси туфайли уни ўзиники қилиб олди.

МАСНАВИЙ

Чун харид ўрову бархурдор шуд,
Он канизак аз казо бемор шуд.

ТАРЖИМА

Шох сотиб олди уни, рўй берди васл,
Сўнг қазодан бўлди бемор ул ғўзал.

ШАРХ

Шох канизакни сотиб олди ва унинг висолига мўяссар бўлди. Иттифоко, казо ҳукми билан канизак оғир дардга чалинди.

МАСНАВИЙ

Ин яке хар дошту полонаш набуд,

Ёфт полон гўрг харро даррабуд.

ТАРЖИМА

Кимса эшшаклик ва жабдуғ йўқ эди,
Келди жабдуғ, бўри эшшакни еди.

ШАРХ

Бир кимсанинг эшаги бор эди. Бирок эгар-жабдуғи

Бечора эшшакни минг машаққатлар билан эгар-жабдуғни қўлга киритгач, бўри эшакни еб кетди.

МАСНАВИЙ

Қўза будаш, об меномад ба даст,
Обро чун ёфт, худ қўза шикаст.

ТАРЖИМА

Қўзаси бор эрдию, сув қайдадир,
Сув топилгач, қўза майда-майдадир.

ШАРХ

Бир бечоранинг қўзаси бор эрдию сув йўқ эди. Сув топилган чоғда қўза синди.

Ушбу икки байт мазмуни замирида қуйидаги хикмат бор: оламзод бу дунёда ҳеч қачон ўз мақсадига тўғал-тўғис эриша олмайди. Хар бир лаззат ранжга қариндошдир. “Фотиҳул абёт” китобида келишича, эшак жисмоний ходиса бўлиб, махлукдир. Эгар-жабдуғ – дунё матоҳи. Бўри-касалик ё ўлим.

МАСНАВИЙ

Шох табибон жамъ кард аз чапту рост,
Гуфт: “Жони хар ду дар дасти шумост”.

ТАРЖИМА

Шох табиб жамлаб деюрким: “Шохмиз”,
Лек сизнинг илқингизда жонимиз!..”

ШАРХ

Шох тўрт томондан табибларни саройга чорлади ва деди: “Менинг ва бу канизакнинг жони сизнинг қўлингизда”. Ушбу байтда табиблардан мақсад ҳақ йўлига иршод ва раҳнамолик қилишни даъво қилган кимсалардир.

МАСНАВИЙ

Жони ман сахл аст, жони жонам ўст,
Дарманду хастаам дармонам ўст.

ТАРЖИМА

Менда жон йўқ, жону жононимдур у,
Дармандмен, хаста, дармонимдур у.

ШАРХ

Шох ҳақимларга деди: “Менинг жоним канизакнинг жони олдида ҳеч нарса эмас. Ҳақиқатда, жонимнинг жони ўшадур. Мен бир дарманд ва хастаман. Ёлғиз дардимга дармон ўша”.

МАСНАВИЙ

Хар кй дармон кард, мар жони маро,
Бурд ганжу дурру маржони маро.

ТАРЖИМА

Кимса дармон бўлса жоним жонига,

Сохиб ўлгай ганжу дур, маржонима.

ШАРХ

Агар сизлар менинг жоним дардига дармон бахш этсангиз, хазинамдаги бойлик, дур ва маржонларимнинг соҳиби бўласиз.

МАСНАВИЙ

Жумла гўфтандаш, ки жон бозй кунем,
Фахм гирд орему анбозй кунем.

ТАРЖИМА

Дедиларким, жон бўлайлик жонига,
Фахм этайлик жам бўлиб дармонига.

ШАРХ

Ҳақимлар иттифок бўлиб дедилар: “Канизакнинг жонига дармон бўлишимиз учун жонимиз борича ҳаракат қиламиз”.

МАСНАВИЙ

Хар яке аз мо Масийхи оламист,
Хар аламро дар кафи мо мархамест.

ТАРЖИМА

Биз бу оламда Масихо сонимиз,
Хар аламга бор даво-дармонимиз.

ШАРХ

Ҳақимлар шохга далда бердилар: “Хар биримиз бу олам Масихимиз. Қўлимизда хар қандай дарднинг давоси бор”.

МАСНАВИЙ

Гар Худо хоҳад нагуфтанад аз батар,
Бас Худо бинмудшон ажзи башар.

ТАРЖИМА

Гар Худо хоҳлар демай бечоралар,
Айлади Ҳақ барчасин ожиз башар.

ШАРХ

Ўз иқтидорига махлиё бўлган ҳақимлар шохнинг қўнглини кўтариш учун ўзларини “Масих” дедилар. Улар “Худо хоҳласа канизакнинг дардига даво топамиз”, деб Оллоҳга суюнмадилар, аксинча, ўзларининг қудратига инондилар.

МАСНАВИЙ

Тарки истисноъ¹ мар одам касватист,
Не хамин гўфтанд, ки ориз холатест.

ТАРЖИМА

Тарки истисноъ қилар ким тошдил,
Тошдил не, кўп тубан бир холдир.

ШАРХ

Оллоҳ хоҳишига эътиборсизлик қалб ғафлатига далолат қилади. Муқом Оллоҳ хоҳишига аҳамият бермаган ҳолда яшаш инсон қалбини тақир айлайди. Хар лахза ёлда тургувчи бу тақлимият тил билангина

1. Истисноъ - “Иншооллоҳ”, яъни, Худо хоҳласа”, демок.

муяссар бўлмайди. Зеро, орифлар назди-да зоҳирий аъмолдан кўра калбий ҳол ва ният мўътабарроқдир.

МАСНАВИЙ

*Эй басо новарда истисноъ билғуфт,
Жони ў бо жони истисноист жуфт.*

ТАРЖИМА

*Эй, неча билмайди истисноъни,
Жони истисноъ била жуфт они.*

ШАРХ

Неча-неча одамлар “иншооллох” - “Худо хоҳласа” калимасини оғизга олмайдилар. Балки ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар. Бирок бу худбин ва жоҳил ҳаёлга келтирмагани билан “Иншооллох” ҳақиқатидан қочиб бўладими? Илохий иродадан чекинмишнинг йўли борми? Жонинг ва қисматинг унинг қўлида турган бўлса, сен “иншооллох” демаганинг билан унинг хоҳиши доирасидан ўзиб кетолмайсан.

Ориф зот Оллохни шу қадар қаттиқ севадики, “фанофиллох”, яъни Худо учун ўзини батамом йўқ қилади. Ўз иродасини Оллох иродаси йўлида ҳалок айлайди. Шу йўл билан “истисноъ” ҳақиқатига эришади. Худди шундай зотгина Оллох бутун қониотнинг омили эканини ҳис этади. Демак, ориф Оллохга факат тил ва лафз орқали таслим бўлмайди, балки қалб ва ботин билан мутаваҷҷиҳ бўлади.

Мавлоно “Фихи ма Фихи” (“Ичиндаги ичиндадир”) китобида ёзадилар: “Ҳазрат Расул (с.а.в.) бурадилар: “Рубба талил Куръани вал Куръану яънануху” (Таржимаси: “Қанчадан-қанча одамлар Куръон уларни лаънатлаб турган ҳолатда, Куръон тиловат қиладилар”). Бу сўзлар Куръоннинг маъносини англамасдан, энг ёмони, унга амал қилмасдан қуруқдан-қуруқ тиловат қилгувчилар хусусида.

МАСНАВИЙ

*Ҳар чи қардан аз иложу аз даво,
Гаш ранж афзуну хожат нораво*

ТАРЖИМА

*Килдилар ҳар не иложу ҳар даво,
Ранж ариғди, орғди хожат нораво.*

ШАРХ

Ҳақимлар ҳарчанд ҳаракат қилмасинлар, қанизақнинг дарди қун сайин оғирлаша борди.

МАСНАВИЙ

*Он қанизақ аз мариз чун мўй шуд,
Чашми шах аз ашки хун чун чўй шуд.*

ТАРЖИМА

*Ул қанизақ дардан соч толаси,
Шоҳ қўзи қон ёшидан дарё каби.*

ШАРХ

Қанизақ дарднинг шиддатидан шу қадар оғир аҳволда эдики, вужуди “соч толаси”га айланаёзди. Шоҳнинг қўзлари эса

ёшдан дарёга менғзарди.

МАСНАВИЙ

*Аз қазо, сирқангбин сафро намуд,
Равғани бодом хушқий, мифузуд.*

ТАРЖИМА

*Ҳақ иши, сарқангбин¹ сафро² бўлиб,
Ҳам бодом ёғи³ қуруқликка⁴ дўниб.*

ШАРХ

Парвардигорнинг иродаси билан табиблиларнинг қанизаққа қилган жамийки доволари акс таъсир кўрсата бошлади.

МАСНАВИЙ

*Аз халила қабз рафт, итлоқ шуд,
Об оташро мадал шуд ҳамчу нафт.*

ТАРЖИМА

*Ҳам халийла⁵ қабз⁶ этиб, итлоқ⁷ кетиб,
Сув оловга нафт каби таъсир этиб.*

ШАРХ

Халийла (изоҳга қаранг) ошқозонни мулозим ва равон қилишнинг ўрнига мижознинг қуриб қолишига сабаб бўлди. Сув эса олов тафтини босиш ўрнига нафт (нефт) каби унинг янада гурос солиб ёнишга тўртки берди.

ҲАКИМЛАРНИНГ ҚАНИЗАҚНИ ДАВОЛАШДАН ОЖИЗ ҚОЛИШЛАРИ, ПОДШОҲНИНГ ХУДОВАНД ДАРГОҲИГА ЮЗ БУРИШИ ВА БИР ВАЛИЙУЛЛОХНИ ТУШ КЎРИШИ

МАСНАВИЙ

*Шах чу ажзи он ҳақиймонро бидид,
По барахна жониби масжид давид.*

ТАРЖИМА

*Шоҳ ҳақимлар ажзини кўргач тамом,
Чогди оёғи яланг масжид томон.*

ШАРХ

Шоҳ кўрдики, худбин ва худсар ҳақимлар қанизақни даволамоқдан ожиздирлар, оёқ яланг масжид даргоҳига югурди. (Ис-

1. Сирқангбин – шакар ва сирқадан тайёрланган шарбат. Шакар ва асал ўрнида ҳам қўлланилади. Қадимги табиблар уни “сафро”ни йўқ қилувчи дори сифатида қўллаганлар. 2. Сафро – гох тиник кизил, гох қўқимтир тусдаги модда бўлиб, сафро халтасига йиғилади. Овқатни тез хазм қилдиради. 3. Бодом ёғи – ширин бодомдан олинадиган ёғ. Мижоздаги қуруқликни даф қилиш учун қўлланилади. 4. Қуруқлик ёки “юбуст” – мижознинг қуриб қолиши. Қадимги табиблар бу касалликни бодом ёғи билан даволаганлар.

5. Халийла – жуда улкан дарахт меваси. Япроқлари йирик ва нозик. Меваси шингил шаклида бўлиб ранг-баранг. Халийла тафтини қайтарди, ички мулозим ошқозонни равон қилади. 6. Қабз – рўдаларнинг сиклиши, қуриб қолиши. 7. Итлоқ – ошқозоннинг равон бўлиши.

моил Анқаравий бу хусусда дейди: “Оёқ яланг” иборасидан мақсад дунёни тарқ этмоқ, охират, махв ва фано мартабасига эришмоқ. Устод Фурузонфар бу ҳақда шундай ёзади: “Оёқ яланг югурмоқ” изтироб шиддатидандир. Бу ҳолатда шахс хатто қоғуш қиймоққа ҳам фурсат тополмайди).

МАСНАВИЙ

*Рафт дар масжид сўй мяхроб шуд,
Саждагоҳ аз ашки шох пуроб шуд.*

ТАРЖИМА

*Борди масжид, юз буриб мяхробга,
Саждагоҳ ёшдан дўниб халқобга.*

ШАРХ

Шоҳ оёқ яланг масжидга етиб келди ва мяхробга юз бурди. Саждагоҳ унинг кўз ёшларидан жикка қўл бўлди.

МАСНАВИЙ

*Чун ба хеш омад зи ғарқоби фано,
Хуш забон биқшод дар мадху сано.*

ТАРЖИМА

*Чун фано¹ ғарқобида² очди нигоҳ,
Хуш равон тил бирла келтирди сано.*

ШАРХ

Қачонки шоҳ “фано ғарқоби” дан ўзига келди, яъни махв мартабасидан (беҳудлик ва беҳушлиқ) саҳв холига (хушёрлик, ўзига келиш) қайтди. Ҳақ мадху саносига оғиз очди. (“Фано ғарқоби” ибораси ташбеҳдир. Фано хушёрликнинг акси ёхуд феъл (ҳаракат)нинг тесқариси. Чунончи ғарик (яъни, ғарқ бўлган одам ё хайвон), хушдан кетади ва ҳаракатдан тўхтабди. У энди тўлқиннинг мулки... Дуо хушёрликнинг асари бўлиб, банда унинг воситасида Ҳақ таъолога ёвуқ келади. Беҳудлик ҳолатида бу ҳол рўй бермайди.

Мавлоно “Фийхи ма фийхи” (“Ичиндаги ичиндадур”) китобларида “истигроқ” ва “фано ғарқоби” истилоқларига шарҳ берадилар: “Истиғроқ ҳолатида у (яъни одам) бўлмайди. Унда жаҳд, феъл-ҳаракат тўхтабди. “Ғарқоб” ҳар нечук ҳаракат қилмасин, бу унинг феъли бўлмай, сувнинг феълдир. Сув бағрида оёқ-қўлларини ишлайтиб турган ходисага “ғарқ бўлган” ёки “ғарийқ” деб бўлмайди. Ёхуд “Оҳ чўкиб кетаяпман” деб бонг урганни “истигроқ” дейиш мумкин эмас”.

Фанонинг сифати – башарият сифатининг инқори. Бу инқор Ҳақ таъоло иродасига боғлиқ.

МАСНАВИЙ

*К-эй қамина, бахшашат мулки жаҳон,
Ман чй гўям? Чун ту медонй нихон.*

(1. Ғарқоб – ҳалокатли сув. 2. Фано - Оллох сари сайрнинг нихояси. Зоҳирий борлиқни истило қилиш оқибатида шуурнинг йўқ бўлиши. Солиқнинг ўзига хос жамийки лавозиматлар баҳридан ўтиши ва шуурдан бегона бўлиши).

ТАРЖИМА

Эй жахон мулки Сенинг, борлик Сенинг,
Сен билурсан. Вах не холим бор менинг?

ШАРХ

Эй, энг камтарин бахшишинг, яъни ато килган ходисанг мулки жахон бўлган Худойи мутаъол, мен нима ҳам дейин? Ахир, сен жамийки яширин ва ошкор нарсаларни бошдан-оёк билурсан. Мен арзу ниёз килмасамда барчаси Сенга аёндыр.

МАСНАВИЙ

Эй, хамиша хожати моро панох,
Бори дигар мо ғалат кардем рох.

ТАРЖИМА

Эй, хамиша хожатимизга панох,
Вах, яна йўлдан озиб, килдик хато.

ШАРХ

Эй, хамиша хожатимизга панох бўлган Парвардигор. Биз қайта йўлдан оздик, алашдик.

Яъни, сендан хожатларимизни раво килишни сўраш, сенга илтижо ва тазарру килишнинг ўрнига, ожиз ва худбин хакимлардан нажот истадик. "Маснавий" шориhi Валий Мухаммад Акбарободий ёзади: "Биринчи хато канизакка ошк бўлиш эди, иккинчи хато хакимларга мурожаат килиш".

МАСНАВИЙ

Лек, гуфти гарчй медонам сират,
Зуд хам пайдо кунаш бар зохираг.

ТАРЖИМА

Лек, дейсан, гар биларман сирларинг,
Сўйласин, майли, уни зохирларинг.

ШАРХ

Парвардигаро, гарчи барча яширин ва ошкор сирларингни биламан, деган бўлсанг-да, биз бандаларинг замиримиздаги ниятларимизни тил билан ошкор қилиши

мизни истайсан. Зеро, сўзлар такрори ва тил воситасида айтилган зикр қалбга таъсир қилади. "Удъуний астажиб лакум". Мазмуни: "Менга дуо қилинг, қабул қиламан" "Муъминин" сураси, 4-оят).

МАСНАВИЙ

Чун баровард аз миёни жон хуруш,
Андар омад бахри бахшойиш ба жўш.

ТАРЖИМАСИ

Жон билан чун подшоҳ килди хуруш.
Урди рахмат, мағфират дарёси жўш.

Шоҳ жону дилдан Худойи таъоло даргоҳига зору нола қилди. Худованднинг рахмат ва қарам дарёси жўш урди ва унинг дуосини қабул айлади.

МАСНАВИЙ

Дар миёни гирия хобаш даррабуд,
Дид дар хоб ў, ки пийре рў намуд.

ТАРЖИМА

Йиғлар эрди, уйку элди ногоҳон,
Тушларига кирди бир пийри замон.

ШАРХ

Подшоҳ зор-зор йиғлаб, ногоҳ уйкуга кетди. Рўё олами, яъни тушда бир нуроний мўйсафид унга юз кўрсатди. (Орифлар ва хакимлар инсоннинг турли машғулотлардан холи бўлган чоғдаги рухоний қувватининг хосиласи – туш хақида фикр юритарканлар, уни "кичик ўлим" ва хашри асгар (мўъжаз махшар) дейдилар. Чунончи, уйғониш ҳам кнёматнинг намудор бўлиши ва буюк хашрдир. Инсон рухи уйку асносида вақтинча моддий жисмдан озод бўлади. Уэ-ўзидан унинг (рух)нинг сафо ва азалий нуронияти ёришади. Шундан сўнг ғайб олами ё осмон фаришталари ёхуд муқарраб малонкалар билан мулоқоти бошланади. Худди шу ҳолатда мумкинлиги "рўёи содиқа" (рост туш) суратида унга итҳом этилган хақиқат ўн-

гида зинҳор ошкор ва намоён бўлмайди. Ёхуд хали рўй бермаган воқеа кашф этилади, эҳтимол бир қанча вақтдан сўнг хушёрликда содир бўлгувчи ходиса юз кўрсатади. Мухйиддин Арабий ёзади: "Туш шундай ҳолатдирки бандани хиссиёт олами мушоҳадасидан барзаҳ (абдий дунё) олами мушоҳадасига боғлайди" ("Футухоти Маккия", 2-жилд, 183-сах.) Яна бир ривоятда келадирким, туш пайгамбарликнинг (нубувват) қирк олти жуъйдан биридир. Бир ривоятда эса етмиш жуъз дейилган. Лекин асосий мақсад миқдорда эмас.

Шориҳлар – Обиддин ПОШШО,
Карим ЗАМОНИЙ.

Мутаржим – Асқар МАҲҚАМ.
(Давоми бор).



Расмларни
Р.Эрматов чизган.



Шу аҳволда икки киши жой талашиб, бир-бирини туртган, сўккан. Ишқилиб, қаттиқ туртмасалар бўпти — зўрға турган эски автобус ағдарилиб кетмасин яна.

Икки аёл ҳаво етишмаганидан ҳушларидан кетай деб турганларида, ёнларидаги эрлари ҳушларига келтириб қўйдилар. Бошқа бир хотин

қандай ҳам тушунсинлар. Ахир бири — манзилга тезроқ етиб олиш ҳақида ўйласа, иккинчиси — автобусга одамларни кўпроқ сиғдириш ҳақида ўйлайди. Шу сабабли ҳайдовчи:

— Қани, ўртасига сурилинглар. Сурилинглар ўртасига, ўртаси бўш! — деб бекатда умидвор бўлиб турган яна ўн-ўн беш кишини лиқ тўла ав-

БИЗНИНГ АВТОБУС

Ярим соатдан бери шоҳбекатда одамлар билан лиқ тўлиб, эски ва хароб автобус турибди. Унинг пешонасига катта қилиб “Хусусий” деб ёзилган.

Автобуснинг ичи худди гумбирлашиб ўт ёқиб қиздирилаётган ҳаммом каби қизиб кетган. Очилмайдиган ойналар терлаб, тепасидаги икки туйнукчасидан, қиш куни уй мўрисидан тутун чиққани каби иссиқ ҳаво гупиллаб чиқаяпти.

Чиқиб олганларидан хурсанд бўлган одамлар дамлари қайтса ҳам чидаб турибдилар. Терлаганларидан жиққа ҳўл бўлиб кетган кўйлаклари этларига ёпишиб қолган.

эса ҳушидан кетиб қолмаслик учун бошини автобуснинг тепасидаги туйнукка роса чўзаяпти-ю, аммо ета олмаяпти.

Баъзиларнинг сабри тугаб:

— Ҳайдовчи ака, мошинни ҳайданг энди, мошинни. Ахир оёқ қўйгани ҳам жой қолмади-ку, — деб илтимоснамо мурожаат қила бошладилар.

Ҳайдовчи эса бу гапларни парвосига ҳам олаётгани йўқ. Автобус уника бўлганидан кейин хоҳлаганини қилади-да. Хоҳлаганича туради, хоҳлаганида кетади.

Ҳамма гап йўловчи ва ҳайдовчининг мақсадлари ҳар хиллигида. Бас шундай экан, улар бир-бирларини

тобусга сиғдирмоқчи бўлиб турибди.

Уни ҳам тушуниш керак — ахир автобусга чиқара олмаган одамлари билан биргаликда уларнинг кира ҳақлари ҳам қолиб кетади-да.

Йўловчиларни тепиб-тепиб (айниқса эшикка осилиб турганларни) зичлаштириш ва яна одам сиғдириш мумкин. Автобус томи ва йўловчиларнинг бошлари ўртасидаги бир ярим қаричча бўлган бўшлиқни ҳам амаллаб тўлдириш мумкин. Яна автобус томига ўн беш-йигирматача ёшларни чиқариб қўйса бўлади — ёзининг иссиқ кунда шабадаланиб кетадилар.

Агар мен ҳайдовчининг ўрнида бўлсам, албатта, шундай қилар эдим. У эса ўйланиб турибди.

Аслида ҳайдовчига қўйиб берсангиз-ку ҳар бир ўтирган кишининг елкасига биттадан одам миндириб олади-я. Бироқ замон кўтармаслигини билади-да.

Энди одамларни мазах қилаётгандек, машинани ўт олдириб, вақт-вақти билан газини босиб-босиб, автобуснинг ичини тутунга тўлдираяпти. Йўловчилар эса: “Энди кетар экан-да”, — деб, тутунга қарамай, нафасларини ютиб, жим турибдилар.

Автобус одамларни зичлаштирмоқчи бўлганидек, силкиниб-силкиниб қўймоқда. Ҳартугур, жойидан силжиди, шекилли. Унинг юрганида кичкина туйнукларидан шамол кира бошлади: юрса — чидаса бўларкан, юрмаса — йўқ.

Ўрнашиб ололмаган йўловчилар автобуснинг ҳар силкинганида бир-бирларини туртиб, оёқларини босиб, аста-секин жойлашиб олаяптилар. Лекин ёнимдаги тўладан келган, истараси иссиқ, (биқиним билан сезяпман) ёшгина аёл питирлаб турибди. Энди менга:

— Оёгингизни олсангизчи, — деб дўқ қилаяпти. Одатда мен хотин-қиз



Рассом Темура САЛОҲОВ.

ларни, айниқса уларнинг истараси иссиқларини, ҳурмат қиламан ва айтганларини бажараман. Лекин жой бўлмаса, оёғимни қаерга оламан?

Оёқларим устида ҳар хил халта, хуржун, қоп, тоғоралар турибди. Сакрамай турса, тураверсин, оғирлиги ва урилаётганига чидаса бўлади. Лекин автобус сакраб, ичидагиларни ҳам яхшигина сакратмоқда.

Нима қилай? Амаллаб, тишимни-тишимга қўйиб, чидаб турибман. Бошқа илож ҳам йўқ. Чунки қимир этсам, ёмон кайфиятда кимдан аламини олишларини билмай турган одамлар автобусдан мени чиқариб юборишлари ҳам мумкин.

Бу тезюрар қурғур ҳам тез юра қолмади. Имиллаб кетаётгани етмай, тез-тез тўхтаб кетаяпти. Фақат бекатларда тўхтаса майли-я. Аммо бу қурғурнинг бекатлариям жуда кўп экан. Ҳар бирида автобусдан бир одам тушар-тушмас, ўнтаси ёпирилиб, чиқаман деб, ҳужум қилади.

Мен ҳайдовчининг бекатларда тўхтаб, йўловчилардан хоҳлаганича йўл ҳақи олаётганига қарши эмасман.

Қарши бўла олмайман ҳам. Ахир унинг автобус ҳайдашдан ҳам бирдан-бир мақсади шу! Лекин бекат йўқ жойларда ҳам тўхтатиб туриши ва одамларнинг автобус азобидан қутилиш фурсатларини узоқлаштираётганига қаршиман.

Ҳайдовчининг дўсти ва танишлари кўп экан – ҳар бирининг олдида автобусни тўхтатиб, қўл бериб, ҳолаҳвол сўраб кетмоқда.

Автобусагиларнинг ҳолидан эса сира хабар олмайди, фақат пулини олади.

Энди ҳайдовчининг қорни очди, шекилли, автобусни ошхона олдида тўхтатиб, ўттиз беш сўмлик сомсанинг “додаси”дан икки донасини, иссиқ бўлишига қарамай, хапир-хупир қилиб тушириб олди. Бошқа ерда эса тўхтатиб, яхна “Тошкент суви”ни тикилиб турган автобус ичидан мўлтираб қараб турган одамлар кўз ўнгида шошмасдан, қулт-қулт қилиб ичиб, ҳалиги сомсалар мурчининг “чўғини” ўчириб олди.

Ва ниҳоят ўз бекатингизга эсон-омон етиб ҳам келдингиз. Энди туш-

са ҳам бўлади. Агар туша олсангиз. Бунинг учун автобуснинг олдида жойлашган эшиги томон сурилишингиз лозим. Бу эса ҳазилакам гап эмас. Олдингизда қалин девор бўлиб турган одамлар силкиниб, сакрай-верганларидан бир-бирларига ёпишиб, чирмашиб кетганлар. Астойдил ҳаракат қилиб уларни сурсангиз, тор ичакдан ўтаётгандек, ораларидан ўтиб кетишингиз мумкин. Акс ҳолда...

Бир амаллаб автобусдан тушиб оласиз ва ўзингизни қушдек енгил ҳис қиласиз. Сизга ҳаво ҳам, сув ҳам ширин, ҳаёт эса ажойиб бўлиб кўринади.

Хуллас, мен дала-ҳовлимизга мана шундай ҳолда қатнайвериб, анча озиб кетдим.

Мабодо кимдир – озиш, кўнглини оздириш, хушидан кетиш, меҳнатсиз тер тўкиш ёки яна бошқа мақсадлардан бирида автобус йўналишининг шоҳбекатини қаерда жойлашганини билмоқчи бўлса, каминага мурожаат қилсин.

Одамга лақаб бир ёпишиб олса, кетиши қийин бўлар экан. Лақабнинг яхши-ёмони бўлмайди, бироқ дағали бўлади. Шунақасидан асрасин. Болалиқда майли-ю, катта бўлганда ёмон бўлади.

Болалигимизда Санжар-

айланди.

Кичкиналикда лақаб бир хилда қабул қилинса, улғайганда бошқача қабул қилинар экан. Шунинг учун болалиқда Санжарни ҳеч тортинмай Хўтик деб чақирган бўлсак, энди унинг Эшаклигига фа-

ди. У бувасининг тиззасига чиқиб олиб, китобни ўқиб беришни сўради. Санжар неварасини бошқа хонага чиқариб юбормоқчи бўлган эди, бола унамади.

– Ўқиб беринг, – деб, ғинг-шиб туриб олди. Бобоси неварасининг илтимосини бажаришга мажбур бўлди.

Меҳмонлар ўзлари билан ўзлари овора бўлиб ўтирганларида, Санжар китобни ўқиб, расмдагиларни неварасига тушунтира бошлади.

– Мана бу кучук, у “вов-вов” қилади.

– Буниси мушук, у “миёв” қилади.

– Бу ғоз, “ғоқ-ғоқ” қилади.

– Буниси эса... ,

– жимиб қолди Санжар, – кейин эса, неварасининг сабрсизлик билан кутаётганини кўриб, секингина, – эш-ша-а-ак, – деди. Санжар меҳмонларнинг унинг гапларини эшитганларини, шу сабабдан ҳамма гапларни йиғишти



нинг қулоғи узун бўлганлиги учунми ё бошқа сабабга кўрами, эсимда йўқ, унга Хўтик лақабини қўйган эдик. Вақт ўтиши билан ҳар қанақа хўтикнинг ҳам эшакка айланиши табиий. Санжар ҳам худди шундай, Хўтиқдан Эшакка

қат шама қиламиз.

Яқинда нимаям бўлди, уникига меҳмонга бордик. Дастурхон атрофида суҳбат қилиб ўтирганимизда, бошқа хонадан Санжарнинг ажойиб неварачаси қўлида расмли китобни кўтариб югуриб чиқ-

риб, қулоқлари динг бўлиб, унинг Эшак лақабини оқлашини пойлаб турганларини сезди.

Невара эса:

– Эшак нима қилади? – деб туриб олди. Охири бобоси:

– Эшак ханграйди, – деб, неварасини жўнатиб юбормоқчи бўлганида, у кўнмай:

– Эшак нима қилади? – деб фингшийверди.

Меҳмонларнинг бари: “Санжар ханграб берса, қарсак чаламиз”, – деб пойлаб, ҳозирланиб турганларида,

мен ўртага аралашдим. Стол устидан бир неча чиройли конфетни олиб, зумрашага узатим-да:

– Бобонг эшакнинг нима қилишини кейин кўрсатиб беради, – деб чиқариб юбордим.

Санжарнинг ялтираб турган кўзларидан, мендан жуда миннатдор эканини сездим. Кетаётганимда ҳам миннатдорлигидан бўлса керак, қўлимни қаттиқ қисиб кўйди.

Муҳсин ФАНИЕВ

КЕЛИНГ КУЛИЩАЙЛИК

ДРАМАТУРГНИНГ ЖАВОБИ

Кунларнинг бирида америкалик бир миллионер хаёл суриб ўтирган Бернард Шоуга деди:

– Мистер Шоу, ҳозир нима ҳақда ўйлаётганингизни билиш учун бир доллар беришга тайёрман.

– Афсуски, ўйлаётган нарсам бир долларга арзимаёди, – деди Шоу.

– Ҳар ҳолда нима ҳақда ўйлаётган эдингиз? – тиқилинч қилди миллионер.

– Сиз ҳақингизда! – деди Шоу.

ТЕХНИКА ПАНД БЕРДИ

Саҳнада ўйлаётган трагик Каратигин “отиб ўлдирилиши” керак эди. Рақибни тўппончани унга тўғри-лаб тепкини босган эди, негадир у отилмади. Рақиб тепкини иккинчи марта босган эди, яна ўқ овози эшитилмади. Шунда довираб қолган рақиб бир кучи билан Каратигинни тепиб юборди.

Каратигин: “А...а! Этигинг заҳарланган экан!” – деб қулади-да “жон берди”.

ЎТКИР ЗЕҲНЛИ НОШИР

Виктор Гюго янги босилган китоби қандай сотилаётганини билиш учун биргина сўроқ (?) аломати ёзилган откритка юборди. Ношир эса, қисқа қилиб (!) ундов белгиси ила жавоб қайтарди.



ЭЗОП ЕРТЎЛАДА

Машҳур грек масалчиси Эзопнинг қул бўлганлиги маълум. Бир куни уни хўжайини шаҳарга иш билан юборди. Судья Эзопни йўлда учратиб қаёққа кетаётганини сўради:

– Билмайман, – деб жавоб берди Эзоп.

Судья Эзопнинг жавобидан шубҳаланиб, уни ертўлага қамаб қўйишни буюрди.

– Энди билдингми қаерга боришингни? – деб сўради судья.

– Мен тўғри айтган эдим, – деб жавоб берди Эзоп. – Мен ҳақиқатан ҳам бораётган жойимни билмас эдим. Мана энди маълум бўлди. Судья кулиб, уни бўшатиб юборди.

ЯХШИ ЖАВОБ

Моцартнинг бир дўсти ҳазиллашиб унга катта пакет юборди. Бу пакетнинг ичида атиги икки энлик хат бор эди. Хатда: “Қадрдоним Вольфганг! Мен соғ-саломатман” дейилган эди.

Бир неча кун ўтгач, дўсти Моцартдан яшиққа солинган совға олди. Дўсти яшиқни очиб ҳайрон бўлди: унинг ичида катта тош бор эди. Тошга эса “Қадрдон дўстим, ёзган хатингни олгач, елкамдан мана шу тош ағдарилгандай бўлди”, деган сўзлар ёзилган эди.

GULISTON

1
1999

Учредитель:

Министерство по делам
культуры
Республики Узбекистан


На узбекском языке

Навбатчи муҳаррир
Сирожиддин АҲМЕДОВ

Мусаҳҳиҳ
М.АБДУЛЛАЁРОВА

Компьютерчи ва
саҳифаловчи
Нодира СОАТОВА

Муҳарририят турар жойи:
700029, Тошкент – ГСП,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



Телефонлар:

Бош муҳаррир – 136-78-90
Бош муҳаррир ўринбосари – 133-07-94
Масъул котиб – 133-07-94
Расом ва мусаҳҳиҳ – 136-56-02

Босишга рухсат этилди
12.01.1999 йил.

Қоғоз ҳажми 60x84/116
Офсет босма.

Шартли босма тобоғи 7,64.
Наشريёт ҳисоб тобоғи 9,88.
Шартли бўёқли нусха 18,5
Буюртма № 32 98
6131 нусхада чоп этилди.

Сотувда эркин нарх.

“Шарқ” нашриёт-матбаа
концернининг босмаҳонаси.
700029, Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.

© “ГУЛИСТОН” 1, 1999.

Ёш томошабинлар театри актёри
Абдусамад Жўрабоев.



Ҳамкасблар даврасида.



"Учар табиб"
спектаклида
Ота ролида –
М.Юсупов, табиб
– А.Жўрабоев.





GULISTON

Индекс: якка обуначилар учун – 820

ташкilotлар учун – 806

Баҳоси: Чакана савдода келишилган нархда